

ЎЗБЎКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Гулистон ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Барча педагогик таълим ("Бакалавр")

йуналишлари учун.

"Педагогика тарихи ва назарияси"  
фанидан муаммоли маъруза матнлари.

Гулистон - 2018 йил

Тузувчилар: Х.А.Абдукаримов педагогика фанлар номзоди  
О. Сувонов педагогика кафедраси катта ўқитувчиси  
У. Холиков педагогика кафедраси ўқитувчиси

Ўқув соатлари таксимоти: 2 босқич 3 семестр  
2 босқич 4 семестр.

Маъруза:	76 соат
Амалий (сем.)	50 соат
Лаборатория	26 соат
Муст.таълим	12 соат
Жами:	152 соат.

Ушбу муаммоли маруза матни Гулистон Давлат университети педагогика кафедрасининг 2018 йил 28 августдаги 1-йигилишида муҳокама қилиниб,

## 1. Мавзу: Педагогиканинг бахс маузуси методологияси ва методлари.

### Р Е Ж А :

1. Педагогика шахс таълими хақидаги фан сифатида.  
Унинг асосий категория ва тушунчалари.
2. Педагогика - назария ва тажриба бирлиги эканлиги.
3. Педагогиканинг илмий-гоявий муаммолари.
4. Педагогика илмий-тадқиқот усуллари.
5. Педагогиканинг ахамияти.

### **Муаммоли савол:**

1. Педагогика фанини пайдо булишида ижтимоий муҳитнинг роли?
2. Бирламчи педагогик билим, куникма ва малакалар қандай пайдо булди?

Педагогика сузи юнонча булиб, пайс - бола, эгейн - етакламок, бошкармок маъноларини англатади. Педагогика дастлабки вақтларда болани бошқариш, таълим тарбия бериш хақидаги фан сифатида шаклланган. Эндиликда эса, у жамиятнинг барча аъзоларига таълим бериш хақидаги фанга айланди.

Халқимиз педагогик кадриятларида таълим сузи инсонга илм бериш ва тарбиялашни ифодалайди. Шунинг учун ҳам хозирги замон педагогикасини шахс таълим хақидаги фан деб аташ мумкин. Педагогика шахс таълими қонуниятлари, тамойиллари, мазмуни, усул ва воситалари хақидаги фандир.

Педагогика уз категориялари ва тушунчаларига эга. Педагогик категориялар - бошка фанлар томонидан тан олинган педагогик тушунчалардир. (Педагогик кадрият, таълим, педагогик жараён, маърифат). Педагогиканинг тушунчалари эса, педагогик жараён моҳиятини очиб беришда қулланилади. (Таълим, тарбия жараёнлари, таълим усуллари, шакллари, педагогик шарт шароитлар, билиш имқониятлари ва хоказо).

Педагогик кадрият. Ҳар бир халқнинг тарихий тараккиети давомида яратган, тўплаган ва сақлаб қолган таълим тарбияга оид гоялар, қарашлари ва тажрибалари йиғиндиси педагогик кадриятлар дейилади.

Таълим. Педагогикада таълим сузи бир қанча маъноларда қулланилади. Таълим қенг маънода - фан, техника, маънавият ва тажрибалар тугрисида ахборотлар йиғиндисини англатади. Таълим педагогик маънода эса, ахборотлар мажмуини еш авлодга ургатиш орқали шахсни шакллантириш. Таълим тор маънода, педагогик жараённинг бир булагии булиб, шахсни муайян билим, куникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдир.

Педагогик жараён. Таълим муассасаларида махсус ташкил этилган таълим тарбия ишлари тизимини педагогик жараён дейилади. У таълим, тарбия ва шахснинг мустақил фаолиятларини уз ичига олади.

Педагогиканинг тушунчалари эса, ҳар бир мавзуларни урганиш жараёнида изохлаб борилади.

Демак, педагогика шахс таълими ҳақидаги фан булиб, педагогик жараённинг қонуният, тамойил, мазмуни, усул ва шакллари тушунтириб беради.

Ҳозирги замон педагогикаси икки асосий элементдан ташкил топган. Биринчи элемент педагогик назария булиб, педагогик жараён қонуниятларини тадқиқ этиш йули билан ғоялар, таърифлар, қоидалар, шарт-шароитлар тарзида ифодаланган. Яратилган илмий ғоя, қарашлар педагогикани фан сифатида шаклланиши ва таракқиетида муҳим роль уйнайди.

Иккинчи элемент эса, педагогик тажриба булиб, иқтидорли ўқитувчилар, тарбиячилар педагогик фаолиятида шаклланган қуниқма, малақалар йиғиндисини. Ўзбекистон Республикасини "Таълим тугрисида Қонуни" "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни амалга оширишда қўп ижодқор, изланувчи педагоглар узларининг тажриба мактабларини яратдилар.

Назария ва тажриба узаро бирлашиб педагогиканинг таракқиетини тайинловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай фан уз олдидаги вазифаларни мувоффақиятли ҳал этишда муайян устувор ғояларга таянади. Ана шу ғоялар йиғиндиси фаннинг методологияси, илмий-ғоявий асослари ҳисобланади. Педагогика учун методология-фалсафий, ижтимоий ҳулосалар, умумлашмалар хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Таълим тугрисида қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президентимиз И.А.Қаримов асарларида илғари сурилган таълим тарбия тугрисидаги ғоялар, ҳулосалар, педагогикамиз учун ғоявий асос - дастур амал булиб хизмат қилмоқда.

Педагогиканинг методологик ғоялари сифатида қуйидагиларни қурсатиш мумкин:

1. Таълим жамият таракқиетининг устувор соҳаси, маънавиятни тиклашнинг ишончли омили.
2. Шахс-ижтимоий тузум ва таълим тарбиянинг махсули. Таълим шахс таракқиетида ҳал қилувчи роль уйнайди.
3. Таълим тарбияда миллий уйғониш мафқурасига таяниб, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик руҳида, уларнинг муштараклиги таъминланади.
4. Педагогик жараён марказида шахс, унинг қизиқиш, эҳтиёж ва қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш, қамол топтириш этади.
5. Таълимни ривожлантиришнинг бош йули-унинг демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришдир.

Шуни алоҳида таъқидлаш лозимки, педагогик жараён илмий-ғоявий бушлиқ, ноаниқликка асослана олмайди. Педагогиканинг илмий-ғоявий асослари қанчалик пухта, ҳаётий булса, таълим тарбия ишлари самарадорлиги шунчалик юқори, ишончли булади.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари. Ҳар бир фаннинг шиддат билан ривожланишини кўп жихатидан:

- а) тадқиқотлар утказиш барчасига;
- б) илмий-тадқиқот усулларининг пухта ва такомиллиги;
- в) анашу фан мутахассисларининг назарий ва касбий тайёрларлик даражаларига боғлиқ.

Шунинг учун ҳар бир фаннинг тадқиқот усулларини такомиллаштириш, ҳозирги замон талаблари даражасига келтириш уша фанни ривожлантириш омилларидан бири ҳисобланади.

Педагогика соҳасида кулланиладиган илмий-тадқиқот усулларибир канча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Илгор педагогик тажрибаларни урганиш ва таҳлил этиш усули.(Иқтидорли педагогларнинг таълим тарбия соҳасида эришган ютуқлари сабаб, шарт-шароит ва омилларни урганиш).

### **Муаммоли вазият:**

Янги педагогик модулларни яратиш усуллари. Бу усул ердамида янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар тажриба (эксперимент) тарзда ишлаб чиқилади, оммавий шаклда кулланилади. Бир неча йиллар мобайнида Республикаимизнинг турли вилоятларида "тажриба майдонлари" ташкил этилиб, янги ўқув дастурлари, дарсликлари ишлаб чиқилмоқда.

Янги педагогик модулларни яратиш:

- а) Тажриба утказиладиган жойни танлаш.
- б) Тажрибада катнашувчи ўқитувчи, синф раҳбарлари, ўқувчи, отаона ва мактаб раҳбарларини тайёрлаш.
- в) Тажриба ва назорат синф, гуруҳларини белгилаш.
- г) Тажрибани утказиш.
- д) Тажриба натижаларини расмийлаштириш.
- е) Натижаларини бошқа мактабларда синаб куриш.
- и) Тажриба натижаларини тарғиб қилиш каби босқичларда олиб борилади.

Педагогиканинг аҳамияти. Жамиятнинг жиддат билан ривожланиш бориши инсон омилини биринчи уринга олиб чиқмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида қулга киритиладиган ютуқлар биринчи навбатда шахснинг илмий, касбий, маънавий шаклланганлик имкониятларига боғлиқлиги ҳаммага аён бўлиб қолмоқда. Жамият ҳаётини эркинлаштириш ва демократиялаштириш шароитида инсонни бошқариш, унинг маънавий оламини таркиб топтириш, эътиқод ва инсоннинг фазилатларини самарали усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

### **Муаммони ечими:**

Бугунги кунда ешлар рухий, маъанвий оламини шакллантириш учун ҳар биримиз педагогикани пухта эгаллаб олишимизни талаб этади. Масалан: Ўқитувчи, тажрибачилар-мактаб, мактабгача таълим, предметларни ўқитиш методлари, этнопедагогикани, раҳбарлар - социал педагогика, маданий оқартирув фаолияти ходимлари - маданий оқартирув ишлари педагогикаси, офицерлар-ҳарбий педагогикани, ҳуқуқшунослар-ҳуқуқ педагогикасини, ота-оналар-оила педагогикаси, махсус таълим муассасалари ходимлари-тифло, сурдо, олигофрено педагогикаси, дефектологияни мукамал билиб олишлари зарур.

Педагогика назарияси ва тажрибасини мукамал эгаллаб олишда университет, педагогика институтлари ва педагогика коллежларида педагогика курсларини урганиш муҳим роль уйнайди.

Таянч иборалар:

Педагогика, Педагогика баҳс, мавзуси, Педагогика категория ва тушунчалар, Педагогик кадрият, таълим, Педагогик жаарен, тарбия, маърифат, Педагогик тадқиқот, Педагогик назария ва тажриба.

Савол ва топшириқлар:

1. Педагогика фанига таъриф беринг.
2. Педагогика фани қайси элементлардан ташкил топади?
3. Хозирги замон педагогикасининг илмий-ғоявий асосларини курсатинг.
4. Педагогика тадқиқот усулларини номланг?
5. Педагогиканинг ахамиятини асосланг.

Адабиетлар:

1. И.А.Каримов Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Биринчи китоб. Т. 1996 йил.
2. Биздан озод ва обод ватан колсин. Иккинчи китоб. Т. 1996 йил.
3. И.А.Каримов Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Учунчи китоб. Т. 1999 йил.
4. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. 1998 йил.
5. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бусагасида Т. 1998 йил.
6. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. 1999 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Таълим тугрисида Қонун. Т. 1997 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Қадирлар тайёрлаш миллий дастури. Т. 1997 йил.
10. Ю.К.Бабанский. Педагогика. М. 1985 йил.
11. М. Ф. Ҳарламов. Педагогика 1-боб. Т. 1997 йил.
12. И. Турсунов, М. Нишоналиев Педагогик курси. 1-боб Т. 1997 йил.
13. Х. Абдуллаев. Педагогика. 1-боб. Фаргона 1995 йил.

14. Узбек педагогикаси антологияси. Т. 1996 йил.

2- Мавзу: Педагогиканинг хозирги замон фанлар тизими ва жамият маънавий тараккиетида тутган урни.

РЕЖА :

1. Хозирги замон фан шунослигида педагогикага муносабатлар.
2. Педагогика фан сифатида.
3. Педагогика санъат сифатида.
4. Педагогика кадрият сифатида.
5. Жамият тараккиети ва педагогика.

### **Муаммоли савол:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида замонавий педагогика фанига куйилган талаблар?
2. Шаклан ва мазмунан педагогиканинг таркиби қандай?

Фанлар тарихи, микдори, урни, Социал функциялари, Таснифи мкаммолари билан фаншунослик шугунланади. Фанлар тизимида педагогикани урни масаласи кадимдан кишилар диққат эътиборини тортиб келган. Масалан: Кадимги юнонлар педагогикани-тарбияшунослик: Форобий: Беруний ва Ибн Синолар эса шаҳарни бошқариш илми деб караганлар. Айрим олимлар педагогикани ахлоқшунослик: одобнома тарзда талкин қилганлар.

Хозирги замон фан шунослигида педагогикани фан деб караш гоёси мавжуд. Бу гоё тарафдорлари фикрича педагогика таълим тарбия жараёни шахсини таркиб топтиришнинг қонуният, мохияти, мазмуни, усул ва шакллари очиб берувчи илм деб ҳисоблайдилар. Педагогика таъриф, тушунча, гоёлардан иборат. Шунинг учун ҳам Давлат фан ва техника комитети томонидан фан сифатида (13.00.01.) раками билан руйхатдан утказилган. Бутун дунеда педагогикани ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий тадқиқот институтлари, лабораториялар, илмий марказлар фаолият курсатмоқда.

Педагогикани санъат сифатида караш тарафдорлари ҳам бор. Бундай караш тарафдорлари фикрича, педагогикани эгаллаб олиш ва уни фаолиятда самарали куллаш учун шахсдан уайян қобилият, истеъдод талаб этилади.

### **Муаммоли вазият:**

Масалан: Математикани амалда куллаш учун унинг қонунилари, қоидаларини пухта эгаллаб олиш етарли булади. Тўпроқшунослик илмини эгаллаб олгач, ҳеч иккиланмай агрономлик қилиш мумкин. Бироқ, педагогикани назарий қоидалари, таърифларини едлаб олиш билан самарали ўқитувчилик, тарбиячилик қилиб булмайд. Бунинг учун шахсдан уткир ақл, фаросат, тафаккур, қузатувчанлик талаб этилади. Педагогика курсини аъло даражада қилиш яхши бўлишни қарор қилиш керак.



Педагогика - махорат, тажриба йигиндиси. Унми эгаллаб олиш учун шахсдан педагогик куникма ва малакалари олдиндан булишини талаб этилади. Болалар билан муомила кила билиш, бошкаларни тинглай билиш, ташкилотчилик, бошкаларкувончи ёки ташвишларига шерик була олиш ,кузатувчанлик уз-узини бошка билиш яхши педагог булиб шаклланишида мухим асос хисобланади. Огзаки нуткни куя билиш, имо-ишора, турли хатти-ҳаракатларни уз урнида ишлатишда факат машк килиш оркали узиди мужассамлаштириш мумкин.

Педагогика кадрийат сифатида. Таълим-тарбия тугрисида илмлар энг аввало, халкимизнинг кўп йиллик тажрибаси асосида яратилган. синаб курилган, булардан энг яхшилари, фойдалилари авлоддан -авлодга утиб сакланиб колган маънавий бойликларимиздир. Масалан: катталарга хурмат, уларни эъзозлаш,беморларга гамхурлик килиш, ногиронларга, ночорларга меҳрибонлик килиш хислатларини ешларга ургатиш барча халкларда энг олий, мукаддас педагогик мақсад хисобланиб келинган. Шунинг учун бундай педагогик кадрийатлар хамма вақт уз кимматини йукотмаган.

Педагогиканинг вазифаси халкимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги улкан, бой тажрибаларини урганиб, хозирги замон талаблари билан чамбарчас боглаб, муштарак холда еш авлодда таркиб ёптириш усулларини ишлаб чиқишдир. Президентиимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "Бизнинг келадиги буюк давлатимиз - Хожа Ахмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Накшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйгун холда шаклланиши лозим".

Демак, халкимизнинг ал Хоразмий, Фаргоний, Фаробий, Беруний, Инб Сино, Замахшарий, Имом Бухорий, Хожа Яссавий, Хожа Накшбанд, Амир Темур каби дунега донги кетган минглаб буюк фарзандларини тарбиялашдаги тажрибалари бугунги кун баркамол авлодни таркиб топтиришда кул келади.

Ўзбёкистон мустакиллика эришгандан сунг, республикамызда чоп этилаётган журнал,газеталарда педагогикани ахлоқшунослик, тарбияшунослик, инсоншунослик илимлари деб каровчи муаллифлар хам бор. Букарашлари тахлил этиб вақт утказмасдан шуни таъкитламоқчимизки, педагогикани уз тадқиқот предмети ва объекти бор. У педагогик жараённинг узига хос конунларни очиб беради. Шундай экан. Ахлоқ шунослик педагогиканинг моҳиятини очиб бера олмайди. Чунки у -ахлокий сифатларни пайдо булиши, моҳияти, одамлар хаети учун ахамиятини тушинтириб беради. педагогика эса, анашу ахлокий хислатларни шахсда тартиб топтириш жараёнларини очиб беради. Тарбияшунослик эса, педагогиканинг бир кисми булиб, шахсинг муайян, караш, хислат, отатларини таркиб топтириш йулларини очиб беради холос.

Жамият тараккиети ва педагогика. Педагогика жамиятнинг маънавий жихатдан тараккий этишига хизмат киладиган фандир. Бугинги кунда жамиятимизнинг маънавий ҳаёти мураккаблашиб борган сайин одамларнинг бошқариш, уларни мафкуравий гоялар, қарашлар руҳида тарбиялаш қийинлашиб бормоқда. Бундай ҳолат айниқса, жамият ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш шароитида янада чуқурлашмоқда, мураккаблашмоқда.

### **Муаммонинг ечими:**

Масалан: Ўзбекистон, фуқороларида Президентимиз И.А.Каримов асарларида илғари сурилган гояларга содиқлик, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигига ишонч, Ватанпарвар, етиқотлик ҳислатларини қандай таркиб топтириш масалаларини татқиқ этиш социал педагогик муаммо ҳисобланади. Бу гояларни жамиятнинг барча аъзоларида, биринчи навбатда еш авлодда қандай қилиб таркиб топтириш мумкин? Нима учун биз бу масалани социал педагогик муаммо дедик? Чунки:

- а) Бу масалаларни фақат таълим муассасалари, оила доирасида ҳал этиб бўлмайди.
- б) Жамиятда етакчи мафкуравий гоялар, йуналишлар таркиб тобган, шу гоялар атрофлича, муштарак ҳолда ҳаётга тадбиқ, этила бошланган бўлса.
- в) Бу вазифасини самарали ҳал қилинишига ҳалиқит берувчи омиллар (узғача қарашлар, ҳаракатлар бўлиши мумкин. Масалан: Турли диний экстремистик оқимлар, бозор иқтисодиети муносабатларига утишда айрим салбий оқибатлар ва ҳоқозо).
- г) Ижтимоий шақиллантириш муҳим омиллар (ТВ, матбуот, радио, ешларнинг оммавий, ижодқорлик уюшмалари).
- д) Мустаҳкам етиқотли ота-оналар, педагоглар, маҳалла муҳим рул уйнайди.

Демак, жамиятнинг уқсак гояларига асосланган манавиятини тартиб топтириш учун педагогика узининг етакчи урни ва солоҳиятига эга бўлиши лозим.

Ҳозирги замон педагогикаси мураккаб, пухта гоявий-илмий асосга, ҳалқимизнинг бой педагогик қадриятларига, дуне салохиятига эга бўлган мамлакатлар таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларга таянадиган фан ҳисобланади. У эътиқодли олимлар тажрибали педагоглар ҳамкорлигида вужудга келади, такомиллашади. Ҳозирги замон педагогикаси фан, Тажриба, мазмуи олимлар ва амалиётчилар педагоглар фаолияти маҳсулидир.

Таянч иборалар:

Педагогика қадрият, санат, фан сифати, педагогика фанлари тизими, социал педагогика.

### Савол ва топшириклар,

1. Педагогиканинг хозирги замон фаншунослигида тутган урнини тушинтиринг.
2. Педагогика фан сифатида нимани урганади?
3. Педагогика саънат сифатида нимани изохлайди?
4. Педагогика кадирият сифатида нималарни тушинтиради?
5. Халкимиз манавиятини яратиш педагогиканинг қандай урни бор?
6. Социал педагогиканинг вазифаларини айтинг?

### Адабиетлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон: Милий истиклол, иктисод, сиесат, мафкура. Биринчи китоб. Т. 1996 йил.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. 1998 йил.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI интилмоқда. Т. 1999 йил.
4. И.А.Каримов. Баркомол авлодни -Ўзбекистон тараккиетини пойдевори Т. 1997 йил.
5. Инсон бахт учун тугилади.Ўзбекистон Призиденти И.А.Каримовнинг хикматли сузларидан.

3- Мавзу: Педагогик жараён мохияти ва унинг таркибий кисмлари. (2 соат).

### Р Е Ж А :

1. Кириш. педагогик жараён хакида тушинча.
2. Таълим жараёнининг мохияти.
3. Тарбия жараёнининг мохияти.
4. Шахс мустакил фаолиятини ташкиллаш.
5. Педагогик жараён тамоиллари.

#### 1. Педагогик жараён хаида тушинча.

Таълим-тарбия муассасасида таълим ва тарбия мақсадини амалга оширишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчи, устозлар ва шогирд, олим ва талаба ҳамкорлигида амалга ошириладиган ўқув- тарбиявий фаолият педагогик жараён дейилади. Педагогик жараённи мактаб ва ўқув юртларида ўқувчилар жамоси билан педагоглар ташкил этадиган ўқув машғулоти, синфдан, мактабдан ташқари тadbирлар йигиндиси деб ҳам юритилади.

#### **Муаммоли савол**

1. Педагогик жараён нима?
2. Оила талимини педагогик жараён деб буладими?
3. Педагогик жараён бошқа ижтимоий жараёндан нимаси билан фарк қилади?  
(меҳнат, спорт)

Таълим жараён икки тамонлама булиб, унда икки шахс- ўқувчи ва ўқитувчи булади. Педагогик жараён - ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти булиб, у албатта уз мақсади, мазмуни, шакл, усул ва натижаларига эгадир.

Педагогик жараён доимо ривожланишида такомиллаштирилади. Чунки унинг такомиллаштирувчи кучлари булиб, бу ўқитувчи ўқувчи шахсидир.

Педагогнинг тарбияланувчи - ўқувчи олдида қўйган вазифалари билан унинг бажариш имкониятлари уртасидаги зиддиятдир.

Таълим ва тарбия жараёни ўқувчига қўйиладиган талаблар, ўқувчи имкониятларига мос тушса, натижалар шунча ижобий булади.

Педагогик жараён уч муҳим фаолиятни бир бутунлигидан ташкил топади. Бу таълим, тарбия ва ўқувчи фаолиятидир.

### П Е Д А Г О Г И К Ж А Р А Ё Н

Таълим

Тарбия

Ўқувчи фаолияти

## Маълумот

### Муаммони ечимим

Педагогик жараённи қандай омиллар бир бутунлигини та минлайди?

Бир бутунлиги шундакки:

- а) Функцияларнинг умумлиги. Яъни илм бериш, тарбиялаш, шахсни шаклланиши.
- б) Инсон шахсини таркиб топтириш бир вақтда амалга оширилади. Яъни акли устириш билимли килиш, манавий дунесини бойитиш, ахлокий тарбия топтириш ва хокозо.
- в) Турли тадбирлар иши, мақсади битта гоё билан. Яъни ўқувчи шахсини комил инсонга айлантдириш.

Юкоридагилардан ташқари педагогик жараённинг бир бутунлигини тaminлашда:

#### Эсда тутинг

- Жараён мазмуни-режа, дастур, дарсликлар;
- Усуллар;
- Восита ва педагогик жараённи ташкиллаган шакллари;
- Уқувчи, мураббийнинг таергарлиги;

Педагогик жараёнда энг мухим нарса онг, тафаккурни устирадиган, шакллантирадиган иклимни яратишдир И.А.Каримов "Адолатли жамият сари" асарида "Чунки таълим-тарбия онг махсули" лёкин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожланишини хам белгилайдиган олимдир. Бинобарин таълим-тарбия тизимини узгартирмасдан туриб, онгини узгартириб булмайди, - деган эди.

1. Педагогик жараён, махсади, вазифаси, мазмуни жараёнининг социал иктисодий эхтиежи, унинг мафкура ва сиесати билан белгиланади.
2. Муайян шарт-шароитлар, моддий ўқув база, уқиш, оила ва бошка шарт шароитлардир.
3. Таълим ва тарбия бирлиги.
4. Уқувчи ва ўқувчи фаоллиги тушунилади.
5. Фаолият ва мулокатнинг ахамияти. Масалан: мактабгача-уйин, мактабда ўқув билиш фаолияти, педагог ва тарбияланувчилар уртасидаги мулокатдир.
6. Еш хусусиятни хисобга олиш.

### Муаммоли савол

1. Тарбия жараёни мохияти нималардан иборат?
2. Та лим ва тарбия бирлиги?

## 2. Таълим жараёни моҳияти

1. Икки тамонлама ҳарактерда булиши.
2. Ўқитиш яъни таълим бериш. Уқиш урганиш жараёни. Ўқитувчи педагог, ўқувчи урганувчи.
3. Илмий билимлар хосил қилишга қаратилган.
4. Билиш фаолиятига мовиклиги.
5. Таълим мазмунини аниқлаш.

### **Муаммони ечими**

Таълим жараёни моҳияти узини услублари, воситалари ва амалга ошириш йуллари билан тарбия моҳиятидан фарк қилади.

Тарбия жараёни моҳияти қуйдагича:

- давомийлиги;
- қарамақаршилигига тулалига;
- кўп қирралилиги;
- натижасини мавқумлиги;
- тақрорлаш (таълимда синфларга хос билим)
- тарбияда натижа учун вақтни, тарбияланадиган сифатларни белгилаб булмади.
- ахлит жараёнди. Тарбияни ҳамда турлари бир вақтнинг узида амалга оширилади. Ўқувчи шахси мучтақил фаолитни ташқиллаш;
- амалиет мустақил фаолиятнинг асосидир. Шахс мустақил фаолиятини ташқиллашни муҳим зивенолври қуйдагилар:
- ўқувчиларга амалий вазифалар қуйиш ҳамда уларнинг бу тушунишлари уқиш, урганиш учун вазиятлар яратиш;
- муаммоли вазият яратиш;
- илгарги тажрибаларга таяниш;
- янги матерьялларни идрок қилишлари;
- билим ва қуникмаларни такомиллаштириш;
- билим, қуникма ва малақаларни амалда қулланиш;
- уз-узига талабача булиш, атрофидаги воқеяликни синчковлик билан қузатиш, танқидий муносабатда булиш, узига узи саволлар қуйиш орқали ҳулосалар қикариш;

## 3. Тарбия жараёнининг моҳияти.

Тарбия жараёни узининг моҳияти билан таълим жараёнидан фарк қилади. Бу моҳият қуйдагилардан иборат:

1. Тарбия жараёни кўп қиррали жараёнди.
2. Давомийдир яъни инсон тугилганидан унинг умри охиригача давом этадиган жараёнди.

3. Карама каршиликларга тула жараёндир.
4. Натижаси кузга яккол ташланмайди. Кейинчалик натижа беради.
5. Тарбия курунишлари яхлит тарзда руепга чикарилади.

#### Тамойиллари:

1. Тамойил-принцип-фаолиятда куллашда риоя этиладиган коидалар ва талаблар йигиндисидир.
2. Махсадга йуналганлиги тамойили.
3. Социал-иктисодий узгаришлар ва ҳаёт билан боғликлиги.
4. Умуминсоний кадириятлар асосига қурилганлиги.
5. Илмийлиги.
6. Ўқувчиларнинг узига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.
7. Изчиллиги, кетма-кетлиги.
8. Ўқувчилар фаоллигига, ижодкорлигига таяниш.
9. Ишлаб чиқариш меҳнати билан боғликлиги.
10. Қурсатмалилик.
11. Ўқувчи шахсини ҳурматлаш, унга талаблар қуйиш.
12. Усул, шакл ва воситаларини самарали таъминлаш.
13. Жамоа ҳарактерида булиш.

Педагогик жараённинг мувофаккияти учун қуйдаги вазифаларни амалга ошириш керак:

- педагогик жараёни такомиллаштириш;
- илмий асосида ташкил этиш;
- миллийлаштириш, инсонпорварлаштириш;
- оптималлаштириш;
- табакалаштириш;

#### Таянч иборалар ва тушунчалар:

1. Педагогик жараён.
2. Таълим жараён таърифи.
3. Таълим жараёнининг таркибий қисмлари.
4. Таълим ва тарбия бирлиги
5. Тарбия жараёни моҳияти.
6. Тарбия томайиллари.

#### Саволлар:

1. Педагогик жараён деганда нимани тушунасиш?
2. Таълим жараёнининг моҳиятини тарифланг.
3. Тарбия жараёнини моҳиятини санаб беринг.

4. Тарбия тамойилларини санаб ва изохлаб беринг.

Адабиелар:

1. И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI аср ббусагасида" Т. "Ўзбекистон" 1997 йил. 137-151 б.
2. И.А.Каримов "Баркомол авлод Ўзбекистон тараккиетининг пойдевори" Т. "Шарк" 1997 йил
3. И.А.Каримов" Адолатли жамият сари" Т. "Ўзбекистон" 1998 йил 15-21 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тугрисидаги қонуни" Т. "Шарк" 1997 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Қадирлар таерлаш миллий дастури" Т. "Шарк"1997 йил.
6. Э. Юсупов. "Инсон баркомоллиги" Т. "Ўзбекистон".
7. Абу Наср Фаробий "Фозил одамлар шахри" Т. "Фан" 1993 йил.
8. А. Мунавваров "Педагогика" кулланма. Т. "Ўқитувчи" 1997 йил.

4- Мавзу: Шахс педагогик жараён объекти ва субъекти.

Р Е Ж А :

1. Кириш. Педагогикада шахс тушинчаси.
2. Шахсинг мохияти.
3. Шахсинг шакилланиши ва тараккиети омиллари.
4. Шахс тараккиетида педагогик омиллар.
5. Шахс тараккиетининг еш даврлари.
6. Хулоса.

КИРИШ.



Жамият билан шахснинг муносабатлари, эркинлиги унинг ҳукуки ва бурчлари, инсоний кадриятлари ҳақидаги муаммолар барча тарихий даврда ҳам буюк мутаффакирларининг этиборда турган энг муҳим масалаларидан булиб ҳисобланган.

Мустақиллик туфайли Ўзбек халқининг ажралмас ҳукуки уз тақдирини узи белгилаш ҳукуки руспга чиқарилди. Президент И.А.Каримов айтганидек "Республика ҳақиқатдан ҳам, унинг миллий манфатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи анъаналари, урф одатлари ва қуникмаларини, бёкиес табиий бойликларини ҳар томонлама ҳисобга олиш юксалтириш амалда мумкин булиб қолди". (Ўзбекистон буюк келажак сари 9-бет И.А.Каримов)

Ҳар томонлама ривожланган, барқамол шахс фукорони шақиллантириш гоёси Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва асослаб берилди. Президентимиз асарларида "Қадирлар таерлаш миллий дастурида олға сурган" шахс тугрисида концепция (гоялар) миллий мустақиллигимиз шароитида шахснинг моҳияти ривожланиши, тарбияси, тарқиб топишини истиклол гоялари асосида изохлаш таҳлил этишга имқоният яратди.

### 3. Педагогикада шахс тушунчаси ва унга тариф

#### **Муаммоли вазият**

Педагогика фанида шахснинг моҳияти инсон ижтимоий мавжудодлар деган талимот асосида таҳлил этилади. Инсон меҳнат туфайли табиатни билиб олади ва уни узига хизмат қилдиради. Меҳнат қуролларини узғариши ва ривожланиши билан бирга, кишилар, уларнинг қуникма ва малакалари психологиялари ҳам узғариб боради. Инсон теварак атрофдаги муҳитнинг бир булагии булиш билан бирга фаол суратда таъсир этади, уни уз меҳнати билан узгартиради, бу эса инсоннинг узини ҳам узгартиришга олиб келади.

#### **Муаммони ечими**

Ҳар бир кишининг шахси уни индивидуаллигини вужудга келтирадиган ҳислатлар ва фазилатларни фақат унга хос бирикувидан тарқиб топқандир. Индивидуаллик кишининг узига хослигини, унинг бошқа одамлардан фарқини акс эттирувчи фазилватлар бирикмасидир. Индивидуаллик инсон шахсига фазилатларнинг фақатгина битта жихатигина ҳисобланида. Шунинг учун педагоглар ўқувчиларга индивидуал (яққа тартибда) ендошувини амалга ошадилар. Бу ўқувчиларнинг деференциал-психалогик хусусиятларини ҳисобга олишни ўқувчининг уз тьенгдошларидан нимаси билан фарқ қилишини ва шу муносабат билан тарбиявий ишни қандай ташқил этиш кераклигини аниқлашни такозо этади.

Шахс деб аниқ бир кишини айтамыз ҳар бир киши жамият аъзоси булиб, тарихдан тарқиб топган муайян ижтимоий муносабатлар шароитидан яшайди ва меҳнат қилади. Шахснинг асосий белгилари ижтимоиллиги, онглиги, алоқа воситасига эғалиг. Шахс вфзилатларига, ҳислатларига, сифатларига эға. Бир неча минг йиллар мобайнида яратилган дostonлар, мақол ва маталлар, қушиу ва

латифалар, мусикавий асарларда инсонлар уртасида муносабатлар коидалари нормалари дустлик, меҳнат севарлик, Ватанпарварлик, соф диллик каби инсоний фазилатлар хислатлар улугланади. Инсонийлик тугри келмайдиган евузлик, худбунлик, кибирланиш, анишасизлик, беҳаелик кабилар кораланади.

Урта Осиё мутаффаққирлари ва шоирлари Фаробий, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Ибн Сино, Фирдавсий, Шерозий, Бедил, Алишер Навоий кабиларнинг ижодига назар ташласак бксак ахлокий сифатларга эга булишни тарбияни, меҳнат килишни жасоратли, вафодор, акли уткир ва зийрак дуст биродор ортиришни инсон учун бахтиер ҳаёт кечиришни ассидир, деб ҳисоблайдилар.

Бу анъананинг бешиги бошида турган Абу Наср Ал Фаробий булиб, "уз аҳолисини бахт соадатга етакловчи, бутун фаолият ва вазифаларни анашу мақсадга йуналтирувчи шаҳарни энг яхши фазилати" деб айтилади.

"Бахтга эришиш учун барча шаҳарларда уз аро ердам берувчи халк-фазилатли, етук халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ердам берсалар бутун ер юзи фазилатли етук булади". Фаробийнинг фикрича инсон уз-ушидан бахтли була олмайди. Бу нарса унинг ҳаракатларига, меҳнатига, касб-хунарларини эгаллашига, билимга боглик "Инсон юксак камолатга эришув йулига ҳаракат килганидек, аклий билишга ҳам ҳаракат килса ҳеч шубҳасиз узи интилаётган сунги даражадаги бахт соадатга эришади". (М. Хайруллаев "Уйғониш даври" ва "Шарк мутафаккилари" 254-бет)

Абдулқосим Фирдафсий "Шохнома" номли асарида инсонни бутун мавжудодни энг баркамол тараккиет чуққиси деб таърифлаётган Фирдафсий инсон узининг ақл идроки ва тафаккури онги билан бошқа мавжудодлардан ажралиб туришини алоҳида уқтиради.

Беруний кайд килишича инсондаги мактовга сазовор хислат олийжаноблик, мардлик, мурувват, нафси тия билиш, покизалик, ёқимли кийинишдир. Беруний "Хиндистон" ва "Қадимги халқлардан қолган едгорликлар" асарларида инсоний фазилатлар урф-одатларини яхши ва емонга ажратиб талқин этади.

Инсонни соғлом бахтиер ҳаёт кечириши муруни узайтириш одамнинг табиати билан узвий алоқадорлиги, болалар тарбияси энг муҳим масала сифатида Абу Али Ибн Сино таълимотида кенг урин тутди.

Алишер Навоий инсон ҳар томонлама етук ва баркамол булиши зарурлиги ва бу гоёни анчагина ривожлантириб бойитиб қомил инсон таълимоти унинг барча асарларида қузга ташланади. Фарходда ҳар томонлама баркамол шахсга хос хусусиятлар шақилланган.

Шаркнинг буюк алломаларидан Мирзо Абдулқодир Бедил инсонни жуда юксакликка қутаради, узининг қўпчилик асарларида уни "Ҳазрати инсон" деб атади.

Шахснинг моҳияти, инсоннинг фазилатлари тугрисида файлосуф рухшунос, жамиятшунос олимлар Ф. Бекон, Т. Гоббис, Р. Декард, Б. Спиноза, Ж. Локк, П. Гольбах, Н. Черншевский, К. Д. Ушинский ва бошқалар уз асарларида маълум гоёларни олға сурганлар.

Совет даврида, тургунлик йиллари, шахсга сизиниш йилларда шахсни эркинлиги, мохияти сохталаштиришгача бориб етибдики мумли кадириятлар поймол этилди. Баъзи бир миллат ва элатларнинг хак хукуклари поймол этилди. Совет фуқоролари илм олиш хукукига эгадир деб айтилган. Холбуки, ҳар йили Олий ўқув- юртларига кириш имтихонлардан етарли даражада бал олган ешлар мандат камиссиядан ута олмаганлар. Фуқоролар меҳнат килиш хукукига эга булсаларда кўпчилик ешлар шахар ва кишлокларда иш топа олмасдан ишсиз юрганлар ва хокозо.

Хозирги тарихий узгаришлар даврида зиддиятлар, кийинчиликлар булсада, мамлакатимизда илмли мустакилликни мустахкамлаш юксалиш йулида Призидентимиз И. А. Каримов рахбарлигида олга бормокдамиз.

И.А.Каримов айтганларидек:"Ижтимоий ва сиесий сохалардаги барча ислохатларимизнинг пироварт мақсади юртимизда яшаётган барча фуқоролар учун муносиб хает шароитларини ташкил килиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун хам манавий жихатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш миллий уйғониш гоёсини руебга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг мухим вазифаларидан бири булиб қолади."(1995йил. Олий Мажлис 1 сессия маъруза).

Кадрлар таерлаш тугрисидаги давлат сиесати хам инсонни интеллектуал ва манавий-ахлокий жихатдан тарбиялаш билан узвий боғлик булган узликсиз таълим оркали ҳар томонлама барқомол шахс - фуқоро шакиллантиришни назарда тутуди.

### **Эса тутинг**

Кадрлар таерлаш миллий моделини асосий таркибий кисми сифатида шахсга куйидаги тариф берилади: шахс - кадрлар таерлаш тизимининг бош субъекти ва объекти таълим сохасидаги хизматларнинг истемолчиси ва уларни амалга оширувчиси.

Шахс сифатида танишмок учун одам манавий - психологик камолатнинг муайян даражасига эришмоги ва шахсан узини бошка кишилардан фарк килиб турадиган бир бутур холида мавжуд деб идрок этмоги лозим.

Шахснинг мохияти ва унинг таърифи масаласиги юкоридагилар асосида куйидаги хулосани олга сурамиз.

Кадрлар таерлаш миллий моделини руебга чиқариш ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурини онгли равишта танлаш ва кейинчалик пухта узлаштириш учун ижтимоий сиесий, хукукий, психологик-педагогик ва бошка тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида уз жавобгарлигини хис этадиган фуқороларни тарбиялашдир.

## **4. Шахснинг шакилланиши ва тараккиети омиллари**

## **Муаммоли савол**

1. Кобилят ва иктидор нима?

2. Шахс ривожланишига та сир этадиган омиллар?

а) Инсоннинг ривожланиши морфологик, биохимик, психологик ва ижтимоий тафсилдаги микдор ҳамда сифат узгаришлари жараёндир. Педагогик ривожланиш қандай ичкива ташки, Бошқариладиган ва башқарилмайдиган омиллар таъсирида руй беришини ва у тарбия билан қандай муносабатда булишини тарбиянинг чегараларининг ва унинг ривожланишига таъсир этиш имкониятлари кандайлигини билиши керак. Бола узликсиз ва нотеккиз мураккаб ривожланишнинг йулини босиб утиб шахсга айланади. Бола жисмоний, психих, ижтимоий манавий ахлокий, каби йуналишда уз аро хамахат ривожланиб улгаяди, катта киши булиб этишади.

### **Муаммонинг ечими**

Шахснинг карор топиши ва хаёт давомида тараккиети натижасида такомиллашуви, камолати ҳамда тарбия натижасида таркиб топишини шакилланиш дейилади. Шахснинг шакилланиши карама каршилаклар билан содир буладиган мураккаб жараёндир. У организмнинг усиши ва етилиши, ички ва ташки, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган стихияли таъсирлар, махсадга мувофик уюштирилган тарбия таълим тизимини уз ичига олади. Шахсни шакиллантириш бола тугилиши билан бошланади, болалик, усмирлик ва ешлик даврларида интевсив кизгин утади ва катта булганда нисбий равишда тугалланади.

Фан ешнинг ортиб бориши билан мускулларнинг кучи нафас олиш чукурлиги ҳаракат тезлиги малакалар сони ва хокозоларни усиб бориши тугрисидаги малумотларни урганиб чиккан. Булар жисмоний ривожланишга таълуқли фикрлардир. Бола ешнинг ортиб бориши билан унинг билим савяси маданий дунеси тарбияси, фазилат ва хислатлари, психологияси ривожланиб бориш тугрисида хам ҳар томонлама турли илм сохалари асосида фикр юритишимиз мумкин.

Ривожланиш-бу одамнинг рухияти ва организдаги сифатий узгаришлардир. Бу узгаришлар ижтимоий мухит, уй-жой шароити болани куршаб турган кишиларнинг таъсири натижасида руй беради.

Инсонни ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар инсон эхтиезини таъсирида юз берадиган объектив омиллар, яъни жисмоний, моддий эхтиезлардан бошлаб олий маънавий эхтиезларгача булган омиллар билан уртасидаги муносабатларга боглик булади. Бундай эхтиезлар у ёки бу фаолиятнинг сабабларини вужудга келтиради, узини эхтиезларини канонатлантириш учун воситалар, манбалар кидиришга, кишиларга билан

мулокат килишга ундайди. Инсон кўп сонли узаро алоқалар урнатилиши давомида унинг ижтимоий сифатлари шаклланиб боради.

Педагогика шахснинг шаклланишига таъсир курсатадиган асосий омиллар ирсият (биологик омил), мухит (ижтимоий, табиий, психологик, маънавий...омиллар), таълим тарбия тугрисидаги хулосаларни анча илгари ишлаб чиққан. Жамият тараккиетининг турли даврида педагогик уларнинг инсоннинг шаклланишидаги ахамияти ва нисбати турлича мафкуравий-сиёсий таъсирида изохлаб келган.

Тугма қобилиятларнинг ирсий берилиши, масалан, табиёт илмида ва унга мувофиқ педагогикада ҳам алоҳида ахамият қасб этади. Масалан: ичкиликбосликка берилган айрим оилалардаги болаларда баъзи бир ирсий кучиб утадиган рухий қасалликларига қалиниш ҳоллари учрайди. Соғлом кишилар фарзандларида ақлий фаолият даражаси ва сифаси юқори булиши кузатилади.

Шахснинг ҳамма рухий қазилатлари унинг атроф мухит билан мулоқати натижасида инсонни меҳнат қилишдек ҳаётий фаолияти натижасида қулга қиритилади. Инсонга тугма равишда ҳатти-ҳаракатларнинг ҳеч қанака ижтимоий, ноижтимоий дастурлари берилган эмас. Ҳар бир одам учун шахс сифатидаги қазилатларнинг шаклланиш жараёни амалда қолдан бошланади.

### **Эса туғинг**

Ижтимоий мухит кўп жихатдан социал шарт-шароитларга бевосита боғлиқ. Инсоннинг ижтимоий қиёфаси унинг ижтимоий ва давлат тузумига мансублиги, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг маҳсус, у ёки бу давлатнинг фуқаролиги, шахснинг синфий урнини белгилайдиган маъқур жамиятда, мамлакатда урнатилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг маҳсули ҳисобланади. Инсон ривожланишининг шахар ва қишлоқларда ҳаёт шароитларининг узғариши, мамлакат ҳудудида аҳолининг қучиши, туғилишнинг уқиши, умрнинг узайиши ёки қамайиши, ниқоҳдан утиш ешининг узғариши, меҳнат тақсимоти, бозор иқтисодиети шароитида, яъни синфлар тадбирқор, ишбилармон, савдогар, банкир, менежментларнинг пайдо булиши кўп жихатлардан боғлиқдир.

1. Шахснинг шаклланиши ва тараккиетида педагогик омиллар.

### **Муаммоли савол**

1. Қим шахс була олади?
2. Шахс бу фақатгина ижобий ҳислатларга эга булган одамми?

Мавжуд иштимоий мухит инсоннинг уқиб бораётган онги савиясига асосан онгли таъсир этади, ижтимоий тузум кўпчилиқ юқсак даражада юқори булса, унинг шахсга онгига таъсири ҳам шунқалиқ юқсак булади. Бу таъсир

жамиятдаги мавжуд таълим, тарбия тизими оркали амалга оширилади. Тарбия туфайли шахс бошқалар билан алоқа муомила қилиш, ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва меҳнат қилиш учун зарур бўлган билим, малака ва қуникмаларни эгаллайди. Шунинг учун ҳам шахснинг шаклланиши ва таракқиетида педагогик омиллар ҳал қилувчи даражада катта аҳамиятга эга.

Мухитнинг таъсири кўпчилик ҳолларда стихиялик эканлигини ҳисобга олинса, таълим, тарбия аниқ мақсадли таъсир этиш бўлиб, режали амалга оширилади ва муҳитдаги воқеаликни тугри ва ижобий таъсирини ҳам вужудга келтиради. Чунки таълим, тарбияда муҳит бераолмайдиган нарсалар урганилади, билим, маълумот эгалланишда, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ қуникма ва малакалар эгалланади;

- таълим-тарбия туфайли тугма камчиликлар ҳам узгартириб еи тугма қобилият иқтидор ривожлантириши мумкин бўлиб, шахсни қамолга етказилади (м-н: Жисмонан ногиронлар, қур, синов қабилар нормал шахс сифатида жамиятда уз урнини топишга эришилади, соғлом кишилар қаторига қуйилади);
- тарбия таъсирида муҳитнинг салбий таъсирида бартараф этиши ва йукотилиши мумкин;
- таълим ва тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни қузлайди. Оила шахснинг шаклланишида жамиятнинг асосий бугини сифатида катта роль уйнайди. Шахснинг ижобий ҳислатлари асосан оилада таркиб топади, шакллана бошлайди. Мактабгача тарбия муассасаларда янада янги жамоавий ҳислатлар билан бойитилади. Мактаб, лицей, гимназияларда етуклик қуламида билим, иқтидор, қуникмалар шаклланиши билан бирга инсоний ижобий ҳислатлар янада сайқал топади. Мактабдан ташқари маданий-маърифий муассасалар ва радио, телевидение оммавий ахборот воситалар таъсирида шахсий ҳислатлар жамиятга, атроф-муҳитга мувофиқлантирилади.

Маълум мақсадга йуналтирилган тарбия фаолиятида санъат, адабиёт, маданият, муассасалар, ижтимоий ташкилотлар, уюшмаларнинг ерданидан фойдаланилади.

Педагогика фани томонидан ривожлантириладиган тарбия концепциясида тарбиянинг фақатгина объекти эмас, балки субъекти ҳам ҳисобланган инсоннинг уз фаолиятига катта урин берилади. Тарбия жараёнида тарбиячи томонидан унга таклиф такдим этиладиган талабларнинг инсон томонидан тушунилиши ҳамда қабул қилиниши катта роль уйнайди, яъни уларнинг ақлан уйлаб қурилганлигини тушунишга интилишни, ҳаққуликни, изоҳланганликни, унинг изидан бориш хоҳиш қуйилиб келадиган ижобий муносабатларни унда шакллантиради. Инсон томонидан ҳаёт мобайнида уз олдига шахсий мақсадларни қуйиш, уларни бажаришга интилиш, уларни мувафқиятли ҳал этиши, уларга етиши учун узида зарур бўлган сифатларини ҳосил қилиши ҳам

катта роль уйнайди. Шахснинг энг кўп даражадаги фаллиги қачонки инсон узини тарбиялаш хусусида жиддий уйлай бошлаганда, узинимукамаллаштириш учун алоҳида, махсус куч-қувват имкониятларни сарфлаб туриб, уз шахсини фаол шакллантирганда кўпроқ намоён булади.

### **Эсдга тутинг**

Жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш жараёнида инсоний онгнинг фаол табиати айниқса яққол намоён булади. Инсон уз танасини узининг онги иродаси объекти қилиб, атайлаб узига муайян ҳаракатлар ва ҳаракат омилларидастурини белгилаб, уз организмнинг ишини такомиллаштиради, ҳаракат қобилиятларини ва умумий яшовчанлигини оширади. Ана шундай ҳаракат воситасида ташқи табиатга таъсир курсатади ва уни узгартирар экан, айни вақтда уз табиатини ҳам узгартиради.

## **5. Шахс таракқиетининг еш даврлари.**

Тарбия - тарбиячининг инсоний маълум бир сифатлари ва хусусиятларни шакллантириш учун мақсадий йуналишли фаолияти булиб, ҳар доим у маълум бир белгиланган еш гуруҳига йуналтирилган булади. Бунда уларнинг узига хосликлари ҳамда имкониятлари инобатга олинган ҳолда реал тарбиявий вазифалар илгари сурилиши ҳамда тарбиявий таъсирнинг аниқланган, белгиланган усуллари ва воситалари танлан олиниси мумкин булади. Инсон ҳаётининг бундай ешга кура босқичларига мактабгача, мактаб, успирин ешдаги ҳамда ижтимоий-етуклик даври, балогат еши даврлари қиради. Мазкур босқичларнинг ҳар бири ичида ривожланишнинг узига хослиги билан белгиланган, тавсиф-таклиф жтиладиган қиска муддатли еш даврлари алоҳида ажралиб туради. Айрим еш даврлари ва босқичларининг ажралиш қоидалари жуда ҳам шартлидир. Болалар ва ешларнинг ешига кура узига хисликларини урганиш билан психологиянинг махсус тармоги шугулланда. Бизнинг психологларимиз ешга кура қуйидагича даврлаштиришни таклиф этадилар: дастлабки болалик даври 3 ешгача (илк болалик ешдаги болалар богчаси гуруҳи), богча ешига яқин ешлар болалар ҳаётининг 4 йили (болалар богчасининг қичик ешдагилар гуруҳи). Уртача ешдаги гуруҳ - 5 ешлар, катта ешлар гуруҳи - 6 ешлар ва тайёрлов гуруҳи - 7 ешларга булинган - мактабгача булган ешдагилар даврига булинади. Мактаб ешидагилар таълим тарбиянинг асосий босқичларига мувофиқ равишда:

бошланғич таълим (1-4 синфлар);

умумий урта таълим (1-9 синфлар);

урта махсус, қасб-ҳунар таълими (10-12 синфлар) деб номланадиган еш даврларига булинади. Биз юқорида айтиб утган даврлардаги узгарувчанлик ва шартлиликлар, айрим еш гуруҳлари уртасидаги қегара, ажратишда маълум даражада таъсир курсатадиган баъзи бир янги қодисаларга диққат-эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Аксерация - кўп жойларда болаларнинг жисмоний ва рухий, анча барвақт буйига усиш ва шунга ухшаш узгаришларни курсатиш мумкин. Хозирги кунда таълим муддатларининг узайтирилиш билан бир каторда успиринларнинг ижтимоий балогатга етиши анча кеч содир булиши, жинсий балогатга етганлик билан шахснинг иктисодий мустакиллигини бошланиши уртасида фарклар вужудга келиши кузатилмоқда. Инсон ривожланишининг айрим босқичларини ешга кура чегаралаш, ажратиш масалаларини тугри, окилона хал этиш факатгина таълим беришни бошлаш муддатини белгилаш, ўқув хажми ўқувчилар учун кун тартиби, уларга таълим бериш, тарбиялаш усул вавоситаларини танлаш учунгина эмас, балки хукукий, тиббий тажриба, спортдаги меъерлаш билан боглик кўпгина масалаларни хал этиш учун хам зарурдир.

Мактаб ешларни хаётга ва мехнатга тайёрлашга, шахс сифатида йуналишларни белгилаб берадиган дунекарашни шакллантириш учун жамият олдида масъулиятли булиб, унда бёкиес буюк жавобгарлик хисси етади.

## **Муаммони ечими**

### **6. Хулоса.**

1). Шахснинг мохияти халкнинг миллий урф-одатлари, хусусиятлари, тарихий тараккиети, сиесий тузум, маънавийт маърифатни, маданият даражасига боглик холда талкин этилиш мақсадга мувофик.

2). Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатлар ҳар томонлама ривожланган маънавий, аклий интеллектуал салохиятли шахсни таркиб топтиришни, комил инсонни шакллантиришни кузда тутуди.

3). Педагог педагогик мехнат, фаолият самарадорлигига эришмок учун шахс тараккиети ва шаклланишга таъсир этадиган омилларни табиатини, хусусиятларини, боланинг еш ва индивидуал хусусиятларини билиши зарур.

4). Педагоглар шахс - педагогик жараённинг объекти ва субъекти сифатида уз-узини тарбиялаш, уз шахсини ривожлантириш, уз устида ишлаш йуллари ва бу жараённи ташкил этишни билиши ўқувчиларни бу жараёнга онгли тайёрлаб олиш зарур.

5). Мавзуни янада чукуррок урганиш учун Президент асарлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яхши урганиш талаб этилади. Кушимча адабиетлар фалсафий, психологик адабиетлар, мабуот материаллари билан кенгрок танишиб чикиш зарур.

Мустакил ишлаш учун саволлар:



1. Шахс тараккиети тугрисидаги таълимотларни урганиб чикинг.
2. Еш даврларининг педагогик-психологик тавсифномасини урганинг.
3. Усмирлик даври нима учун мураккаб давр хисобланади?

Мавзуни айрим томонлари семинар машгулотларида янада чуқурлаштириб талкин этилади.

#### Таянч иборалар:

1. Шахс
2. Ривожланиш
3. Шаклланиш
4. Биологик омиллар
5. Социал омиллар
6. Мухит омили
7. Педагогик омиллар
8. Еш даврлари.

#### Савол ва топшириқлар:

1. Баркамол авлодни тарбиялаш.
2. Шахс ривожланиши ва шаклланиши.
3. Еш даврлари.

#### Адабиетлар:

1. И.А.Каримов "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиетининг пойдевори"  
Т."Ўзбекистон" 1997 йил.
2. А.К.Мунавваров "Педагогика" Т."Ўқитувчи" 1997 йил.
3. И.И.Турсунов "Педагогика курси" Т."Ўқитувчи" 1997 йил.

5.Мавзу: Шахсни комил инсонга айлантириш таълимнинг мақсади сифатида.

### Р Е Ж А :

1. Педагогикада таълим мақсади муаммоси ва уни белгилаш омиллари.
2. Шахсни комил инсонга айлантириш таълим мақсади сифатида.
3. Комил инсон сифатлари.
4. Комил инсонни таркиб топтириш йуналишлари.

### **Муаммоли савол**

1. Ҳар тамонлама етук ва комил инсон тушунчаларини сизнингча фарқи нимада?

### **Муаммони ечими**

Педагогика назариясида таълим мақсади ва уни белгилаш муҳим методологик, амалий аҳамиятга молик муаммо сифатида қаралади. Архитектор яратаётган биноси қандай мақсадда хизмат қилишини, қулол ясаётган буюмини нимага, қаерда фойдаланишни олдиндан билиб олмасдан уз фаолиятини бошлай олмайди. Педагог ҳам уз шогирдларида таълимнинг ҳар бир босқичи охирида қандай аклий, маънавий-ахлоқий ва жисмоний хислат ва сифатларга эга булишини аниқ билмай уз фаолиятини самарали йулга қуя олмайди.

Шунинг учун педагогикада таълим мақсади олдиндан белгилаб олинган булиши яъни шахда педагогик жараёнда қандай хислат ва сифатларни таркиб топтириш аниқлаб, режалаштириб олиниши зарур.

### **Эса тутинг**

Таълим мақсадини белгилаш социал-педагогик муаммо булиб, уни жамиятнинг устивор йуналишларидан келиб чиқиб хал этилади. Бунда:

1. Ижтимоий-социал тараккиятнинг таълим муассасалари олдига қуяётган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб;
2. Давлат тараккиятининг истикболи. Таълим мақсади жамият ривожланишининг энг камида 20,25 йил олдинда юриши лозим.
3. Таълим муассасаларининг имкониятлари, моддий техника базасининг ахволи.
4. Ҳозирги замон фани, техника, технологиялари ва маънавияти ютуқларидаги жиддий узгаришлар.
5. Ҳозирги замон ўқувчи ешларининг еш ва узига хослик имкониятларига қараб хал этиладиган таълим-тарбия вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллика эришгач, дуне салоҳиятига эга булган кучларнинг таълим соҳасидаги тажрибаларини урганиш ва ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилма бошланди. Бу эса таълим мақсадининг дуне стандартлари даражасига келтириш имконини бермоқда.

Шахсни комили инсонга айлантириш таълим мақсади. Инсоният тараккетининг барча босқичларида муҳим муаммо таълим мақсади бўлиб, шахсни комил инсонга айлантириш турган. Бирок комил инсон тушунчаси турли маънода қуришда талкин этилган. Масалан: қадимги юнонлар Гармония назариясини яратиб, унинг асосида инсонга акли, кучи ва одобини қуяди. Авестода эса, комил инсонда эзгуликни қурганлар. Исломи педагогика мумин-мусулмон; тасаввуфда орифлар деб юритганлар. Тасаввуф педагогиканинг буюк намоендаси Шайх Азизидин Насафий "Комил инсон - бу эзгу фикр, эзгу калом эгаси" деб таъкидлайди. "Яна билмасанг, - деб давом этади олим, яхши суз, яхши одоб, яхши амал эгаси - комили инсондир".

### **Муаммони ечими**

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли комили инсон тушунчаси баркамол авлод шаклида қулланила бошланди ва таълим мақсади сифатида белгиланди. Баркамол авлод қандай хислатларга эга бўлиши лозим? саволига Президентимиз И.А.Каримов асарларида, халқимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятларидан жавоблар опамиз. Булар:

1. Мустаҳкам билим ва эътиқод эгаси.
2. Қасб-хунар эгаси, ҳозирги замон техникаси билан муносабатда бўла оладиган шахс.
3. Юксак ахлоқий-маънавий хислатларга эга бўлган, Ўзбекистон фуқароси.
4. Ватанпарвар, халқпарвар, инсонпарвар инсон.
5. Миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқ шахс.
6. Ижодий, мустақил фикрловчи, янгиликларга интилувчи соғлом авлод.
7. Тадбиркор, тежамкор ва меҳнатсевар.
8. Ватанимизнинг ички ва ташқи душманларига, ҳаётимизда учраб турадиган салбий қурилишларга, иллатларга мурасасис қурашувчан.

Демак, баркамол шахс жамиятиимз тараккетининг пойдевори. Шунинг учун уни таркиб топтириш ҳозирги даврнинг муҳим давлат аҳамиятига молик вазифа ҳисобланади.

Комил инсонни таркиб топтириш йуналишлари. Ўзбекистон Республикаси Таълим тугрисида қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим муассасалари олдида баркамол авлодни тарбиялаш вазифалари қуйилган. Бу вазифани ҳал этиш қўп жиҳатдан педагогик жараён мазмуни, ўқувчиларнинг еш, билим имкониятлари, педагогларнинг назарий ва услубий тайёргарлик даражаларидан келиб чиқиб ҳал этилади.

Республикамиз ҳудудидаги барча таълим муассасалари баркамол авлодни таркиб топтириш мақсадида қуйидаги йуналишларда таълим тарбия ишларини ташкил этади:

1. Шахсда илмий дуне қарабини тақиб топтириш ва ақлий тарбия.
2. Маънавият ва маърифат тарбияси.

3. Одоб-ахлоқ тарбияси.
4. Ватанпарварлик тарбияси.
5. Соғлом авлод тарбияси.
6. Тадбиркорлик ва ижодкорлик тарбияси.

### **Эса тутинг**

Демак, таълим муассасаларида баркамол инсонни шакллантириш дарсида, дарсдан сунг, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, ҳокимият, ҳуқуқ, суд, милиция, адлия органлари билан ҳамкорликда олиб борилади.

### Таянч иборалари:

Таълим мақсади, таълим мақсадини белгилаш омиллари, қомили инсон, баркамол авлод, қомили инсонни шакллантириш йуналишлари.

### Савол ва топшириқлар:

1. Таълим мақсади деб нимага айтилади?
2. Таълим мақсадини белгилашнинг қандай омиллари бор?
3. Қомили инсон нима ва уни асосий хислат ва сифатлари?
4. Қомили инсон ва баркамол авлод гоялари фарқи?
5. Қомили инсонни шакллантириш йуналишлари.

### Адабиетлар:

1. И.А.Каримов "Баркамол авлод-Ўзбекистон таракқиетининг пойдевори". Т. 1997 йил.
2. Ю.К.Бабанский "Педагогика" 1-боб.
3. И.Ф.Ҳарламов "Педагогика" 3-боб.
4. И.Турсунов, Нишоналиев "Педагогика" 3-боб.
5. Х.Абдуллаев "Педагогика" 2-қисм Ф.1995 йил 10-боб.

6.Мавзу: Хозирги замон фаншунослигида педагогикани даврлаштириш.  
"Авесто"гача ва "Авесто" даври педагогикаси.

Р Е Ж А :

1. Педагогика тараккиетининг даврлаштириш концепциялари.
2. Ватанимизда педагогика тараккиетини даврлаштириш.
3. "Авесто"гача давр педагогика.
4. "Авесто" даври педагогика.

Муаммоли савол:

1. Зардуштлик давридаги педагогик мухитнинг етакчи омиллари нималардан иборат?
2. "Авесто" мукаддас китоб эканлиги нималарга асосланади ?

Ҳар бир фан уз тарихига эга. Уни холисона тадқиқ қилиш натижасида кўпгина саволларга тула жавоб топиш мумкин. Жумладан: у қачон, қаерда ва қандай шароитларда фан сифатида шаклланган? Унинг тараккиетини қандай омиллар ҳисобига илгарилаб борган? Фаннинг шаклланиши ва тараккиетига ҳисса қушган буюк олимлар ҳаёти, етган асарлари қандай илмий гоёларни илгари сурганлар? ва ҳоказо.

Педагогикани даврлаштириш муаммолари турли концепциялардан келиб чиқиб ҳал этилган. Булардан айримларини қуриб чиқайлик.

Педагогикани жаҳмиёт тараккиети босқичлапри (формациялар) асосида даврлаштириш. Проф.Е.Н.Мединский, М.Ф.Шабаев ва бошқа тарихчи олимлар педагогикани ибтидоий, кулдорлик, феодал, капитализим,социализим босқичларга ажратиб даврлаштирганлар.

Педагогикани маданиятнинг бир томони деб қараб, даврлаштириш. Проф.З.А.Малькова, Салимова К.И. ва бошқалар педагогикани узгача, яъни - ислом дини педагогикаси, христиан педагогикаси, уйғунланиш даври педагогикаси тарзда тадқиқ қилганлар. Узбек олимлари эса, ватанимизда педагогикани уч даврга булади:

1. Октябрь тунтаришгача булган давр (1917 йилгача)
2. Шуру тизими даври (1917 йилдан 1991 йилгача)
3. Мустақиллик даври (1991 йилдан кейин).

Юқоридаги биз тухталган барча концепциялар Ватанимизда педагогикани шаклланиш ва тараккиети босқичларини тула қонли даврлаштириб бера олмаганлар. Узбек тарихчилари педагог билан ҳамкорликда бу муаммони ҳал этишлари лозим.

Президентимиз И.А.Каримов асарларида таъкидланганидек, халқимизнинг 3.5 минг йиллик маданий ҳаёт тараккиети хусусиятларидан.

Ўзбек педагогикаси антологияси. Бир жилд. Тошкент 1995 йил 6-б. келиб чикиб педагогикани куйидаги тарихий босқичларига ажратиш мумкин:

1. "Авесто" гача булган давр педагогикаси.(энг кадимги даврлардан эрамиздан олдинги 7-6 асрларгача).
2. "Авесто" даври педагогикаси. (эрамиздан олдинги 7-6 асрлардан эрамизнинг 7 асргача).
3. Уйғониш даври педагогикаси. (8 асрдан 13 асргача).
4. Амир Темур ва Темурийлар даври педагогикаси. (14 асрдан 17 асргача).
5. Хонликлар даври педагогикаси. (17 асрдан 19 асрнинг иккинчи яримигача).
6. Туркистонда педагогика тараккиети. (19 аср иккинчи яримидан 1917 йилгача).
7. Ўзбекистонда педагогиканинг тараккиети. (1917-1991 йиллар).
8. Мустақил Ўзбекистонда педагогика ва таълим тараккиети. (1991 йидан сунги давр).

Биз тавсия этаётган даврлар шартли булиб, ҳар қандай узгача даврлаштириш гоёсини қабул қилишга тайёрмиз.

"Авесто" гача давр педагогикаси.

Ҳозиргача урганилаётган давр педагогикаси, таълим ва тарбия муассасалари фаолияти тугрисида жуда кам маълумотга эгамиз. Осиё мамлакатлари худудида утқазилган археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган ахборотлар шундан далолат беради, ватанимизда қадимдан дехқончилик, хунармандчилик, овчилик, касб-хунар, савдо-сотик ишлари ривож топган. Шарк билан Ғарбни, Жануб билан Шимолни савдо алоқалари билан боғланган "Буюк ипак йули" Ватанимиз орқали утгани маълум. Бу йул бизнинг халқимиз учун нажот, ҳаёт, тараккиёт йули булиб хизмат қилган. "Ипак йули" орқали фақат савдо-сотик қарвонлари билан бирга машҳур олимлар, хунармандлар, машшоқлар, эркин фикрловчи кишилар маънавий бойликлари олиб келганлар ва бизларнинг маданий меросларимизни четга, уз юртларига олиб кетганлар. Ана шу йул орқали буюк Хинд халқининг "Махобҳорат", "Қалила ва Димна", "Рамаёна" дostonлари, Хитой олимларининг асарлари Ватанимизга қириб келган. Буддизм динининг дастлабки асарлари Ватанимизда шаклланиб, кейинчалик бутун Шаркка ейилган деган фикрлар бор.

Демак, ҳозирги Марказий Осиё имнтақасида яшаган сак-массагетлар, сугдиенлар, хоразмийлар, бахтарлар, чочликлар, парканаликлар қаби қабила ва эллатлар узбек халқининг "илдиз" лари ҳисобланади. Улар уз даврининг юксак маданияти наъмуналарини яратганлар. Бу наъмуналарнинг бир томони педагогик қадриятлардир.

"Авесто" даври педагогикаси.

Ватанимизда яратилган улкан маданият едгорлиги "Авесто" (эрамиздан олдинги 7-6 асрларда) яратилади ва сакланиб қолган. У 20 та қитобни бирлаштиради. Уша даврда яшаган халқларнинг эътиқоди, урф-одатлари, турмуш тарзи, таълим тарбияси ҳақида батафсил маълумотни "Авесто" дан топиш мумкин. Тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи булиб ҳисобланиши

лозим, - дейилади "Авесто" да. Ҳар бир ешни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши укишни ва сунгра урганиш билан энг юксак поғонага кутарилсин.

"Авесто"да таъкидланишича, болалар 7 ешдан бошлаб кохинларга (болалар тарбияси билан шугулланувчи одам) топширилган. Улар муқаддас жойларда, ибодатхоналарда болаларни "Авесто"дан олинган дуоларни едлатганлар. Шу билан бирга кохинлар болаларга табиатшунослик, астрономия, математика, географиядан маълумотлар берганлар. Укиш, езиш ва ҳисобга ургатганлар. Бирок, кохинлар укиш ва езишни ҳаммага ҳам ургатмай, айрим қобилиятли болаларга ургатганлар. Чунки, укиш ва езишни билган одам сеҳиргар ҳисобланган.

Муаммоли вазият:

Ибодатхоналарда болаларни гигиеник таълим, одоб-ахлоқ тарбиясига алоҳида эътибор берганлар. Болаларни ешлигидан дарахт кучати утказиш, уй-рузгор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чора билан шугилланишга ургатилиши шарт. Болалар ҳар куни уч маротаба ювиниши, ўқитувчи билан биргаликда дуоларни такрорлаши зарур булган. Болаларни йигитликка утказиш маросимлари булган. Улар қуешга қараб "Мен зардошдийлик динига содиқ булишга вада бераман, мен яхши фикр, яхши сузлар, яхши ишларги ишонаман" етти мартадан таърирлаганлар.

Муаммони ечими:

Ешларни турт нарсани яъни Қуеш, Сув, Тўпроқ ва Олувни муқаддас деб ургатганлар. Дунени ериглик ва қоронғулик, яхшилик ва ёмонликка ажратганлар. Болаларни яхшилик вва эзғулик яратиш учун меҳнат қилиш, уз қуллари билан моддий ноз-немат яратишда ургатганлар. Меҳнат қилмайдиган одам ҳақиқатдан ҳам ед эшиқларга таъзим қилиб, абадул абад бош эгиб турасан", деб ҳисобланган.

Болаларни илм, касб - ҳунарга ургатиш давлат дарахжасидаги вазифа деб қаралиш Ватанимизда ҳуқумронлик қилган Сасонийлар салтанати даврининг муҳим белгиси ҳисобланади. "Фарзандига уз касб-ҳунарини ургатиш ота-онанинг бурчидир, дейилади подшо фармонлари бирида".

Ватанимизни Александр Македонский забт этган, маҳаллий халқ болаларини юнон тилида ўқитиш, ҳарбий саънатни урганлиш учун мураббийлар тайинлайди. Кейинчалик юнон алифбосини юртимизда қабул этилиши ва бир қанча асарлар езилганлиги, юнон олимлари асарларига шарҳлар езилгани, уларни маҳаллий тилларга таржима қилганлар қўп мактаблар очилганидан далолат беради. Угил болалар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, уларни ешлигида жасурлик руҳида шакиллантирган.

Ватанимиз ҳудудида юнон ва орабий алифбоси асосида Хоразм, Сугд, Бактрия езувлари шакилланган. Таълим тарбия янги босқичга кутарилган.

Эсда тутинг:

Демак, "Авесто" даври педагогикаси жуда бой анъанналарга эга. Юнон маданияти оркали бизга Платон, Арестотел, Гален, Гиппократ, Пифагор каби олимларнинг асарлари кириб келган. Уларнинг асарлари Хоразм тилига таржима этилган. Юнон олимлари гоёлари рухида Мусо Хоразмий, Фаргоний, Фаробий, Беруний, Ибн Сино каби ватандошларимиз шакилланди ва халкимизни дунегга танитди.

#### Таянч иборалари:

Педагогикани даврлаштириш концепсияси, Ватанимиздаги педагогикани даврлаштириш, "Авесто", "Авесто"гача давр педагогикаси, "Авесто"даври педагогикаси, элементар таълим.

#### Савол ва топшириқлар:

1. Педагогикани даврлаштириш концепсияси тамойилларини айтинг.
2. Ватанимизда педагогикани ривожлантириш босқичлари асосланг.
3. "Авесто"гача давр педагогикаси гоёлари нималардан иборат?
4. "Авесто" даври педагогикаси хусусиятларини айтинг.
5. "Авесто"да илгари сурилган педагогик гоёлар нималардан иборат?

#### Адабиетлар:

1. И.А.Каримов Биздан озод ва обод Ватан колсин. Т. 1996 йил.
2. Узбек педагогикаси антологияси. Т. 1995 йил 30-46 бетлар.
3. К.Хошимов Педагогика тарихи. Т. 1995 йил.
4. Х.Абдуллаев. Этнопедагогика. Ф. 1994 йил. 1-кисм.
5. М.Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарк мутаффакири. Т. 1974 йил.



7- Мавзу: Ислом дини гоъларининг таълим тарбияга тасири, мусулмон мактабларида таълим тарбиянинг мазмуни.

Р Е Ж А :

1. Ислом динини моворауннахрга кириб келиши.
2. Тасаввуф фалсафаси ва унинг намоёндалари.
3. Ботония таълимоти.
4. Суфийлик таълумоти.
5. Мусулмон мактабларида таълим-тарбия мазмуни.

Муаммоли савол:

1. Ислом, мусулмон ва шарият конун коидаларини жамият таракиетидаги урнини изохланг?
2. Мусулмон мактабларида таълим ва тарбия масалаларига давлат арбобларининг етиборини қандай изохлайди?

Муаммоли вазият:

VII аср бошларида ислом гоъсига асосланган Араб халифалиги ташкил топган, Бу давлат уз мавкеини мустахкамлаш учун башка мамлакатларни забт этишни бошлади. Бутун Арабистон арим оролини, Эрон, Кавказ орти, Сурия, Шимолий Африка, Жанубий Испания халафалик таркибига киритилди. VII аср урталарида араблар Моварауннахрга хам хужум режасини туза бошлади, 651 йилда биринчи юриш, 676 йилда юриш Бухоро, Сугдиена, Кеш, Насаф шаҳарларига хужум килинди.

Иккинчи юриш 705 йилда бошланди 706 йилда Зарафшон, Бухоро, Самарканд, Фаргона ва бошқа шаҳарларни кулга киритди. VIII асрнинг урталарида араблар Моварауннахрни забт этишга тула эришдилар.

Моварауннахрда бошқа истило этилган давлатлар каторида ислом дини билан бир каторда "Куръон"тили, араб тилини урганиш жорий этилди. Бу китобни бошқа тилларга таржима килиш тақиқиланди.

Мусулмон мактабларида араб тили мухим фан сифатида ўқитилди, билим шу тилда урганилар эди. Арабистондаги каби Моварауннахрда хам барча мачидлар қошида мактаблар очилган, угил болалар Куръонни уқишдан бошлаб ўқитилишини фармон берилган. Болаларни шу масжиднинг имоми ўқитар эди. Хукукий тамойилларининг асосий манбаи "Куръон"дир.

Исломнинг шаръий маъноси - бу Аллох ягона деб эътикод килиб, унга буйсунмоқлик ва бутун калби билан унга ихлос килишлик демакдир.

Аллохга итоат қилган ва Аллох юборган пайгамбарларга эргашган киши мусулмон дейилади.

Ислом динининг асосчиси ва тарғиботчиси Мухаммад Ибн Абдуллох 570 йилда Маккада Курайшкабиласига мансуб Хошимийлар хонодонидида тугилди.

609-610 йилларда Пайгамбаримиз Мухаммад Алайхсалом якка худого эътикод килиш гоёсини тарғиб эта бошладилар. 632 йида Мухаммад Алайхсалом Маккага Хаж килдилар. 632 йилда Мадинада вафот топдилар.

Мухаммад Алайхсаломдан кейин давлатни халифалар бошкардилар. Гарб ва Шарк тақикотчилари "Куръон" ни жахон маъданиятининг энг нодир асарларидан деб хисоблайдилар.

"Куръон" Кироат маъносини англатади. 114 сурадан иборат. У кишиларни тинчликка, Биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундайди. У катта ахлокий ахамиятга эга.

Тасаввуф педагогикаси ва унинг номаендалари.

Тавхид-яратувчининг ягоналиги ва барча мавжудот манбои эканлиги гоёси исломда узининг энг олий даражасига кутарилган. Тавхид гоёсини ҳар томонлама тушиниб этиш учун инсоният бир неча асрлар изланди.

Пайгамбаримиз умрининг охирига бориб араб дунесидида "умма" гоёси голибликни кулга киритди, араблар кабилачиликдан ягона миллат даражасига кутарила бошлади.

Ислом калабичилик хурофатларига узул-кесил бархам бериб, уруг жамоаси, ягона аждодга бориб такалувчи ирсий биродарлик урнига тавхид эътикоди асосидидаги инсонни биродарлик жамоаси "умма" тушунчасининг киритмак булди.

Бу жараён илк халифалик даврида ниҳоясига етди. Ягона араб давлати шаклланди. Энди кушни мамлакатларга жихот бошланди.

Муаммони ечими:

VIII асрнинг иккинчи ярими - IX аср бошларидан - араб, форс ва туркий эллатлар диний бирлиги таъминланди. Ислом динининг нуфузи ортди. Ушбу минтакада маънавият ва маърифат XIII аср бошларигача шиддат билан ривожланди. Мугил боскини бир муддат маъданий тараккиетни оркага тошламокчи булса, XVI асргача минтакавий тараккиет давом етди. Аммо XVI аср бошларида юз берган катта сиесий узгаришлар натижасидида буткил узгача холат юзага келди. Кичик Осиеда Усманийлар, Эронда Сафавийлар, Мувараннахр ва Хуросонда Шайбонийлар, Афғонистон ва Шимолий Хиндистонда Бобурийлар сулоласи бир неча юз йилга мустахкам урнашиб, ахлит ислом мананий минтакаси урнига алохидида давлатлар худудида миллий маданий узига хослик шакл ола бошлади, аста сёкин минтакавий умумийликдан кура миллий узига хосликлар куввати ошиб борди.

Куръони Каримда очик равшан баен этилган тавхид эътикоди гоёсини бутун кудрати, махмуни, амалий мохияти ва куламини англаб этиш ислом минтакаси

энг илгор зие эгалари учун неча асрлик юмиш булди. Бу йулда минтакамизда камолат йулининг бир катор босқичлари босиб утилди. Уларнинг дастлабки бочкичи Сунна бочкичи

Газолий мантикий тафуккур йулидан бориб:

1. Мулохазаларни оддий инсонларга тушинарли тарзда баен килишга мувоффақ булди.
2. Марифатчиликка маълум даражада якун ясаб: бу босқичда алломалар эришаган ютуқларни умумлаштирди ва оммалаштирди.
3. Тавхид мохиятини англаб етмок учун акл ва мантикнинг узи кифоя килмаслигини тан олиб, катъиян тасаввуф ирфони кадрийлари химоясига утди. Шулар асосида минтакамиз манавиятида ирфон сари укшалишга фикрий мухит хозирлади. Гоззолийдан кейин тасаввуф тарикатининг кенг микесида шакилланишга утиш, тавхид таълимотини англаб етишнинг янги босқичи бошланди.

XII асрда туб узгаришлар бошланади. Имом Гоззолийнинг тугган укаси Абдулфутух Ахмад Гоззолий (?-1126 ) акаси изидан бормай, Суфийлик йулини ихтиер етди.

Суфийлик талимоти мусурмон мамлакатларида кенг таркалди. Суфийлик бутун Шарк маънавий хаетида комил инсон хакидаги гоьларнинг шакилланишида мухим рул уйнайди.

Суфийлик назарясига кура, бутун олам худонинг мужасамланиши. Худо барча куринишдаги нарсаларда мавжуд, нарсалар эса удода мавжуд. Дуневий рух шаклида бутун оламга таркалган худо сингари ягонадир. Инсон анашу рухнинг бир кисми, ертами кечми у билан кушилади.

Суфийлар инсон маънавий-рухий комилликка эришиш йулида турт босқични утиш керак:

1. Шарият- диний маросимлар, шариат акидалари, такваларни айнан, изчил бажариш, чунки, шариат - конун булиб, бу конун вужудни ва калбни тарбиялайди.

2. Тарикат - нафсни тийиш, хушнуддик, хилват, тарикат - фано,узидан кечиш, кулгилни поклаб, рухни нурлантирувчи фаолият шакли. Маънавий мухаббатни чукурлаштириб худони уйлаш.

3. Маърифат - хамма нарсани, борликни асоси худо эканлигини англаш, унинг мохиятини билиш.Бунда одам учун барча кибри-хаво, манманлик, шон-шухрат бемани булиб куринади. Шунда у ориф, яъни билимли худони таниган булади.

4. Хакикат - бунда суфийлик худонинг даргохига эришади, васлига восил булади, у билан бирлашади, вахдат (таваххуд) ташкил этади,шу билан инсон фоний, яъни "анал-хак" булаолади.

Мазкур оким тарафдорларидан биринчи суфий эронлик Абу Язид Тайфур Ал Бистамийдир (875 йилда вафот этган) Суфий Хусайн Ибн Мансур Халлож эса узининг худо билан "кушилганини" исботлаш учун "Анал-хак" ("Мен

хакман", "Мен худоман") деб уз таълимотини эълон қилади. У Пайгамбар ва Куръоннинг мукаддаслигини йукка чиқаришга уринганликда айбланиб, хурофотчилик томонидан катил этилди. Чунки бу таълимот сарой ва жаҳилият билан яқинлашган баъзи илму калом ва фалсафа уломаларига йукмайди, калбни олий хақиқатга эришиш учун покланиш йулида қилинган эзгу таълимот бидиат деб эълон қилинди.

Эсда тутинг:

Суфийликнинг иккинчи оқими мансуб булган суфийлар биринчи оқим номаендалари қарашларини қабул қилганлар, аммо уларни ислом дини тартиб қоидаларига мослаштирганлар. Бу оқимнинг машхур назариятчиси Зайниддин Бинни Мухаммад Имом Газзолий (1058-1111), Ахмад Яссавийлардир.

Газзолий инсон камолатга етишиш, яъни худо "васлига" етиши учун маълум шартларни бажариб, муайян йулни босиб утиши керак, дейди. Буларни у ҳар бир суфий ислом талаблари -қонун-қоидалари, ақидаларини, Куръонни хақиқат деб билиб, унга тобе булиши уларни сузсиз бажаришда деб билади.

Газзолий суфийлар назарияси хақида гапириб улар хақиқатни мантикий мулохазалар асосида эмас, балки ички кечикмалар орқали бевосита хиссий тарзда англайди, деб курсатади. Шунинг учун суфийларнинг ички хизматини назарий билим, суҳбат, уқиш орқали эмас, балки шу ҳолатга, уларни турмуш тарзига кириш орқалигина англаш мумкин дейди. Демак, амалиёт орқалигина суфийликнинг асл моҳиятини англаш мумкин.

Суфийликнинг учинчи оқими Накшбандия таълимоти билан боғлиқдир. Бу оқими XIII асрнинг охирида шакллана бориб, XIV-XV асрларда Марказий Осиёда кенг ривожланди. Накшбандияга қадар Марказий Осиёда Яссавийчилик ҳукмрон эди. Яссавия тариқати машхур Ахмад Яссавий номи билан боғлиқ булиб, ислом дунесида "Шайхул машойих" деб улугланади. Накшбанднинг энг машхур ибораси "Дил ба еру даст ба қор" ("Дил ер билан, қул иш билан банд булсин") эса энди тасаввуф ирфони уз асосий мақсадига эришганлигини, яъни хақиқат асрори қунгиллардан муҳим урин олганлиги ва бу ёки амалий ҳаракат биринчи уринга чиқа бошлаганлигини билдирар эди. Энди суфийликнинг "Анал-хак" яъни мен хақиқатни топдим, мен хак асрорини англаб етишга эришдим, деб хайратланиши охири қадам эмас, биринчи қадам булиб қолган эди.

Демак, инсон уз-узини англаб етиш орқали хак асрорини идрок етишга интилди. Аммо инсоннинг яқуний мақсади изида тугайдими? Инсон Тавҳид асрорини узи учун англаб етди, дейлик, энди бу нима қилиши керак? Шу саволга тасаввуфнинг охири тариқати - Накшбандия жавоб берди: биринчи мақсадга эришилди "Дилда ер" ҳолати мавжуд, энди ишга киришмоқ лозим - "Дист ба қор" га утиш керак. "Дилда ер" ҳолати дилда гараз, яъни худбинлик йуклигини курсатади, энди "дист ба қор" булса, яъни ишга қул урилса, уз шахсий гаразли мақсадлари учун эмас, холис Аллох учун, Хак учун, хақиқат ва адолат тантанаси

учун амалий ҳаракатига кирилган булади. Шу сабабли ҳар нафас "Дилда ер булиши", "Аллох" исми дилда зикр этилиши, яъни "Хуш дар дам"коидасига риоя этиши такозо этади.Чунки Аллох номи бир нафас дилни тарк этса, дархол урнига гараз, худбин бир ният эгаллаши мумкин. "Назар бир кадам" ҳам шу маънога якин туради, яъни беҳуда бирор кадам куймаслик, ҳар бир амалий ҳарактнинг Хак йулида куйилаётганини таҳлил этилиб, диккат билан кузатиб, назардан кочирмай борилиши кераклиги иккинчи коидадир.

Учинчи коида "Сафар дир ватан", яъни вужуд ичида турган холда рухнинг моддийлик балчигига булганмаслиги, Хак иродаси моддий хае хафасларнинг гаразидан холи равишда, рухингда хукмрон булиши лозим.

Туртинчи коида "Хилфат дир анжуман", Хак асрорни англаб етган орифнинг халк билан бирга булиши лозимлиги, аммо доимо Хакни дилда тутган холда халк билан бирга булишни таъкид этади.Тўлиқ "Хилват"ни танлаш кибрга, тўлиқ "анжуман" га киришиб кетиш гаразга етказиши мумкин.

"Хилват дар анжуман" эса мувозанатни саклаб туриш демакдир.

Накшбанднинг ун бир коидасини мукамал шархлаш учун алохида жиддий тадқиқот лозим биз факат ирфон билан боглик, мулохазаларни айтдик.

Ирфан - узликни англашдир. Мен кимман? Ягона Аллохга менинг нисбатим қандай? Тасаввуф шу саволга жавоб кидиради. Унинг жавоби киска ва содда булиб - Хак - ягона ва мутлок борлик, аҳад (яккалик, бирлик). Хак уз жамолини курмок истайди ва узига кузгу сифатида моддий борликни бунед этади.

Тассавуфнинг асосий куриниши узини танишда (Аллохни) тангрисини танишга-дир.

Таянч иборалар:

Куръони-Карим, Мухаммад -Аллайхисалом, Тавхид назарияси, Умма гоёси, Диний-хукукий мазхаблар, Газзолий, Ахмад Яссавий, Накшбандия.

Савол ва топшириклар:

1. Арабларнинг Мовароуннахрга юриши.
2. Тассавуф педагогикаси ва унинг номаендалари.
3. XIII-IX асрларида Мовароуннахрда маънавият ва маърифат.
4. Тассавуф таълимотини юзага келиши омиллари нималар?
5. Тассавуф таълимотининг асосий принциплари.

Адабиетлар:

1. К.Хошимов "Педагогика тарихи" Т."Ўзбекистон" 1997 йил.
2. Сафо Очил, К.Хошимов "Ўзбек педагогикаси антологияси"Т."Ўқитувчи" 1995 йил.

3. М.Имомназаров "Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари" Т.  
"Ўзбекистон" 1997 йил.

8 Мавзу: Уйғониш даври педагогикаси.

РЕЖА :

1. Мовароуннахрни араблар томонидан босиб олиниши ва таълим-тарбия мухити.
2. Ватанимизда дуневий педагогика гоёлари ва унинг номаендалари.
3. Ватанимизда диний педагогик гоёлар ва уларнинг номаендалари.
4. Уйғониш даври таълим тизими.

Муаммоли савол:

1. Зиёлиларнинг ижтимоий мухитни узгаришидаги хизмати?
2. Жамиятдаги тафовутлар ва зиддиятлар тараққиёт негизи эканини аниқланг?

Муаммоли вазият:

Мовароуннахр (икки даре оралиги ёки даре оркасидаги жой) VIII асрда араблар томонидан босиб олинган, халкимиз маънавий хаётида жиддий узгаришлар содир булди. Ислом дини улкамиз ижтимоий маънавий хаётида хукмрон мафкура ролини уйнай бошлади.

Ислом динини халкимиз ижтимоий-маънавий такомиллидаги ролига турли карашлар мажуд:

1. Ислом дини ва араблар истелосини халкимиз маънавий хаётидаги таъсирни идеаллаштириш. Бундай караш "Авесто" ва "Авесто"гача давр тарихини яхши билмаган ва ислом рухонийларининг айрим вакиллари томонидан эътироф этилади. Уларнинг фикрича: халкимиз ислогача еввойи калокларча турмуш тарзига эга эди, араблар бизга маданият, маърифат олиб кирган.

2. Танкидий асосда ендашув. Овропа, Россия олимлари атеистик (худосизлик) нуктаи назаридан ендашади. Уларнинг фикрича араблар улкамизга жахолат, маданиятсизлик, хурофатни олиб келганлар, бойликларни талаган, тинч аҳолига тажавбус килганлар.

3. Ислом дини ва араблар истелосини таърисини холисона баҳолаш, бундай караш Ўзбекистон мустакилликка эришганидан сунг шаклланади.

Ислом дини ва араблар истелоси улкамиз таълим ва педагогик фикрларни тараккиетига қандай таъсир этди?

1. Ислом дини Ватанимизга четдан кириб келганлиги туфайли халк уз ихтиери билан уни қабул килмаган. Натижада халк манавиятининг барча сохаларида бирдан хукмронликка эриша олмаган.

2. Улкамизда фан ва маданиятнинг уша даврда илгор даражада ривожланганлиги ислом гоёларини сингишга тускинлик килган.

3. Ватанимизда узигу хос таълим тизими вужудга келди.

Масалан: таълим- урганиш

мактаб- таълим берадиган одам

мадраса-муддарис кабилар юзага келди.

Ватанимизда педагогик гоёлар икки йуналишда шаклланди ва ривожланди.

1. Дуневий педагогика - уни асосида юнон олимлари асос солган гоёлар, хинд эпослари гоёлари, улкамизнинг узига хоя маданияти, тажрибалар, ютуқлар турарди. Дуневий педагогика инсонни тарбиатнинг бир кисми сифатида, таълим тарбия билан камолатга эришади деб хисобланади. У яшаётган мухит, уз хатти-ҳаракати билан боглик булади деб асосланади. Болани ешлигидан касб-хунарга ургатиш лозим деб, одоб-ахлоқни фойдаси тугрисида гоёлар олга сурилади. (намоендалари) Мухаммад Мусо ал Хоразмий (780-850) Араб халифалигининг маркази Богдодда илмлар уйи "Академияни" бошкарган. Академия қошидаги мадрасада мударрислик килган. Унинг "Астрономияга кириш", "Уттиз фаслдан иборат астрономия кириш".

Абу Наср Ал Фаробий (873-950)

Абу Райхон Беруний (974-1041)

Абу Али Ибн Сино (978-1060)

Ватанимизда XI асрга келиб еш авлод таълим-тарбияси оид жуда кўп асарлар пайдо булди: Низомул Мулкнинг "Сиесатнома", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Кайковуснинг "Кобуснома", Юсуф Хос Хожибнинг "Кутагу-билиг", Ахмад Югнакийнинг "Хакикатлар армуғони" кабилар.

Бурхониддин Зарунжий (1150-?) Маргилон мадрасасида катта мударрис булиб, унинг "Ўқувчиларни таълимга йуллашга доир насихатлар" асарида: фаннинг мохияти ва уни такомиллаштириш; таълим жараёнида онгли билим олиш; таълимда фанни, ўқитувчи шерик ва вазиятни танлаш; фан ва олимларни хурматлаш; таълимда ўқувчи интилиши, тиришчоклик, уларни устириш; дарсни бошлаш ва уни хажми, дарсни утказиш тартиби хакида, машгулот вақти, таълимда Ўқувчини ектириш ва унга насихат килиш, билимларни эгаллаш хакида; таълимда уқувчи ва ўқувчининг мувоффақиятини умид килиш хакида; таълимда Худодан куркиш хакида; таълимда ўқувчи хотирасини тарбиялаш хакида каби масалалар узига хос усулда хал этилади.

Олимнинг фикрича, илм эгаллаш аввало уқувчига, укиетган китобига, билимга нисбатан тиришчок ва чидамли булишни талаб этади. Бир дарсни пухта узлаштирмай, бир китобни тугатмай, бир уқувчида сабокни ташлаб бошқасига утма. Билимни факат олтига шартига риоя килса пухта эгаллаб оласан: зийраклик, кучли истак, жидам, уқувчи насихати ва етарли вақт,- деб такидлайди.

Махмуд Замахшарий (1074-1144). Унинг илм оламидаги мавкейини олимлар "Хоразм осмонидаги куеш" деб нисбат берганлар. Араб олимларидан бири "Агар Хоразмнинг замахшар кишлогидан чиккан олим булмаганида биз араблар уз она тилимизни мутлоко билмасдан утиб кетар эдик"-деб езган экан. Замахшарий: тилшунослик, адабиетшунослик, тарих, география, хадис илмлари сохасида асарлар езган: "Грамматика хикматлари", "Араб тили грамматикаси", "Энг янги лугат", "Ватан ва тоғларнинг номлари" асарларини езган. Бу асарлар бошка тилларга таржима киллинган. Замахшарийнинг "Нозик хикматлар" асари ешлар тарбияси, устоз-шогирт муносабатлари, оила муаммолари тугрисида.

Демак, уйғониш даврида дуневий педагогика гуллаб яшнаган, таълим-тарбия узига хос йуналишда амалга оширилган

Уйғониш даври диний педагогикаси

Ислом дини асосидаги педагогика:

1. Ислом дини гоёлари, (халифалик) сиесати, маъданияти ва маънавияти таълим-тарбиянинг мазмунини бклгилаб беради.
2. Араб тили давлат, фан, таълим тили эди.
3. Араблар тарихи, адабиети, урф-одатлари мукаддас эди. Уни билиш ва унга риоя этиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи эди.



Номоендалар:

Бурхониддин Маргилоний ар- Риштоний (1121-1195) Машхур фикх илми олими, мударрис булган. Унинг "Илмга киррувчилар учун биринчи асос", "Илмни ниҳоясига етказувчининг каноатланиши", "Хаж маросими", "Фарзлар хақида рисола" асарларида дидактик масалалар талкин этилган. Унинг машхур асари "Ал- хидоя" булиб мактаб ва мадрасаларда иймон, урф-одатлар ва маросимларни ургатиш тугрисида фикр юритилади. Бу асар бутун ислом дунеси мадрасаларида дарслик булган. Форс, Инглиз, Турк, Рус тилларига таржима килинган. Унинг "Фикх сохалари буйича кулланма" рисоласида ҳуқуқ, ахлоқ, онглик, Никих масалалари еритилган.

Шайх Азизиддин насафий (ХIIаср) "Хақиқатлар гулшани", "Сунги махсад", "Комил инсон", "Усуллар ва шохлар" асарларида инсон маънавият билан боғлиқ масалар еритилган. Унинг машхур асари "Комил инсон"да шароит, тарикат, маърифат ва хақиқатга эришиш йуллари баён этилган.

У "Комил инсон-яхши суз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат эгасидир. Унинг тили, дили пок, илм ва нияти ҳам пок булади"- деб езади.

Муаммони ечими:

Демак, уйғониш давридв узига хос диний педагогика шакилланган ва ривожланган.

Уйғониш даври таълим тизими: Бу даврда узига хос таълим муассасалари юзага келган. Унинг босқичлари:

1. Бошлангич мактаблар. Бундай мактаблар кишлок мажидлари қошида булган. Унинг вазифаси - болаларга савод ургатиш, Куръон оядларини ед олдириш булган.

2. Мадрасалар. Катта- катта мажидлар қошида булган. Унда уқийдиган талабалар: Катта талабалар, урта талабалар, кичик талабаларга булинган. Мадрасаларда дарс тинглаш ихтиерий булиб, мударрисни талаба танлаган собок талабани кониктирмаса талаба бу мударрис олидига бормаи куя колган. Мустикал билим олиш, билимини муддарис олдида намойиш этиш таълимнинг асосий усули хисобланган.

У ёки бу муаммони шарихлаш мударриснинг вазифаси хисобланган.

3. Кори хоналар.

4. Кизлар (отин бибилар) мактаби.

Таянч иборалар:

1. Мовароуннахрни араблар томонидан босиб олиниши;
2. Авесто, Абу Наср Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Бурхониддин, Зарундий, Махмуд Замахшарий, Маргилоний, Насафий.

### Савол ва тошшириклар:

1. Уйғониш даврида мактаб, таълим-тарбия.
2. Ислом дини ва мактаб.
3. Дуневий таълим ва диний таълим.
4. Уйғониш даври мутафаккирлари.
5. Уйғониш давридаги илгор педагогик фикрлар.

### Адабиетлар:

1. Сафо Очил, К.Хошимов "Узбек педагогикаси антологияси" Т. "Ўқитувчи" 1995 йил.
2. К. Хошимов "Педагогика тарихи" "Ўқитувчи" Т. 1997 йил.
3. О. Хасанова "Педагогика тарихидан хрестоматия" Т. "Ўқитувчи" 1994 йил.
4. А.Хасанов "Педагогика тарихи" Т. "Ўқитувчи" 1998 йил.

## 9- Мавзу: Амур Темур ва Темурийлар даври педагогикаси.

### Р Е Ж А :

1. Улкамиз маънавий хаетида Амур Темур ва Темурийларнинг урни
2. М.Улугбек ва З. Бобур даврида таълим-тарбия равнаки.
3. Ж. Девоний, А.Жомий, А.Новоий, Кашгарийларнинг педагогик карашлари.
4. Темурийлар даврида таълим тизими.

Муаммоли савол:

1. Илм фан тараккиёти қандай манбаларга асосланади?
2. Буюк аждодларимиз мероси ёшлар тарбиясига қандай тасир этмокда?

XIV-XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик карашлар. XIV-XVI асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикр тараккиети тугрисида куйдаги маълумотларни келтирамиз:

Мугул истелоси остида бир ярия аср давомида хона вайрон булган Мовароуннахр халки XIV аср бошларида Мугиллар зулмидан кутила бошлади. Бухорода Махмуд Таробий бошчилигида, Самарканд ва Хуросонда эса Сарбадорлар кузголони руй берди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Муворауннахр Мугил боскинчиларидан тозаланди ва XV асрда фиодал муносабатлари анча ривож топди. Марказлашган буюк Темур давлатининг барпо этилиши Моварауннахрда яъна фан ва маъданият, маърифат кайтадан равнак топишга йул очди.

Муаммоли вазият:

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср тарихда Шарк Уйғониш даврининг иккинчи босқичи деб аталади. Чунки бу давр маданият йуналишлари, иктисодий асослари IX-XII аср маданиятининг давоми хисобланади.

Амир Темур хукумронлик даврида жажоннинг кўплаб шаҳарларидан Самаркандга кўплаб хунармандлар, олимлар, саънаткорлар, мухандислар олиб келинди. Самарканд ва Хиротда мадрасалар, кутубхоналар ва расатхоналар курилди. Тиббиет, риезиет, фалаккиет, жугрофия, тарих, адабиет, фалсафа хамда тарбияшуносликка оид бир канча ажойиб асарлар яратилди.

Темур ва Тумурийлар даврида фан ва маданият ривожланди. Айникса, Самарканд ва Хирот шаҳарлари илм марифат, маданият марказига айланди. Шохизинда, Гуриамир макбараси, Бибихоним Жомеъ масжиди, Регистон майдони ва шу сингари кўплаб мадраса ва масжидлар бунед этилди.

Улугбек заманига келиб математика, астраномия фанлари равнак топди. Бухоро, Самарканд ва Гиждивонда уч мадраса курилиб улар фан тараккиетида марказ булиб колди. Бухородаги мадраса бештокига езилган "Илм олмокка интилмок ҳар биримизни ва муслима учун карзу фарздир" хикмат хозирги кунда хам кузга яккол ташланади.

Улугбек олмларга хомийлик килиб, фан ахлини рахбатлангирди, узи эса математика ва асраномия буйича мухим ишларни амалга оширди. Шу даврда Самаркандда Козизода Румий, Жамшиддин Маъсудий, Али Ибн Мухаммад, Хиротда эса Алишер Новой, Абдурахмон Жомий, улуг рассом Бехзод ва бошкалар ижодиет чукиларига кутарилдилар.

Улугбекнинг шогирти Аловиддин Али Кушчи (1403-1474) Моварауннахр маданий ва илмий хаетида катта рул уйнайди.

Асраномия тугрисидаги "Рисоали Дар Фалаккиет" асари Али Кушчи уз даврининг Пталомейи дейишга сабаб булди. XIV-XV асрларда Самаркандда яшаган аллома Мир Саид Шариф Журжоний (1340-1413) тил, мантик, хукук, фалсафа, ва бошка фанларга оид 50 дан ортик асар езди.

Султон Хусайн Бойкаро даврида Хирот илмий-маданий марказга айланди. Алешер Навоий фан, маданият, маърифат ишларини йулга куйишда, у ерларни ободонлаштиришга катта хизматлар килди. Алишер Новой тил -адабиет. мусика, тарих, фалсафа, асраномия, тарбия назарияси сохасида жуда кўп илмий асарлар яратди.

#### Таянч иборалари:

1. Уйғониш даврининг иккинчи босқичи.
2. Амур Темур илм фан, маърифат хомийси.
3. Улугбек илм фан хомийси.
4. Козизода Румий.
5. Алешер Новой.
6. Абдурахмон Жомий.
7. Бехзод.
8. Бобир.
9. Ж. Девоний
9. М.Кашгарийларнинг педагогик карашлари.

#### Савол ва топшириклар:

1. XIV-XVI асрларда Моварауннахрда таълим ва тарбия.
2. Амур Темур даврида маърифат тараккиети.
3. Мирзо Улугбекнинг педагогик карашлари.
4. Ж.Девонийнинг педагогик карашлари.

#### Адабиетлар:

1. К.Хошимов "Педагогика тарихи" Т. "Ўқитувчи"1997 йил.
2. Сафо Очил, К.Хошимов "Ўзбек педагогикаси антологияси" Т."Ўқитувчи" 1995 йил.

3. О.Хасанова "Педагогика тарихида хрестоматия" Т. "Ўқитувчи" 1994 йил.

## 10-Мавзу: Урта Осиё хонликлари даврида педагогика.

### Р Е Ж А :

1. Ватанимизда хонликларнинг пайдо булиши ва унинг ижтимоий акибатлари.
2. Хонликлар даврида таълим ва марифат масалалари.

Муаммоли савол:

1. Бой ва камбағол оилалардаги педагогик мухитни изоҳланг?
2. Ахлоқ ва одоб масалаларига берилган этибор?

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннахрда 150 йил ҳукумронлик қилган темурийлар сулоласи инкирозга учради. Унинг урнига Шайбонийхонлар(1451-1510) Мовароуннахрда қучли марказлашган давлат барпо этдилар. Бирок уз аро низо, уришлар авж олди. Аввало, Бухоро, Хоразм, XVIII аср охирига келиб Кукон хонлиги қарор топди. Хонликлар уртасидаги уришлар мамлакатни маълум даражада ҳароп қила бошлади, фан, маданият, таълим соҳасида тургунлик юз берди. Шунга қарамай фан, маданият ва таълим соҳасида маълум силжишлар кузатилади.

Бу даврда Хофиз Танишнинг "Абдуллонома", Султонали Самарқандийнинг "Дастур ал - илож", Муҳаммад Юсуфнинг "Таҳқиқ ал-хумайёт", "Зубайдат ул - қахоллин" асарлар юзага қлди. Шоир, адиблардан Бобир, Солих, Мажлисий, Хасан Насорий, Биноий, Восифий, Убайдий, Гойиб Самарқандий барақили ижод этган. Муҳаммад Бахийнинг "Субхонқулинома", Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдуллонома", Муҳаммад Вали Самарқандийнинг "Масқираул асхоб", Суфи Аллаер, Бобораҳим Машрабларнинг асарлари вужудга келди.

Бу даврнинг узига ҳос томонларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислом ақидалари ҳукумрод эди. Турмушда ҳам, оилада ҳам, ҳар бир киши ахлоқида, ҳулқ-атворида диний талабларга риоя этади. Мактаб ва мадрасаларда илоҳиёт таълими ургатилар эди.

Ватанимизнинг хонликлар давридаги таълим тизими ҳақида маълум тасвурга эги булиш учун Жаҳон Отин Увайсий ижодига муроҷат этамиз. Жаҳон Отин 1796 -1797 йилларда онаси отинлик қилган хусусий мактабда дастлаб ердәмчи, кейинчалик мустақил равишда ўқитувчилик қилган. Қизларга бошланғич таълим берар экан, уларни тарбиялаш, гузал ҳаётга эришишни бирдан-бир йули таълим-тарбия бериш деб ҳисоблади. Бутун умрини анашу ишга бағишлади.

Жаҳон Отин уз шогирдаларида эзгулик, вофодорлик ҳислатларини тарбиялашда адабий жанрлар қистон, муаммо, муашшаҳ каби усуллардан фойдаланади. Уларда шеърӣ қобилиятлари, зехни уткирлигини чуқурлаштиришда газаллардан кенг фойдаланган.

Махаммад Содик Кашгарий 1740-1843 "одоб ас-солихин" (яхши кишилар одоби),"Зубдат ал-Масойил" (масалаларнинг каймоги),"Дуррал-Музохир" (Кумакдошларнинг дурдонаси), "Тазкирон хожагон" (Хужалар мазкираси) асарлари муаллифидир.

Олимнинг "Одоб аз-Солихин" асарида инсонга яхши хулк эгаллаш зарурлиги ва одоб коидаларини эгаллаб олмас ва яхши хулк билан одобли булмас, нафакат узига, балки бутун дунегга емонлик таркатади, - деган фикрни асослайди. Инсон одобини зохирий ва ботинийга ажратади. Инсоннинг баркамол булиб етишида кундалик турмушда зарур одоб коидалари: саломлашиш ва рухсат сураш, мулокат одоби, ухлаш ва йул юриш одоби, сухбат ахлининг узини тутиш, эр-хотин одоби, тозалик ва озодалик коидалари, мезмон кутиш зиёфат ва овкатланиш одоби, сафар коидалари содда шаклда баен этилади.

Мунис Хоразмий (1788-1829). Шоир, тарихчи олим ва педагог хисобланади. Унинг педагогик қарашлари "Саводи таълим" (1804) рисолида баен этилади. Рисола икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида ўқувчиларни хат машқ қилишга тайёргарлик, унга керакли асбоблар тугрисида баен этилади. Иккинчи қисмда эса, хат-машқ қилиш ва унинг усуллари, амал усулида таълим бериш ҳақида фикр кетади.

Билганимча суриб каламни ҳар ен,  
Таълим ишини айлар эрдим осон.  
Лекин кунгил ичра эрди бу кон,  
Килсам карами улуми армон.

Педагог олим ўқувчиларга бо","иун","мин","то", "саз","вов", "ло", "айн", "син"ни қандай ургатиш усулларига алоҳида тухталади.

Огахий (1809-1874) - шоир, тарихчи олим, таржимон, мударрисдир. Унинг "Риез ул-давлат","Зубадат ул-таворих","Жомеъ ул-вокес Султоний", "Гулшани давлат","Икболи Феруз" каби асарлари бор Огахий томонидан Шарифиддин Али Яздийнинг "Зафарнома","Кобуснома","Ахлокий Мухсини" рисолалари узбек тилига таржима қилинган.

Огахий асарларида ешларни илм, касб-хунарни сабоб билан эгаллашга чакиради. Илм эгаллаган одами икки олами обод булади. Кимки аччик, жахил қилиб илм эгаллашдан воз кечса, унинг обриси барбод булади.

Олим улдурким шариатдан тажовуз қилмас,  
Гар тожовуз қилса, билгил, пешадур алхат анга.  
Илмидин бебахра эл холидин билмок истасанг,  
Огахий зор холини билгил истишхор анга.

Инсонни вояга етишида, уни қомили инсонга айланишида тарбиянинг ролини холис кура билган Огахий езади:

Қилмок била парвариш тикон гул булмас,

Хам тарбия ила зог булбул булмас.  
Гар асли емонга яхшилик минг килсанг,  
Яхшилик онинг нияти билкул булмас.

Муаммоли вазият:

Урта Осиё хонликлари даврида узига педагогик мухит вужуди келдики, ислом акидалари билан дуневий илм, маданият гоёлари, рухонийлар ва дуневий олим, шоирлар уртасида кураш борганини, натижада таълимда узига хос зиддиятлар булишига карамай, педагогик фикрларда холислик, инсонпарварлик ҳаракатлари куринади.

Таянч иборалар:

Урта Осиё хонликларининг таълим соҳасидаги сиёсати хусусиятлари, Жаҳон Отин, Мухаммад Содик Кашгарий, Мунис Хоразмий, Огахий амарларида илгари сурилган педагогик гоёлар.

Савол ва топшириқлар:

1. Урта Осиёда хонликларнинг пайдо булишининг ижтимоий-педагогик оқибатлари қандай булди?
2. Шу даврда яшаган алломалар асарларида қандай педагогик гоёлар кутарилди?
3. Жаҳон Отин, Кашгарий, Мунис Хоразмий, Огахий асарларини урганинг ва кутарилган педагогик гоёларни асосланг.

Адабиётлар:

1. "Ўзбек педагогикаси антологияси" Т. 1995 йил.
2. К.Хошимов, С.Нишонава "Педагогика тарихи" Т. 1995 йил.
3. Х.Абдуллаев "Энтопедагогика" 161-168 бетлар.



11. Мавзу: Туркистон улкаси таълим тарбия ва педагогик фикрлар.(XIX асрнинг иккинчи ярими ва XX аср боши).

РЕЖА:

1. Туркистонда диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикрлар тараккиети.
2. Туркистонда чоризм мактаби сиесатининг бошланиши. Рус тузем мактаби.
3. Туркистонда Жаидчилик маърифати ва таълим тарбия.

Муаммоли савол:

1. XIX асрнинг II ярмидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мухитни изоҳланг?
2. Туркистонда олиб борилган маърифий ишлар нималардан иборат эди?

XIX асрнинг урталарида Туркистонда бошлангич маълумот берадиган мактаблар, ҳамда урта ва олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди.

Мактабларнинг аксарияти диний таълим берувчи мактаблар эди. Бу мактаблар араб тилида Куръони уқишни ургатиш ва ҳар бир мусулмон учун зарур булган вазифаларни ургатар эдм.

Шаҳар мактабларида диний таълимдан ташқари умумий таълим элементлари - езиш ва ҳисоблаш ургатилар эди, машхур шоирларнинг шеър ва газаллари ҳам ўқитилар эди. Бундай мактаб ўқувчилар бадавлат оилалар фарзандлари булар эди. Улар уқишни тамомлаб савдо-сотик, хунармандчилик билан шугулланар эдилар, баъзилари қушимча таълим олиб хаттотлик билан шугуллана, баъзилари мадрасага кириб уқишни давом эттирардилар. Олий диний мактаб булган мадрасаларда урта асрга оид диний фалсафа, мусулмон ҳуқуқлари, араб тили грамматикаси ва мантик илмларидан дарс утилган. Мадрасани томонлаганлар имомлик қилиш ва қозихоналарда ишлаш ҳуқуқига эга булганлар. Мактаб ва мадрасаларда асосан угил болалар ўқитилар эди. Мактаб ва мадрасаларда дарс узбек, араб ва форс тожик тилларида олиб борилар эди.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин мактаб ва мадрасаларда баъзи узгаришлар юз берди. Мусулмон мактабларида босмахонада чоп этилган дарсликлар пайдо булди.

Мустамлака маъмурияти машгулотлар урта аср тартибида олиб борилаётган мусулмон мактаблари ишига аралашмас эдилар. Аммо рус тилини ўқитишни рағбатлантириш чораларини қураб эдилар. XX аср бошларида мадрасаларда рус тилини ўқитилиши жорий қилинсин, деган курсатма берилган.

XX аср бошларида Туркистонда мадрасалар: Бухорода- 80, Куконда-40, Самаркандда-22, Маргилонда - 28, Тошкентда - 17, Хива хонлигида -130 та мавжуд булиб, уларда 400 дан 500 тагача талабалар тахсил олар эди.

Туркистон улкасида 1905-1906 йилларда 5290 та мактаб булиб уларда 70955 талаба таълим олган. 1860 йилда Марказий Осиенинг кўпгина қисми Россия томонидан босиб олинди. 1965 йилдан Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли ерларнинг маркази булиб қолди.

Урта аср мусулмон мактабларининг ислох қилишдан бош тортган чоризм, руслар урнашган ерларда очилган рус мактабларини Туркистонда маориф соҳасида уз сиегатининг қуроли қилиб олишга ҳаракат қилди.(Дастлабки рус мактаби Тошкентда 1866 йилда очилган). Рус мактабига руслар билан бирга уқиш учун маҳалий аҳоли болалари ҳам қабул қилинар эди. Ўқувчиларнинг 1-4 қисмини маҳалий аҳоли болалари ташкил этар эди (жами 200та) Буларнинг кўпчилиги озод болалари булиб, узбек ва тожик болалари ниҳоятда кам эди. Рус мактабларида бойлар ва оқ суяқларнинг болаларигина уқир эди. 1884 йилда 19 декабрьдан синаб қуриш учун биринчи рус тузен мактаби маҳалий болаларни ўқитиш учун очилди. 10 йилдан сунг бутунлай мактадлар сони 4 тага кўпайди. 1904 йилга келиб уларнинг сони 57 тага етди. Уларни 1830 та угил 104 та киз болалар уқирдилар.

Иқтисодий жихатдан ривожланган тошкент, Кукон шаҳарларда ҳунар-техника билим юртлари очилдиб яънги типдаги қомелуия билим юртлари пайдо булди.

XIX асрнинг бошларида Бухорода марифатбарвар мусулмон луғонийлари уртасида мактаб ва мадрасаларни ислоқ қилиш керак деган фикр пайдо булди. ( Ислоқ динига қириб қелган ислоқ қилиш). Шундай ислоқ тарафдорларининг жадиқлар, яни янгилик тарафдорлари деб атай бошладилар. Уларга қарши турган оқим яъни фиодао урта асир диний фанатизими руҳида булган қишиларни эса қадимислар деб атай бошладилар.

XIX аср бошларидаги биринчи жадиқчи Ал Курсавий эди. Жадиқчилар Бухородаги 200 га яқин мадрасани ислоқ қилиш гоёси билан қиқдилар. Қадимислар эса уларни қофирлар деб ҳудосизликда айиқладилар. Бухоро амири Хайдар эса уларни зимдонга ташлар ва улим жазосига ҳуқм этди. XIX асрнинг 50-60 йилларида диний ислоқатчилар яна кўпайди. Янди бу ҳаракат бошида Бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний (1818-1889) турар эди.

Маржиний узининг дастурида қуйидаги олтита масалани қуяди:

1. Қуръондаги ҳар қандай диний масала юзасидан қишилар билган ҳолда узлари эркин фикр юритсинлар.

2. Бировнинг бировга қур қуруна эргашиши қатъий ман этилсин.

3. Мадрасаларда ўқитиладиган ҳоҗия ва шрқ қаби қурук мазмунга эга булган ва ўқувчилар учун фойдаси булган, уларни вақтини оладиган дарслар дарс жақвалидан олиб ташлансин.

4. Мадрасаларда Куръони Карим, Ходиси шариф уларнинг таржимонлари ва ислом тарихи каби дарслар утилсин.

5. Арихметика, тарих, жугрофия, тобобат, мантик, фалсафа ва бошка дуневий фанларни укишга каршилиқ курсатилмасин.

6. Ҳар бир ишда мусулмончилиқни Мухаммад Аллайхусалом даврилдаги кадимий ислом маданиятига кайтариш кузда тутилсин.

Бирок реакцион кучлар тазикига учраган Маржоний Бухорони тарк этишга мажбур булади. Унинг маслақдошлари жалолашди. XIX аср охири XX аср бошлари Туркистонда чор мустамлакаси кучайди. Бу даврда жадичилиқ ҳаракати кучайди.

Муаммоли вазият:

Жадидчилиқ жамияти тунтариш йули билан эмас, ислохатлар йули билан ривожлантириш тарафдори эди. Бу даврда Эронда (1907), Туркияда (1908) бурчида давлат тунтариш руй берган эди. Булар Урта Осийда жадидчилиқ ҳаракатини расмий тусда ривожланишига таъсир курсатди. Жадидчилар барча ижтимоий-сиесий кучлар билан итифок тузиб халқ ва келажак манфаати йулида ислохот тарафдорлари эдилар. Бехбудий мана шундай итифок тузиш гоёси билан чикди. У "Уломо ёки зиелий ва тараккий парварларимиз, бой ва авомимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватаннинг ривожини учун хизмат этишади" деб езган. 1906 йилда "Тараккий" деб номланган жадиди газетаси чиқа бошлади. Орадан кўп утмай "Хуршид", "Шухрат" сингари газета чиқарувчилар.

Жадидчилиқ ҳаракати дастури куйидаги масалаларни хал қилишга каратилган:

1. Диний таассуф ва фанатизмга карши кураш.
2. Феодал даври маорифини ислох қилиш
3. Жадидчилиқ гоёларини тарғиб қилиш, янги узбек адабий тилини ишлаб чиқиш, узбек халқига тушинарли адабиёт ва театир яратиш.
4. Хотин-кизларни паранжидан чиқиш ва мактабда ўқитилиши. Улар тағдирини узгартириш, оилада ислохот утказиш.
5. Махаллий бойлар ва совдогарлари сиесий, иктисодий жихатдан рус буржуазия билан тенг ҳуқуқли булиш, Мустамлакачилик сиесатини ислох қилиш.

Биринчи марта жадидчилиқ Кирымда пайдо булди. Унинг иждоккори XX аср бошида Исламбек Гасперали эди. Шарқ халқлари манавий хаетида, мактаб маорифида инкилоб ясаган "усули жадид" номини олган "Усули савтия"ни у бошлаб берган. Убарча туркий халқлари яхлит, ягона миллат деб билди. Уларнинг хам илм-марифатда, ҳақ-ҳуқуқда дуненинг тараккий этган миллатлари билан тенг курмокни орзу қилди.

Янги усул мактаби куйдагиларга асосланган:

- синфда болалар сони 30 дан ошмаслиги;
- болалар ез ва кишда 2 марта мактабга кабул килиши (бир йилда икки дафа);
- ҳар бир кабул 1-синфдан ошмаслиги;
- ҳар бир муаллимда кўпи билан 3-4 синф булиш;
- дарслар кетма-кет тартибда булиши;
- 7-9 ешдаги болалар 7-8 соат укишолмайди, уларнинг укиши учун 5 соат кифоя.
- жума ва байрам кунлари дам олиш.
- укишдан сунг езги иссик кунларида таътил булиши;
- дарс зериктирмаслиги;
- шогирдни уриш ва сукиш бевойда эканлиги;
- укиш коидаларини риоя этиш: Бухоро, Самарканд, Фаргона, Наманган, Кукон, Тошкентда кўплаб зиеллар жадиличлик ҳаракатига бош-кош булдилар;

Файзулла Хужаев (1896-1938)

Исхокхон Ибрат (1862-1937)

Сиддик Азизий (1864-1924)

Саидрасул Азизий (1864-1933)

Мухаммад Шариф Суфизода (1869-1937)

Махмудхужа Бехбудий (1875-1919)

Абдулқодир Шуқурий (1875-1993)

Абдулла Авлоний (1878-1934)

Садриддин Айний (1878-1954)

Мунаввар кори Абдурашидов (1878-1931)

Исматилла Рахматуллаев (1883-1962)

Абдурауф Фитрат (1884-1939)

Х.Х.Ниезий (1889-1929) ва бошқалар.

Таянч иборалар:

1. Диний мактаблар, XX аср бошларида мадрасалар.
2. Мусулмон мактабларини ислох килиниши.
3. Жадиличлик ҳаракати.
4. Чоризимнинг мактаб соҳасига сиесати.
5. Маржоний.

Савол ва топшириқлар:

1. Мактаб ва мадрасалардаги таълим тарбиянинг ахволи.

2. Маржонийнинг мактабни ислох қилиш тугрисидаги дастурида қандай масалалар кутарилган?
3. Жадидчилик ҳаракати вакиллари қимматлари, уларнинг талаби нима эди?
4. Янги усул ва рус тузем мактаблари асослари.

Адабиётлар:

1. К.Хошимов "Педагогика тарихи" Т. "Ўқитувчи" 1997 йил.
2. И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиев "Педагогика курси" Т."Ўқитувчи" 1997 йил.

## 12- Мавзу: Ўзбекистонда таълим ва педагогика.

### Р Е Ж А :

1. Шуро хокимиятининг дастлабки йилларида маориф ва педагогик фикрлар.
2. Иккинчи жаҳон уриши ва уришдан кегинги йилларда халк маорифи ва педагогик фикрлар.
3. XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистон халк таълими равнаки.

Муаммоли савол:

1. Чор Россияси томонидан Марказий Осиёда олиб борилган сиёсатнинг оқибатлари?

1917 йил тунтаришидан сунг Марказий Осиёда 3 та давлат (Бухоро амирлиги, Хива, Кукон хонлиги) урнида янги йуналишдаги мафкурага асосланган республикалар (Туркистон Мухтор Жумхурияти, Бухоро халк Республикаси, Хива халк Республикаси) ташкил топди. Янги Шуро Хукумати аввалги таълим тизими, ўқув-тарбиявий ишларни ислох қилиш, халк маорифи тизимининг янги шаклини жорий этиш юзасидан бир катор вазифаларни белгилаб берди. Бундай тадбирларни амалга ошириш Туркистонда Халк Комиссарлари Советининг 1918 йил 14 майдаги декрети асосида бошланди. Ягона Шуро "Мехнат мактаби" халк маорифи учун аосий негиз қилиб олинди. 1918 йил 20 январда "Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тугрисида" ги декрктга асосланиб, муллалар вазиели дин ахлларининг мактабларда дарс беришига йул қуймаслик тугрисида декрет қабул қилинди. Мазкур декретга мувофик аҳолининг барча табақалари болалари миллати, дини ва жинсидан қатъий назар мактаби тўкин ўқитилиши тугрисида буйрук чиқарилди. Туркистонда 1918 йил май ойининг бошида мактаб тубдан қайта қурилди ва эълон қилинди.

1918 йил июнда Тошкентда маориф ходимларининг биринчи съезда очилди, унда халк маорифи соҳасидаги ахвол муҳокама қилинди, қайта қуриш тадбирлари белгиланди.

1918 йил декабрда Туркистон Республикаси халк маорифи комиссарлиги буйрук чиқариб, ҳамма мактабларда она тили ўқитиш тугрисида қатор қабул қилинди.

1918 йил августда Туркистон Республикасининг Марказий Ижроя Бюроитети мактабларда ўқувчиларни уз она тилида ўқитишга утиш тугрисида декрет чиқарди, бу улқа халқлари миллий маданиятлари истикболи учун хал қилувчи аҳамият қасб этди. Орадан уч ой утгач "Туркистон мактабларининг структураси тугрисида Низом" чиқарилди.

1918 йил баҳорига қелиб республикада ишлаб турган мактаблар сони 330 тага етди.

1919-20 йилининг бошида мактаблар сони Фарғонада (вилоятида) 350 та, Сирдаре вилоятида 839 та, Самарканд вилоятида 216 та эди.

Мактабларни ташкил этишда маҳаллий аҳоли орасидан биринчи муаллим сифатида етишиб чиққан Хамза, Авлоний, Абдукодир Шукурый, Исматулла Рахматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исхокхон Ибрат, Т.Н.Кори Ниезий, Тухтаназар Шермухамедов, Эргаш Комилов, Окилхон Шарофиддинов ва гу сингари зиеллар фаол катнашдилар.

Муаммоли вазият:

Кизларни ўқитиш учун алоҳида мактаблар очилди, бундай мактаблар 1920 йил бошида Тошкентда 12 та, Андижонда 2 таси очилган. Куконда шундай мактабларда узбек кизларидан 270 таси, киргиз кизларидан 13 таси уқир эди. Шундай қилиб, улкамизда янги мактаблар очилди ва маҳаллий аҳолидан миллий ўқитувчилар тайёрлаш, миллий дарсликлар нашр этиш, Шуро мафкураси асосида таълим-тарбиявий жараёни амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

1918 йил июнь ойида Тошкентда дорилмуаллимин очилди. (миллат ешларидан муамиллар институти).

1918-21 йилларда маҳаллий миллатдан 3 мингга яқин муаллим тайёрланди.

1918 йилларда Туркистон шарқшунослик институти, Тимирязев номи билим юрти, Миллий хотин-кизлар учун билим юртлари очилди.

1921 йилда химия-фармакология институти, консерватория 6 та кишлоқ хужалиқ техникуми ишга тушди. Булар орасида 1918 йил 21 апрелда ишга тутгаш Тошкентда очилган Туркистон халқ университети алоҳида аҳамият этади. Университетнинг Тошкентда эки шаҳарда, Андижон, Кукон, Самарканд ва Жиззахда булимлари бор эди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 7 сентябрдаги декретига биноан Тошкент халқ университети негизида Туркистон давлат университети (Тош ДУ) ташкил этилди.

1920 йилларда Туркистон болаларининг 25% мактабда ўқитилар эди.

Ўқитувчи кадр тайёрлашга катта эъбор берилди. 1925 йилда Ўзбекистон кишлоқларида ишлаб турган муаллимлар сони 2748 кишига етди. 1924-25 ўқув йилида халқ маорифи эҳтиёжларига 11,4 миллион сум ёки республика бюджетнинг 24% сарфланди.

Таянч иборалар:

1. Шуро мактаби.
2. Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тугрисидаги декрет.
3. Мехнат мактаби.
4. Хамза
5. А.Авлоний, Абдукодир Шукурый, Фитрат, Ибрат, Окилхон, Шарафуддинов.

Савол ва топшириклар:

1. Шуро ҳукуматигача мактабдаги ахвол қандай эди?
2. Ўқув тарбия тизими ислохати.
3. Ўқитувчи кадрлар тайёрлашга эътибор.

Адабиетлар:

1. К.Хошимов "Педагогика тарихи" Т."Ўқитувчи" 1997 йил.
2. А.К.Мунавваров "Педагогика" Т. "Ўқитувчи" 1996 йил.



13 Мавзу: Педагогик кадриятларимизнинг умубашарий маънавиятда тутган урни ва ундан фойдаланиш.

Р Е Ж А :

1. Педагогик кадриятлар ва уларнинг узига хос томонлари.
2. Педагогик кадриятларимизнинг умубашарий маънавиятдаги урни.
3. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида таълим соҳасидаги янги концепциялар.
4. Хозирги замон таълимини ривожлантиришда педагогик кадриятлардан фойдаланиш йуллари.

Муаммоли савол:

1. Инсоний кадриятларни шаклланиш жараёнини изохланг?
2. Та лим тарбия кадрият сифатида каралишига сизнинг фикрингиз?

Педагогик кадрият деганда, таълим тарбияга оил голяр, карашлар ва тажрибалар мажмуи назарда тутилади. У икки кисмдан иборат: педагогик голяр, педагогик тажрибалардир. Педагогик голяр, карашлар олимларнинг асарларида умумлаштирилган холда берилса, тажрибалар ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар амалий фаолиятида куникма ва малакалар шаклида намоен булади.

Педагогик кадриятларни яратувчилар халк. Узбек халки узининг уч ярим минг йиллик тараккиети мобайнида узига хос таълим тарбия мактабини яратганлар. Шу билан бирга маънавий ва рухий олами якин булган бошка халкларнинг таълим тарбияга оид тажрибалари, голярдан энг кимматли, хаёт тарзимизга мос келадиганларини хам олинади. Педагогик кадриятларимизда юнон, хинд, араб, рус халклари тажрибаларини учраб туриши бежиз эмас.

Педагогик кадриятларнинг умумбокийлиги кўп жихатдан уларнинг катта авлод томонидан еш авлодга ургатиш оркали саклаб қолинади. Еш авлод уз замонаси талаблари, эхтиеллари мослаб ижодий ендашиб фойдаланади. Шунинг учун педагогик кадриятларни бойлиги, уни хозирги замон ешлари томонидан фойдаланиш ҳар бир миллатнинг мухим маънавий ютуги хисобланади.

Совет педагогикасининг нуксонларидан бири шунда эдики, рус халки таълим тарбия андозасини асосий, таянч деб караб бошка халкларнинг педагогик кадриятларини хисобга хам олмаслик, менсимаслик анъанасига риоя этиларди. Натижада, рус булмаган халклар педагогик кадриятлари факат оила даражасида фаолият курсатар эди. Таълим муассасаларида эса, рус таълим тарбияси андозаси хукмрон эди. Педагогика фанида эса, рус таълим-тарбия андозасини давлат даражасидаги расмий, бошка миллатлар педагогик кадриятларини халк педагогикаси деб талкин киларди.

Натижада еш авлод таълим-тарбиясида самарали ютуқлар юзаки кулга киритиларди. Миллат рухи, турмуш тарзи, тарихий талаб ва эхтиелларига жавоб

бермайдиган тарбия инсонни, айникса еш авлодни маънавий кашшок, иккиюзламачи килиб куяди. Бундай авлод уз миллати илдизларидан ажралиб колиб, хаёт мансабидан узоклашган орасида колган одамни эслатади.

Педагогик кадриятлармизнинг умумбашарий маънавиятдаги урни. Педагогик кадриятлар, одатда алохида махсус ажратиб олинган маконда, дуне халклари маънавияти таркиетидан ажралган холда ривожланмайди. Дуне халклари педагогик кадриятлари бир канча асрлар мобайнида турли хил хаёт мактабларидан утиб шакилланган. Дуне педагогикаси таркиетида узига хос таълим тарбия мактаблари борки, улар бизнинг педагогик кадриятларимиздан фарк килади.

Кадимги Юнонистон ва Рим давлатлари таълим тарбияси.

Кадимги Юнонистонда маънавият, тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар бошка мамлакатларда краганда анча илгари ривожланган эди. Тарихда бу Спарта ва Афина тарбия усули деб номланган эди.

Спартада тарбия ишлари давлат ихтиерида булиб, унинг асосий мақсади ешларни бакуват, жисмонан соглом, бардошли, чиниккан килиб тарбиялашдан ташкари булажак кулдорларни хам шакллантиришни назарда тутуди. Болаларни етти ешдан ун саккиз ешгача давлат томонидан этилга таълим муассасасига берилар, давлат томонидан куйилган обрули, таниқли кишилардан "Педаном" лар тайинланарди. Улар айникса, усмирлар тарбиясига эътибор бериб жисмоний соглом булиши учун турли машклар билан чиниктирар, совукка, очликка ва чанкокликка чидашга, огрикка бардош беришга ургатилар эди. Таълим жараёнида ҳарбий гимнастика машклари асосий уринни эгалларди. Бу билан болаларни югуриш, сакраш, диск ва найза отиш, кураш ва кул билан жанг килиш усулларида сабоқ бериларди.

Кадимги грек тарихчиси Полутарх Спарта тарбия усули хакида гапириб, "Укиш ва езишни болаларга энг зарури ургатилар эди, тарбиянинг колган кисми эса битта мақсадга: хеч сузсиз итоат этишни, чидамли булишни ва енгиш илмини ургатишни кузда тутуди".

Спарта тарбиясининг узига хос томонларидан бири, ешларни кулларга нисбатан шафкатсиз, уларни гапирувчи иш куроли деб караш, менсимайдиган килиб турбиялаш эди. Бу мақсадда кечалари кул овлаш машклари ургатилар эди.

Спартада кизлар тарбиясига алохида эътибор берилиб, уларни хам ҳарбий ва жисмоний тарбия малакалари билан куроллантирилади. Бундай мақсад кизлар, аеллар шаҳарни химоя килиши, кулларни итоат этишини таъминлашга ургатиш эди.

Афина тарбия усулида эса, куркам, баркамол инсонни хам жисмоний, хам маънавий жихатдан ютук кишини узларининг идеал деб хисоблар эдилар. Тарбия жараёнида аклий, ахлокий, эстетик, жисмоний тарбия уйгунлашган холда олиб бориларди. Болалар 7ешдан 13-14 ешгача "Грамматист"(савод ургатадиган мактаблар) ва "Кифаристлар" (мусика мактаблари) ёки иккивода ўқитилар эди. Бу мактабда дидаскал ўқувчилар (мен ўқитаман деган маънони англатади), машгулот

олиб борарди. Мактабга болани етаклиб борувчи кулни эса педагоглар деб юритилар эди.

Афина тарбия усулида болаларни укиш, езиш ва хисоблашга ургатиш асосий вазифа хисобланарди. Утил болалар 14 ешга етгач, полистра (кураш) мактабларига утказилар эди. Бу ерда беш кураш: югуриш, сакраш, кураш, диск ва найза отиш, сувда сузишга ургатиларди.

Айрим бадавлат оила фарзандлари полистра мактабларидан сунг гимназияга кириб укирдилар. Гимназияни битирга ешлар давлатни бошкаришда фойдаланардилар.

Ешлар 18 ешдан 20 ешгача эфеблар каторига утиб, харбий хизматга тайёрланар, узларини сиесий билимларини оширишни давом эттирардилар.

Ахолонинг кўпчилик кисми уз фарзандларини мактабларда ўкита олмаганлари туфайли, уларга касб хунар ургатиш одат тусига кирган эди.

Юнонистонда педагогика назаряси ва амалиети масалаларини ишлаб чикишда философлардан Сократ, Платон, Аристотель демокритлар мухим роль уйнаган.

Сократ (эрамиздан аввалги 469-399) фикрича, тарбиядан кузатилган мақсад буюмлар табиатини урганиш булмай, балки кишилар билиб олиши, ахлоки камол топтириш булмоги лозим. У савол жавоб усули билан тингловчиларга хакикатни тушунтирар эди. Сухбатнинг бу усули "Сократ усули" деб юритилади. Таълимда хам сухбатни "Сократ усули" деб аталади.

Платон (424-347). Унинг фикрича, давлатнинг мақсади олий эзгулик гоёсига якинлаштиришдир, бу гоё, асосан тарбия йули билан руетга чиқади. Тарбия давлат томонидан ташкил этилмоги ва хукмрон гуруҳларнинг файласуф ва жангчилар манфаатларини кузламоги лозим. Болалар 3 ешдан 6 ешгач тарбиячилар рахбарлигида майдончиларда турли уйинлар билан шугилланардилар. 7 ешдан 12 ешгача давлат мактабларида укиш езиш, хисоб, мисика ва ашула ургатадилар. 12 ешдан 16 ешгача палестира, жисмоний тарбия мактабларида укийдилар. 18 ешгача хисоб, геометрия ва астрономия урганадилар 18 ешдан 20 ешгача "Эфебия"да тарбиялардилар. 20 ешдан бошлаб аклий машгулотга мойил булмаган йигитлар жангчилар каторига утказилар эдилар. Абстракт тафаккурга эга булган ешлар эса, 30 ешгача фалсафа, хисоб, геометрия, астрономия ва мусика назариясини урганадилар. Истедоди баланд ешлар эса 35 ешгача яна фалсафани урганишни давом эттирадилар. Шундан сунг 35-50 ешгача давлатни бошкарадиган булиб қоладилар.

Аристотель (384-322). Унинг фикрича оламда тана ва жон бор. Уч хил жон бор: усимликдан таркиб топган жон; хайвонат оламидан таркиб топган жон; акл идораси булган жон. Инсонда усимлик ва хайвонат хоссаларидан ташкари, у тафаккур ва билиш хислатига эгадир. Инсондаги жоннинг хайвоний кисми аклга тобе булганлига сабабли, уни ирода деб аташ мумкин. Шунинг учун инсонга уч хил тарбия жисмоний, ахлокий тарбия ва аклий тарбия берилиши лозим. Тар-

биянинг махсади жоннинг олий томонларини - акл ва идорани камол топтиришдир.

Аристотель педагогика тарихида биринчи булиб, ешни давларга булишга уринди. 7 ешгача булган давр; 7 ешдан 14 ешгача давр; 21 ешгача булган давр.

Демокрит (460-370) атомизм назариясининг асосчиси. У асарларида "Худоларнинг иродаси" деган гаплар одамлар уйлаб чиқарган уйдирмадан бошқа нарса эмас, деб, Худоларга ишонишни рад этди. У тарбияни табиатга мослаштириш масаласини биринчи булиб илганри сурди. "Табиат билан тарбия бир бирага ухшайди" деб езади олим таълим меҳнат асосидагина гузал нарсаларни хосил қилади, - деб ҳисоблади. Доимо меҳнат қилиб туриш, меҳнатга одатлана борган сари меҳнат енгил булиб боради. У емон урнақдан эҳтиёт булиши керак, яхши хулқ хосил қилишда машқнинг ахамияти жуда катта, деб ҳисоблади.

### Гарбий Европа таълим тарбияси.

Гарбий Европа мамлакатларида таълим-тарбия ишлари рухонийлар кулида курул булиб, батамом диний рух ва хурофот билан сугорилган эди. Християн дини талимотига биноан, одам гуе гунохли банда булиб тугилади, унинг гунох мойил булган табиатини босиш учун уни дузах дахшати билан куркитиш руҳида тарбиялаш керак.

Урта аср Гарбий Европа мамлакатларида икки гурихда булинган ва етти фанни уз ичига олган таълим дастури вужудга келади. Биринчи гуруҳ учта фандан иборат булиб, уни "тривиун" деб юритилган. Бунда грамматика, риторика, диалектика кирарди. Иккинчи гуруҳ турт фандан иборат булиб, уни "Квадривиун" дейилади. Унга арифметика, геометрия, астраномия ва мусика кирарди. Хаммаси булиб, бу етти фанни "етти эркин санъат" деб аташ расм булган. Хамма ўқув предметлари асосида диний ақидалар турарди. Чунки, хамма фанларнинг тожи деб- теология ҳисобланган. Таълим дастурлари эса, черков мактаблари оркали амалга шширилган эди.

Черков мактаблари: приход мактаби (черковга карашли); магистр мактаби ва бош черков ёки аписком мактаби буларди.

Рицарлик тарбияси. Дуневий феодалларга диний таълим тизими екмас ва уларни кониктирмай колди. Шунинг учун дуневий феодаллар мухитида рицар фазилатларига эга булган идеал одамни тарбиялаш зарурияти вужудга келди. Рицар тажрибали мохир жангчи каттил кул, шафкатсиз ва айни вақтда феодалларга нисбатан олий жаноб, фидокор, содик одам. Анашундай одамни шакиллантирадиган рицарлик тарбияси тизими вужудга келди.

Гарбий Европада рицарлик тарбияси XII асрга келиб тула таркиб топди ва ривожланди. Рицарлик тарбияси мазмуни "Рицарликка оид етти фазилат"дан ташкил топган эди. Бу фазилатлар: от миниб юришни билиш, қиличбозликни

билиш, найзабозликни билиш, сузишни билиш, ов кила билиш, шахмат уйнашни билиш, шеър тукиш ва кушик айтиш.

Рицар тарбиясининг амалий йуналишлари куйидагича булган. Феодал уз углини 7 ешдан Сюзерен саройига беради ва 14 ешгача паж вазифасини бажаради (феодал тартиб коидаларини урганади) 14 ешдан 21 ешгача - Сюзереннинг курол ярокларини кутариб юради, у билан жангларда булади, овдв катнашади. 21 ешда эса, у рицар унвонига эга буларди.

XII-XIII асрларга келиб, черков мактабларидан фарк киладиган цех ва гильдия мактаблари вужудга келди. Бу мактабларда диний илмлар каторида хат, савод ва хисоб малакаларини балаларга беришга кўпрок этибор берилади.

Европа мамлакатларида XII асрнинг иккинчи ярмида Италияда (Болонья), Англияда (Оксфорд), Францияда (Париж) унверситетлар вужудга келди. Бу унверситетларда туртта факультет: Тайёрлов, Юридик, Медицина ва илохийет булган. Тайёрлов факультетида талабалар 6 - 7 йил, бошка факультетларда 5-6 йил тахсил олганлар.

Гарбий Европада таълим-тарбияси асосларини ишлаб чикишда Я.А.Коменский, И.Г.Песталоцци, Роберт Оуэн, Иогани Гербат, Адольф Дистервег мухим рул уйнаган.

Ян Амос Коменский (1592-1670). Педагогик тарихида мухим урин эгаллайди. Унинг "Тиллар ва хамма фанларнинг очик эшиги", "Буюк дидактика", (1632) "Хислар воситаси билан идрок килинадиган нарсаларнинг сураглари" асарлари дуне педагогикасига улмас янги гоюлар олиб кирган.

Унинг фикрича, хамма нарсани билиш, хамма учун билим бериш мумкин (пансофия идеяси); мактаб-бу муассаса, у ерда "Хамма нарсани ургатмок керак" Биз хамма кишилар учун таълим беришни такидлаймиз дейди. Боланиенг аклий ва жисмоний усиш жараёни табиатдаги усишга ухшаган булади.

Каменский яшаган даврда кобилиятли одамларни укиш керак деган гоюга риоя этиларди. У эса, аксинча барчани, хатто хотин кизларни хам умум таълим олиши лозим деб хисобларди. Коменскийнинг кимматли фикрларидан бири, ўкувчилар билим оилиш тушунчасига эга деб каради. Оинани канчалик жанг босган булса хам, барибир киши уз аксини куриши мумкин. Албатта, тоза оина киши аксини тоза курсатади. Ўқитувчининг вазифаси оинадаги жангни артиб ташлаш, яни билинни бола онгига етказиш, уни аклий томондан устиришдир.

Тарбиянинг мақсади, кишини мангулик дунесига тайёрлашдир. Бунинг учун у аклий, ахлокий ва диний тарбия олиши керак.

Коменский болани еш даврларга булди. Тугилганидан 6 ешгача она мактаби даври; 6 ешдан 12 ешгача халк мактаби ёки она тили мактаби; 12-18 ешгача гимназия; 18-24 ешгача унверситет даврига ажратди.

Коменский дидактикасида табиийлик методи муҳим урин эгаллайди. Унинг моҳияти шундаки, боланинг ешини, билим ҳажмини, психологик хусусиятларини ҳисобга олиб дарсни табиат борлигига мослаб утишдир. У курсатмалилик, онлилик, системалик, изчиллик, материални мустаҳкам асосли узлаштириб олиш тамойилларини асослаб беради.

Буюк педагог асарларида синф-дарс тизимини асослаб берди. Ўқитувчиликни "ер юзидаги ҳар қандай касбдан кура юкорирок турадиган жуда фахрли касб" - деб ҳисоблайди.

Иогани Генрих Песталоцци (1746-1827). Унинг "Гертруда уз болаларина қандай қилиб ўқитади", "Оналар китоби", "Кузатиш алифбеси", "Сон тугрисида" каби асарлари бор. Унинг фикрича, тарбиянинг маҳсади одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини устириш, устирганда ҳам ҳар тарафлама ҳар бирига уйғун равишда устиришдир. тарбия методлари-инсоннинг кучини унинг табиати билан мувофиқлаштириб устиришга ердан бериши лозим. "Бола тугилган соат - унга таълим беришнинг биринчи соатидир". Хақиқий педагогика - онани тугри тарбиялаш методлари билан қуроллантириши керак.

Песталоцци педагогика тирихида "элементар таълим назаряси" эратувчиси сифатида тан олинади. Унда жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси, Ахлокий ва эстетик тарбияни ҳамда аклий тарбияни ва ўқитишни уз ичига олади.

Роберт Оуэн (1771-1858). Унинг фикрича, одам уз атрофидаги муҳитнинг маҳсули. Шунинг учун 1 ешдан 6 ешгача болалар учун ясли, болалар бргчаси ва болалар майданчаларида иборат "кичик болалар мактаб"ида буладилар: 6 ешдан 10 ешгача болалар бошлангич мактабларда шугинладилар; ишчи ешлар учун кечки мактаблар очди.

Оуэннинг "Инсонда ҳарактерни таркиб топтириш тугрисида тажриба" асарида "Одам уз ҳарактерини ҳеч қачон яратган эмас, уни яратиш мумкин ҳам эмас. Агар биз муҳит шароитини ва тарбияни узгартирсак, ҳар қандай ҳарактерни таркиб топтиришимиз мумкин" деб ҳисоблайди.

Иогани Гербарт (1776-1841). Унинг "Тарбия маҳсадларидан келиб чикиб умумий педагогика", "Психология дарслиги", "Психологияни педагогикага тадбиқ тугрисидаги хатлар", "Педагогикага доир лекциялар очерки" асарларида педагогик қарашлари баен этилган.

Гербарт тарбия жараёнини бошқариш, ўқитиш ва ахлокий тарбия бериш босқичларига ажратди. Бошқариш оз олдига боланинг келажаги ни эмас, балки ҳозирги вақтини узида, яни тарбия жараёнида тартиб сақлаб туриш вазифасини ҳал этади. "Еввойи шухлик" ҳамма болалар ҳарактерли булиб, бошқариш уни баргараф этиши лозим. Болани бошқариш тарбияламайди, аксинча тарбиялаш учун шарт шароит яратади. У педагогикага тарбияловчи таълим тушунчасини киритди.

Гербар таълимни турт босқичга: равшанлик, ассоция, тизим ва методга ажратди. Таълимни тасвирий, аналитик, синтетик таълим турларига ажратди.

Гербарт ахлокий тарбия тизимини ишлаб чикди. Унинг фикрича:

- а) Тарбияланувчи тийиб туриш;
- б) Болани белгилаб олиш;
- в) Хулкнинг аниқ коидаларини белгилаб куйиш;
- г) Тарбияланувчилар кунглида осойишталик ва равшанлик булишини таъминлаш;
- д) Маъкуллаш ва сазо бериш йули билан боланинг кунглини тулкинлантириб туриш;
- е) Болани хабардор килиб туриш оркали унинг нуксонларини курсатиш ва тузатиш.

Адольф Дистервег (1790-1866). Унинг педагогик карашлари "Немис ўқувчиларини ўқитиш учун кулланма" асарида баен этади. У умуминсоний тарбия гоясини химоя килиб, анашу гоя асосида педагогикани ишалб чикади. "Инсон менинг номим, немис - менинг лакабимдир" дейиди.

Таълимнинг мувофаккиятли булиши окибат натижада дарслик ёки методга эмас, балки ўқувчига боғлиқ. Емон ўқитувчи хакикатни айтиб бериб куя колади, яхши ўқитувчи эса хакикатни топишга ургатади.- деб таъкидлайди Дистервег.

Рус таълим ва тарбияси.

Рус таълим ва тарбияси асосларини ишлаб чиқишда К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинскийларнинг хизмати бёкиес катта.

К.Д.Ушинский (1824-1870). Унинг "Камерал фанлари ўқитиш хакида", "Болалар дунеси", "Она тили дарслиги", "Муаллимлар учун кулланма", "Киши - тарбия предмети сифатида", асарлари муаллифи. У рус педагогикасининг унга хослигини, миллий хусусиятларни химоя килди, тарбия халкчилик гоясини ишлаб чикди.

Ушинский асарларида, мехнатга инсон бахт саодатининг асоси, болаларни мехнат оркали тарбиялашга катта эътибор берди. Таълимнинг мазмуни, тамойиллари, шакл ва воситаларини асослашда кўп хизматлари бор. У Россияда ўқитувчилар тайёрлаш тизими биринчи бор ишлаб чикди.

Лев Николаевич Толстой (1828-1910). У "Ясная полянада" ташкил килган мактаби том маънода узига хос таълим тарбия лаборатория эди. Ўқитувчи ва ўқувчининг эркин мулокатлари асосида курилган бу мактаб 7 ешдан 13 ешгача булган 30-40 та болаларни ўқитардилар. Мактабнинг ўқув режаси, дастурлари, дарсликларини Толстойнинг узи тайёрлаган эди.

Л.Н.Толстой уз тажрибалари асосида "Азбука", "Новая азбука" хамда 4 та "Уқиш китоби" дарсликларни тайёрлайди ва нашр этади.

Антон Семеновия Макаренко (1888-1939). Унинг педагогик карашлари "педагогик поэма", "Минераллардаги байроқлар", "Уттизинчи йиллар марши", "Таълим тарбия тажрибасида баъзи хулосалар" асарларида баен

этилади. Макаренко уз тажрибаларига таяниб педагогиканинг янги тамойилларини асослаб берди: Булар:

а) талабчан булмаслик, талабларнинг болага нисбатан буш булиши, боланинг кучига ишонмаслик ва уни камситишдан келиб чиқади;

б) талабчанлиги болага нисбатан севиш ва хурмат асосига курилади;

в) ўқитувчи болалар жамоасини уюштира олса, у жамоа педагогнинг ишончли ердамчисига айланади;

г) интизом - жамоанинг курки, тарбиянинг воситаси, натижаси. Василий Александрович Мухомлинский (1918-1970). Унинг хаёти педагогика назарияси ва амалиётининг уйғунлашуви тимсоли деб караш мумкин. Унинг "Павлиш урта мактаби", "Калбимни болаларга багишлайман", "Гражданин тугилиши", "Тарбиялаш ва кайта тарбиялаш", "Коллектив", "Тарбия тугрисида этюдлар", "Еш мактаб директорлари билан сухбат" каби асарларида таълим тарбия муаммолари баён этилади.

Унинг фикрича "Ҳар бир бола узига хос бир дунё булиб, бир-бирига мутлоқо ухшамайди, ноёбдир". Буни ҳамма билади, аммо амалий ишда билганларига амал қилиш ҳамманинг ҳам қулидан келавермайди.

Менинг хаётимда энг муҳим нарса нима эди? деб сурашса, ҳеч иккаланмасдан болага билан меҳр муҳаббат деб жавоб берган булар эдим. "Тарбия бу дастури ўқитувчи билан ўқувчи уртасида урнатилган доимий маънавий алоқадир", дейди олим. Агар ўқувчининг маънавий дунесини, онгини шакллантирмоқчи экансиз, тарбиячи сифатида унга яқин туриш, шундангина унинг қалбига, маънавий дунесига таъсир эта оласиз.

Сухомлинский болаларда яхши булиш истагини уйғотишга интилади. Тарбия ишида янги муҳим ва қимматлиси шуки, - дейди олим, - бола уз онгли хаётининг дастлабки қадамлариданок инсонда ва булиши мумкин булган энг яхши фазилатларга чуқур ишошини мумкин. Агар инсон болалигидан бошлаб, дустлик, маънавий софлик, оҳ қунгиллик, ростгуйлик билангина хаётда чинаккам гузаллик булишига ишонса, у қалб гузаллиги учун, умумхалқ бахти учун чинаккам қурашчи булиб етишади.

Биз Юнон, Гарбий Европа, Рус педагогикаси намоёндаларининг таълим тарбия соҳасидаги қарашларини таҳлил этдик. Бу эса бизга педагогик кадрларимизнинг узига хос томонларини англаб етишимизга ердём беради. Булар:

1. Ватанимизнинг узига хос демократик вазияти, яшаётган халқларнинг уртоклик турмуш тарзи бир неча авлод вақилларини бир ҳовлида яшашга, катталарнинг кичикларга гамхурлик қилишларига, фарзандларни эъзозлашга, ҳаммани тарбиясига айлантириб қуяди.

2. Улкамиз қадимдан узига хос геостратегик маъкеига эга эканлиги таҳиридан бу ерларда савдо, қарвон йуллари утган, турли халқлар маданияти бир бирлари билан туташган жой, шунинг учун педагогик кадрларимизда қадимги хинд, юнон, хитой, араб, рус маданияти элементлари учрайди.



3. Ватанимиз кадимдан фан, маданият, маънавий гуркираб усган маконлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун педагогик кадриятларимизда ешлар илм-фан, касб-хунарни эгаллашга чакирувчи уғитлар кўп.

4. Улкамизда кадимдан уз маданияти ва анъаналарига эга булган кўпгина миллат, элатлар бир оила фарзандидек яшаб келганлар. Шу билан бирга туб аҳоли устин мавкеини эгаллаган. Бу эса турли миллат вакиллари тинч тотув яшаш бир-бирларини хурмат килишга ургатувчи таълим тарбиянинг байналминал йуналиши вужудга келтиришда хал килувчи роль уйнайди.

5. Ватанимизда яшаётган барча халклар узига хос маънавий ҳаёт тарзи: катталарни хурмат килиш, очик кунгиллик, миллатидан катъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда булиш, узгалар кулфатига ҳамдарт булиш, узаро ердам туйғуси кишилар уртасидаги муносабатларининг меъери ҳисобланган. Тугилган жой, Ватанга меҳр муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозга, маърифатга нисбатан алоҳида хурмат эҳтиром инсон тарбияланганлигининг даражаси, улчамлари ҳамдир.

6. Халкимизнинг узининг шахсий фаровонлигини эмас, балки оиласи, кариндош уруглари, фарзандлари эсон омонлигини уйлаш, уларга нисбатан гамхурлик килишни бмиринчи уринда курадилар. Таълим тарбияда жамоатчилик ҳарактерини, инсонни улуглаш, хурмат килиш, уни бахтли ҳаётга тайёрлаш гоёлари билан инсонпарварлик педагогикасини вужудга келтирган ва ривожланган.

Инсонпарварлик тарбиясидаги еш авлодда Ватан тушунчасини Гарб тарбия андозасидан бошқача усулда, яъни усимлик, хайвонлар, табиат олами хақидаги билимлар орқали эмас, балки боланинг ота-онаси, кариндош уруглари, ака-укаларига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш орқали сингдиришни тавсия этилади.

7. Олимлар асарларида дидактика, тарбия назарияси, одоб ахлоқ, меҳнат, касб-хуна тарбияси, оила ва оилада бола тарбияси муаммолари кутарилади ва узига хос донишмандлик билан хал этилади. Бунда дуневий ва диний педагогика гоёлари оқилона муштаракликка интилган холда фойдаланилган.

8. Педагогик кадриятларимиз Марказий Осиёда яшаётган барча миллат, элатлар маънавий ҳаёти сарчашмалари билан узвий богланган. Уни кардош, кушни халклар педагогик кадриятлардан ажратиб урганиб булмайдди. Педагогик кадриятларимизнинг сермазмунлигини, умирбоқийлигини ва ҳаётийлиги ҳам бошқа халқ маданияти билан муштараклигида.

Хозирги замон таълимини ривожлантиришда педагогик кадриятлардан фойдаланиш йуллари.

Халкимиз Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Хужа Аҳмад, Яссавий, Баҳовуддин Накшбанд, Амир Темур, Бобур сингари сиймоларни тарбиялаб вояга етказган узига хос педагогик мактабга, тажрибага эга булган.

Бугунги кунда мустакил Ўзбекистонда янги таълим тизимини яратиш ва уни ривожлантиришда педагогик кадриятларимиздан фойдаланиш лозим. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тугрисидаги Қонуни", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида" таълим олдидаги куйилган вазифаларни хал этишда педагогик кадриятлар кул келади.

Республикамызда таълимни ривожлантириш омиллари сифатида:

- Таълимни дуне салохиятига эга булган мамлакатлар тажрибалар асосида йулга куйиш.
- Таълим тарбияда илгор, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- Педагогик жараёни миллийлаштириш, инсонпарварлаштириш ва демократиялаштириш.
- Дуне миқесида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш;
- Таълим тарбия халкимиз миллий узлигини англаш, миллий ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат этиши лозим.
- Педагогик кадриятларимиздан хозирги замон таълимини ривожлантиришимизда фойдаланиш йуналишлари куйидагилар булиши мумкин:

Муаммоли вазият:

1. Педагогик жараёни миллийлаштиришда
2. Таълим-тарбияда янги усул ва воситалардан фойдаланишда.
3. Таълим тарбияни инсонпарварлаштириш, халкимизнинг маънавий кадриятларини асосига куришда.
4. Оила тарбиясини такомиллаштиришда
5. Халкимиз миллий руҳига, маънавияти талабларига жавоб берадиган педагоглар таерлашда.

Демак, педагогик кадриятларимиз жуда бой таълим-тарбия соҳасида яратилган гоюлар, карашлар ва тажрибалар мужмуи булиб, хозирги замон таълим тизимини назарий, услубий, амалий жихатдан такомиллаштиришда муҳим омил булиб хизмат килади.

Таянч иборадар:

Педагогик кадрият, этнопедагогика, таълим тарбия андозалар, узбек халқи педагогик кадриятларининг узига хошлиги, этнопедагогика хозирги замон таълимини такомиллаштириш омили.

Савол ва топшириқлар:

1. Педагогик кадриятларга таъриф беринг. Умумбашарий, минтакавий ва миллий педагогик кадриятларни бир-биридан фарқланг.

2. Юнон таълим тарбия андозасини асосланг.
3. Гарбий Европа таълим тарбия андозасини узига хослиги нимада?
4. Рус таълим тарбияси андозасини таърифлаб беринг.
5. Узбек халки таълим тарбияси андозасини асосланг.
6. Хозирги замон таълимини ривожлантиришда Узбек этнопедагогикаси ютуқларидан фойдаланиш йулларини белгиланг.

#### Адабиетлар,

1. И.А.Каримов "Биздан озод ва обод Ватан колсин" Т. 1996 йил.
2. И.А.Каримов "Ватан саждагох каби муқаддасдир" Т. 1996 йил.
3. "Инсон бахт саодат учун яратилади". (Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг хикматли сузларидан) Т. 1998 йил.
4. "Узбек педагогикаси антологияси" 5-29 бетлар.
5. Абдуллаев Х.А. "Этнопедагогика" 131-134 бетлар.

14 Мавзу: Дидактика. Таълим жараёнининг моҳияти.

#### РЕЖА :

1. Дидактика тугрисида тушунча.
2. Таълим жараёнининг моҳияти.
3. Ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятларини ташкил этиш.
4. Таълим жараёнида қонуниятлар ва принциплар.

Муаммоли савол:

1. Дидактика нима?
2. Таълим жараёнининг моҳияти нималардан иборат?

"Дидактика" сузи грекча "Дидактикос" сузидан олинган булиб, "Ўқитувчи", "Ўқитиш" деган маънони билдиради. Дидактиканинг предмети ўқитиш жараёни ва унинг қонуниятларидир.

Таълим назарияси қуйидаги масалаларни:

- таълим жараёни назарияси ва моҳияти;
- таълим принципларини, мактаб таълимининг мазмунини, методлар ва ташкилий формаларини уз ичига олади.

Дидактика педагогика фани соҳаси сифатида унинг методологик асослари Ян Амос Коменскийнинг "Буюк дидактика" асари асослаб берилди. Дидактиканинг ривожланишига рус педагогларидан К.Д.Ушинский катта хисса қушди. Дидактика қуйидаги саволлар жавоб беради: нимага ўқитиш?, қандай ўқитиш?, қаерда ўқитиш?, қандай ташкилий формалар?. Бошқача қилиб айтганда таълимни мазмуни, мақсадини илмий асослаб, ўқитиш методлари ва воситаларини ташкил этиш формаларини аниқлаб беради. Дидактика маълумот бериш ва таълимнинг умумий назарияси булиб, барча предметларни ўқитишнинг умумий қонуниятлари,

хусусиятларини тадқиқ қилади. Дидактика қонуниятларидан ҳар бир предметни ўқитишда фойдаланилади, шунинг билан бирга ҳар бир предмет ўқувчилар томонидан ушлаштириладиган узининг мазмуни, мақсади, специфик томонларига эга бўлади. Бу специфика предметлар методикаси ва хусусий дидактикасида урганилади. Ҳозирги кунда асосий мактаб предметлари етарли даражада ишлаб чиқилган.

Муаммоли вазият:

Дидактика ва методика узаро боғлиқ яқин алоқада ривожланади. Дидактика конкрет фанлар ўқитиш практикасига асосланади, ундан фактлар, материаллар, мисоллар олади ва умумий қонуниятларни яратди.

Дидактика илгор тажрибалар ва ўқувчилар ишларини оммалаштиради, анализ қилади ва умумпедагогик хулосалар беради.

Таълимнинг асосий вазифаси еш авлодни илмий билимлар, қуникма ва малакалар системаси билан қуроллантиришдан иборат.

Таълим - махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида утқизиладиган, ўқувчиларни билим, қуникма ва малакалар билан қуроллантирадиган билиш қобилиятларини устирадиган, уларни дунекарашини шакллантирадиган жараёндир.

Билимлар - одамларнинг ижтимоий тарихий амалиёт жараёнида тўплаган умумий тажрибасидир.

Қуникма - олинган билимга асосан бирор ҳаракатни бажара олиш қобилиятиди. Қуникма малака билан ҳамбарчас боғланган.

Малака - ҳаракатларни бажаришнинг қатъий усулларидан. Малака онгли хатти-ҳаракатининг автоматлаштирилган таркибий қисми. Малака бир хатти-ҳаракатнинг узини бир хил шароитларнинг узидан кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинади. Малака қанчалик пухта бўлса, одам ишини шунчалик тез ва тугри бажаради.

Таълимнинг энг муҳим таркибий қисми умумий маълумотдир. Умумий маълумот ўқувчиларни табиат, жамият ва инсон тафакқури ҳақидаги фан асосларини билиш билан таъминлайди.

Мактабдаги умумий таълим политехник таълим билан узвий қушилади. Умумий ва политехник таълим профессионал маълумот олиш учун асосдир.

Профессионал маълумот уз ичига меҳнат фаолиятининг муайян соҳасидаги билимлар, малака ва қуникмалар тизимини олади.

Таълим диалектик тарзда тараккий этиб борадиган ички зиддиятлар жараёндир. Таълим жараёни икки томонлама бўлиб, унда икки шахс ўқитувчи ва ўқувчи бўлади. Ўқитувчи билан ўқувчи бир-бирига зид ролларни ўқитиш ва уқиш ролларини бажарадилар.

Таълим бериш ўқувчиларга билимлар бериш, уларда қуникмалар ва малакалар ҳосил қилиш, янги ҳақиқатларни оча олишга қодир бўлган ижодий, мантикий тафакқур тарбиялашдир.

Билиш жараёнидаги сингари таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотугри ва ноаниқ билишдан тобора туларок ва аниқроқ, чуқурроқ билишга булган йулни босиб утади. Бу жараёнда хиссий идрок этиш ҳам, абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб куриш ҳам булади.

Билиш назарияси таълим жараёнининг методологик асосидир.

Дидактика билиш тугрисидаги таълимотига таяниб, ўқитишни билишнинг бир тури деб хисоблайди.

Билиш назарияси одамга боғлиқ булмаган холда мавжуд объектив реаллик борлигини эътироф этади. Одам объектив оламни билиб олади. Билиш одамнинг амалий фаолият жараёнида утади. Амалиёт инсоннинг билиш учун асосий ва муҳим нарсасидир.

Амалиёт инсоннинг билиш манбаидир.

Билиш мураккаб диалектик жараён булиб, объектив дунени билиш уни сезишдан бошланади.

Сезиш теварак атрофдаги воқелик, нарса ва ходисаларнинг сезиларли органларимизга таъсир этувчи айрим сифатларнинг онгимизда акс эттишдир. Идрок умуман теварак атрофимиздаги буюмлар ва ходисаларнинг одам онгина акс этишидир. Тасаввурлар бош мия пустининг силликлиги туфайли одамнинг онгида узок вақт сакланиб қоладиган идрок ва сезиларнинг изидир.

Таълим жараёнида билиш фаолиятнинг босқичлари:

1. Ўқувчиларга билиш ва амалий вазифалар куйиш ҳамда уларни бу вазифаларни тушунишлари, уқиш учун зарур вазият ва кузатувчи сабаблар яратиш.
2. Муаммоли вазият яратиш.
3. Таълим жараёнида болаларни илгариги тажрибасидан фойдаланиш.
4. Ўқувчиларда ҳар хил шаклдаги ва хилма-хил манбадан олинган янги материални идрок қилишлари.
5. Идрок қилинган материални англаб олиш, илмий тушунчалар таркиб топтириш, қонунларни узлаштириб олиш.
6. Мактаб ўқувчиларини олган билимларини, ҳосил қилинган билим, қуникма ва малакаларнинг мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш.
7. Билимлар, қуникма ва малакаларнинг амалда қулланиш.
8. Таълим натижаларини таҳлил қилиш, ўқувчиларни билимларни узлаштиришларини, қуникма ва малакалар ҳосил қилишларини текшириқ.
9. Анализ, синтез, таққослаш усуллари билиш жараёнида қулланилади.

Уқиш теварак атрофдаги оламни билишнинг маҳсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиладиган алоҳида туради. Бу жараённинг моҳияти, билим қуника ва малакалар ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини узлаштириб олиш ва билиш қучларини ривожлантиришдир.

Таълим доимо ижтимоий ходиса: у инсон билан ижтимоий муҳитнинг узаро таъсирини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ўқитиш доимо ўқувчининг фаоллигини талаб қилади, ўқитишнинг моҳияти бир томондан педагоглар, ўқитувчиларнинг, иккинчи томондан ўқувчидарнинг узаро боғланган, бир-бирини такозо этадиган фаолиятидир. Таълим жараёнининг асосий уч элементи бор: ўқитиш, уқиш (ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, уларнинг биргаликдаги фаолияти объекти) таълим мазмуни.

Муаммонинг хулосаси:

Таълим жараёни таркибий қисмлари: мақсадни аниқлаш, билимларни эгаллаб олишга хоҳиши- эҳтиёжни шаклланиш, ўқув машғулотини мазмунини аниқлаш, ўқув материалларини эгаллаб олиш учун ўқув билиш фаолиятини ташкил этиш (идрок, фахмлаш, мустахкамлаш, амалда куллаш), таълим жараёнга хиссий кизиқиш (мотивизация) тусини бериш, таълим натижаларини баҳолаш ва уз-узини баҳолаш, ўқувчиларни ақлий ривожланиш, қобилият ва истедодни устириш, дунё карашни эстетик караш ва эътиқодни шакллантириш.

Таълим жараёни қонуниятларининг қуйидаги специфик тизими мавжуд:

1. Таълим жараёнида шахснинг ҳар томонлама гармоник ривожлантиришга йуналтирилганлиги.
2. Таълим жараёни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаол фаолиятда булишига асосланганлиги.
3. Таълим жараёнида ўқувчилар кизиқиш эҳтиёжлари ва ўқув билиш фаолиятлари бирлигига таяниш.
4. Ўқувчилар шахсини ҳурматлаш ва оқилона талаблар қуйиш.
5. Билимларни эгаллаб олишда ўқувчиларни завқланишга, интилишга ургатиш.
6. Таълим жараёнида ўқувчиларда уз қобилият, истедодларини курсатишга имкон бериш, ижодий фазилатларига таяниш.
7. Ўқувчиларнинг еш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.
8. Таълимни ўқувчилар коллективда амалга ошириш, коллективни ўқув жараёнида фаол таъсир этувчи амалга айланттириш.

Таълим жараёнининг дидактик принциплари:

1. Таълимнинг илмийлиги ва гоъвийлиги.
2. Таълимнинг муаммолиги.
3. Таълимнинг курсатмалилиги.
4. Таълимда ўқувчилар онгилиги ва фаоллиги.
5. Таълимнинг тушунарли булиши.
6. Таълимнинг системалилиги ва изчиллиги.
7. Таълимнинг пухталилиги ва даврилилиги.
8. Таълимнинг билиш бериш, тарбиялаш ва ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш функциялари бирлиги.
9. Таълимда тарихийлик ва ҳолисоналик.

Таянч иборалар:

1. Дидактика
2. Дидактика ва методика
3. Билим
4. Куникма
5. Малака
6. Маълумот

7. Амалиёт
8. Анализ
9. Синтез
10. Таккослаш
11. Таълим принципи
12. Конунияти

#### Савол ва топшириклар:

1. Таълимнинг моҳияти ва вазифаси.
2. Дидактика ва методиканинг боғлиқлиги.
3. Маълумотнинг турлари.
4. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари.
5. Таълим жараёни конуниятлари ва принциплари.

#### Адабиётлар:

1. А.К.Мунавваров "Педагогика" Т."Ўқитувчи" 1996 йил.
2. И.Й.Турсунов,У.Н.Нишоналиев. "Педагогика курси" Т."Ўқитувчи" 1997 йил 89-92 бетлар
3. И.Ф.Ҳарламов "Педагогика" М. "Высшая школа" 1990 г. 122-127стр

15-Мавзу: Таълим мазмуни ва уни такомиллаштиришнинг илмий педагогик асослари.

Р Е Ж А :

1. Таълим мазмуни ва уни белгилаш омиллари.
2. Таълим мазмуни таркибий қисмлари ва йуналишлари.
3. таълим мазмунини ифодаловчи ҳужжатлар.
4. Ҳозирги замон таълими мазмунини такомиллаштириш йуллари.

Муаммоли савол:

1. Давлат таълим стандарти деганда нимани тушинасиз?
2. Фан ва ўқув предмети тушунчаларини фарқи?

Муаммоли вазият:

Педагогика назарияси ва амалиетида ўқувчи ешларга нимани ургатиш керак? масаласини аниқ ва атрофликча ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун таълим жараёнида ўқувчи ургатиладиган билим, қуникма ва малакалар доирасини олдиндан белгилаш жуда муҳимдир.

Таълим муассасаларида муайян вақт ичида ўқувчиларга ургатиладиган билим, қуникма ва малакаларнинг олдиндан белгиланган доираси, тартиби таълим мазмуни дейилади.

Таълим мазмунини аниқлаш ва уни белгилаш ижтимоий педагогик муаммо ҳисобланиб, уни ҳал этиш давлат органлари иштирок этади, давлат таълим стандартлари даражасида ҳал этилади. Бунда:

- Давлатнинг социал, ижтимоий, иқтисодий аҳоли, ишчи қучи, мутахасисларга булган талаб эҳтиёжлари;
- Жамият тараккиетининг истикболи, эртанги қуни;
- Фан, техника, маданият ва ишлаб чиқариш технологиялари;
- Жамият тараккиетининг маънавий, маърифий йуналишлари;
- Ўқувчи ешлар аклий, жисмоний ва маънавий ривожланиши даражалари.

Юқоридаги социал - педагогик омиллардан келиб чиқиб таълим мазмуни белгиланади ва амалга оширилади.

Таълим мазмуни таркибий қисмлари ва йуналишлари. Ҳозирги замон педагогикаси таълим мазмунини қуйдаги таркибий қисмлардан иборат деб таърифлайди:

- а) Назарий билимлар (қоидалар, таърифлар, қонуниятлар);
- б) Амалий қуникма ва малакалар тизими;
- в) Ижодий фаолият ва малакалар;
- г) Мулоқат қуникма ва малакалари.

Муаммонинг ечими:

Таълимнинг таркибий қисмлари асосида ҳар бир ўқув предмети буйича ўқувчиларга берилладиган билим, қуникма ва малакалар тизими ишлаб чиқилади.



Республикамиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим мазмуни уч йуналишдан иборат булиб, узига хос вазифаларни хал этишга каратилган булади.

Биринчи йуналиш - умумий таълим - ўқувчиларга табиат, жамият ва таффакур тараккиети конуниятлари хакида билимлар беришга каратилган булади.

Иккинчи йуналиш. Таълимнинг меҳнат ва политехник йуналиши. Ўқувчиларга хозирги замон ишлаб чиқариш технологиялари тўғрисида тушинчалар тизимини бериш политехник йуналишни махсади хисобланади. (Энергетика, кишлок хужалиги, химия саноати, металлургия, ишчи кучларни жойлаштириш, халк хужалигини конпьютерлаштириш ва бошқалар). Ўқувчи ешларга оддий иш куруллари билан муомила кила билиш куникма ва малакаларини бериш орқали ишлаб чиқариш меҳнатида иштирок этишлари учун имкон беради.

Учинчи йуналиш. Касб таълими. Халк хужалигининг маълум соҳасида керак буладиган билим, куникма ва малакалар тизими билан куруллантиришга каратилган таълим касб таълими дейилади. Касб-хунар лицейлари, коллежлар, институт ва унверситетлар таълим талаба ешларга касб таълими беришга йуналтирилгандир.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, умумий таълим политехник ва касб таълимининг пойдевори булиб, ҳар қандай касб - хунарни эгаллаш учун ҳеч булмаганда таянч 9 йиллик урта таълимнинг асосларини билиши шарт.

Эсда тутинг:

Таълим мазмунини ифодаловчи хужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги Конуни, Кадрлар таерлаш миллий дастурида давлат таълим стандартлари деган тушунча асосланади ва бугунги кунда таълим жараёнида кенг куллана бошланди. Таълим муассасаларида ўқувчилар томонидан эгаллаб олиниши зарур булган билим, куникма ва малакалар ҳажмини, ҳарактерини давлат органлари томонидан белгиланган меъерлари давлат таълим стандартлари ддейилади. Давлат таълим стандартларида ҳар бир ўқув муассасида, ҳар бир босқичида урганиладиган ўқув предметлари махсади, вазифалари ҳамда уларни хал этиш йуналишлари курсатилган булади. Унинг хужжатлари сифатида:

Ўқув режаси. Таълим муассасаларида урганиладиган ўқув предметларининг номлари урганиш тартиби ажратилган соатлар микдори, ўқув йили, жоракларининг бошланиш ва тугаши таътиллар микдори белгилаб берилади. Хозирги ўқув режалари:

а) Ўқитилиш мажбурий ўқув предметлар;

б) Мактаб ихтиеридаги ўқув предметлар яъни ўқувчилар кизиқиш ва интилишларига караб амалга ошириладиган предметлар руйхати берилади.

Шу билан таълим муассасалари мақсади ва вазифаларидан келиб чикиб бир канча қуринишда, вариантда ўқув режаларидан фойдаланиш қузда тутилган. Бу ўқув режалари ўқув предметларини урганишга ажратилган соатлари билан биридан фарк қилади.

Ўқув дастури. Мактаб ва ўқув юртларида урганиш учун белгиланган ўқув предметларининг ўқитиш тартиби, машгулотлар турлари, материаллари таркиби, ажратилган соатлар миқдорини аниқлаб берувчи давлат ҳужжатлари, ўқув дастури дейилади. Ҳар бир ўқув предмети бўйича режада курсатилган ҳафталик, йиллик соатлар доирасида мавзуларни урганиш тартиби, машгулотлар турлари ва уларни ташкил этиш бўйича услубий курсатмалар берилади. Ўқитувчи дастур асосида ишлаб чиқариш режасини тузади.

Дарслик ва қулланмаларда ҳар бир мавзу бўйича ўқувчилар учун материаллар тизими берилади. Улар ўқувчилар учун тушунарли, содда тилда баён этилиши лозим. Дарслик материаллари қучли, уртача ва паст даражада узлаштирувчилар учун турли даражаларда бериш мақсадида, ҳеч бўлмаганда уч хил вариантда бўлиши мумкин. Демак, дастур ва дидактика талабларига тула жавоб берадиган ўқув материаллари мажмуи дарслик дейилади. Мактаб ва ўқув юртларида қулланма, хрестоматия, дидактик материаллардан фойдаланилади.

Ўқув режаси, дастур ва дарслик давлат таълим стандартини ифодаловчи ҳужжатлар бўлиб, ўқув комплексини ташкил қилади. Улар уз аро боғланган, муштарақ ҳолда узгаради.

Дидактика фан ва ўқув предмети тушунчалалари бор. Фан ижтимоий онг шакилларида бири бўлиб, муайян объектни ургатиб, яъни қонуният, тамойил, қоидалар асосида тушунчаларни яратади. Ўқув предмети эса, фан далиллари асосида урганиш мақсадида тузилган маълумотлар тизими. Одатда, ўқув предметига фақат назарий ва амалий жиҳатдан ишботланган, амалда синаб қурилган маълумотларгина қиритилади. Бу ерда гипотеза, тахминлар бўлиши мумкин эмас. Демак, таълим муассасаларида фан эмас, балки ўқув предмети ўқитилади. Шунинг учун математика, физика, тил, тарих, предметлари фан далиллари асосида тузилса, одобнома, меҳнат талими, тасвирий санъат предметлари тажриба асосида шакилланган бўлади. Ҳозирги замон таълими мазмунини такомиллаштириш йуллари. Ҳозирги замон таълими мазмуни мураккаб социал ижтимоий организм ҳисобланади. Уни бир томондан жамият талаб ва эҳтиезжлари, истикболи, фан, техника, маданият ва ишлаб чиқариш технологияси янгиликлар билан доим боғланиш боришини таъминлаш, иккинчи томондан бу информацияларни ўқувчилар томонидан эгаллаб олинишини қузда тутиш лозим.

Муаммонинг ҳулосаси:

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар таерлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йуналишларидан бири сифатида Таълим жараёни мазмунини ислох қилиш қуйилган.

Бунинг учун:

- таълим мазмунини миллий тикланиш, мустикаллик ютуклари, халкимизнинг миллий, маънавий ва интеллектуал салохияти ва умумбашарий кадриятларига таянган, инсонпарварликка йуналтирилган тамойиллар асосида ислох қилиш;

- таълим олувчиларнинг шахсига, унда таълим ва билимга булган иштиёқини кучайтиришга, мустикал иш тутишни, ифтихор ва инсоний кадр - киммат туйғусини шакиллантиришга эътибор бериш;

- дуне салохиетига эга булган мамлакатлар методист олимлари, ўқитувчилар билан ҳамкорликда янги ўқув дастурлари, дарсликлар тузиш, янги педагогик технологияларни куллаш соҳасида "тажриба майдонлари" ташкил этиш;

- давлат таълим стандартлари асосида мактаб ва ўқув юртлари учун янги дастурлар, дарсликлар ишлаб чиқиш ва уларни тажрибадан утқишиш.

#### Таянч иборадар:

Давлат таълим стандарти, таълим мазмуни, таълим йуналишлари, ўқув режаси, ўқув дастури, дарслик ва кулланмалар, фан ва ўқув предмети.

#### Савол ва топшириклар:

1. Давлат таълим стандарти нима?
2. Таълим мазмуни қанлай элемент ва йуналишлардан таркиб топади?
3. Таълим мазмунини ифодаловчи ҳужжатлар қайсилар?
4. Фан ва ўқув предмети тушунчаларини қандай изоҳлайсиз?
5. Давлат таълим стандартлардан уз предметингизга таълуқли булимларини урганинг.

#### Адабиетлар:

1. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тугрисидаги Қонуни" Т. 1997 йил
2. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" 1997 й
3. Давлат таълим стандартлари. (Тугкиз йиллик умум таълим мактаблари учун). Т. 2000 йил.
4. В.С.Леднев. "Содержание образования" М. 1989 год.
5. И.Ф.Харламов. "Педагогика" .... 127-148 бетлар.
6. Х.Абдуллаев. "Педагогика" .... 67-75 бетлар.

## 16 Мавзу: Хозирги замон таълими усул ва воситалари.

### Р Е Ж А :

1. Педагогикада таълим усул ва воситалари муаммолари.
2. Таълим усуллари тафсифи.
3. Таълим воситалари тафсифи.
4. Таълим усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш меъерлари.

Муаммоли савол:

1. Таълим усуллари нималардан иборат?
2. Таълим воситалари-чи?

Таълим усул ва воситалари моҳияти, уни тасниф қилиш педагогика назарияси ва амалиети учун муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки, таълим усул ва воситалари қанчалик мукамал, қуллашга қулай бўлса унинг натижалари шунчалик самарали бўлади. Шунинг учун педагоглар асарларида қулай ва самарали натижалар берадиган таълим усуллари ишлаб чиқиш ва танлаш масалаларига алоҳида эътибор берганлар.

Хозирги замон педагогикаси таълим усуллари деганда, педагогик жараёнда билим, қуникма ва малалқаларни ўқувчилар томонидан эгаллаб олишни таъминловчи йуллар мажмуи назарда тутилади. Таълим воситалари эса, билим, қуникма ва малақаларни эгаллаш ва амалдақуллаш таъминловчи ешлар, предметлар, омиллар мажмуи. (Дарслик курсатмалик қуроллар, техника қуроллари, ўқитувчининг жонли нутқи ва хоқазолар).

Одатда, таълим усуллари, муайян предметнинг асоси бўлган фаннинг тадқиқот усуллари, мантиқидан қелиб қикади ва амалга оширилади. Масалан: физика, химия, биология предметларида қўпроқ лаборатория усулларида фойдаланишнинг боиси ана шу фанлар лаборатория шароитида яратилади.

Таълим усуллари таснифи.

Педагогика назариясида таълим усуллари гуруҳларга ажратиш концепциялар мавжуд. Муаллифлар таълим усуллари:

- а) Ўқувчининг ўқув билиш фаолиятига;
- б) Таълим жараёнида ўқитувчи фаолияти ҳарактерига;
- в) Билиш фаолияти объекти ва воситалари ҳарактерига қараб ажратганлар.

Хозирги замон педагогика назариясида таълим усуллари бир қанча гуруҳларга бўлиб урганилади.

Биринчи гуруҳ таълим усуллари. Билимларни ўқитувчи томонидан оғзаки баён этиш усуллари. Бу усуллар марказида ўқитувчининг жонли нутқи туради. Нутқнинг мантиқи, изчиллиги ва равонлиги бу усулларнинг самарали натижалар беришини қафолатлайди. Билимларни оғзаки баён этишнинг қуйидаги қуриниши мавжуд.

Ўқитувчининг тушунтириш. Ўқув материални баен этишда таянч тушунча, ибора, қонуниятларини изохлаш, уз фикр мулохазаларини, далилларини, нарсасоҳобисаларни тахлил этиш, таккослаш йули билан хулосага олиб келиши тушунтириш усули дейилади.

Ўқитувчининг хикояси. Ўқув материални бадийи воситалардан фойдаланиб изохлаш химоя усули дейилади. Таълимнинг бу усули езувчилар, олимлар, шоирлар хаети, тарихий воқеалар, табиий географик, шарт-шароитлар, физика, химия, математика соҳасидаги кашфиётларни ургатишда кенг кулланилади. Сухбат усули таълимнинг савол жавоб шакли сухбат усули дейилади. Таълимнинг сухбат усули диалог усули ҳам деб юритилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, саволга жавоб бериш йули билан ўқувчига ўқув материалнинг мазмуни етказилади, урганилаётган воқеасоҳобисани ўқувчи томонидан фикрлашга, тахлил этишга, таккослашга ундайди ва мустикал назарий хулосалар килишга хизмат килади.

Одатда, сухбат усули ўқув материал ўқувчиларга таниш мавзуларни урганишда куйиладиган саволлар ўқувчиларни фикрлашга мажбур этадиган, жавобларни эса уйлаб, асослаб беришларига, мавзуни назарий ва амалий мисоллар билан тушунтиришга, ўқитувчининг хулосалар килишда асослангандагина кутилган натижаларни бериш мумкин.

Таълимнинг маъруза усули. Хажми катта, умумлаштириш хусусиятларига эга булган материалларни ўқувчиларга етказишда маъруза усулида фойдаланилади. Маъруза кўпгина умумлашмалар, хулосалар, муаммолар атрофида монологик нутк усулида баен этишдир. Бунда куйигиларга эътибор бериш лозим:

- а) Маърузада ўқитувчи ўқувчиларга савол билан мувожаз этавермайди.
- б) Маъруза машгулотнинг барча вақтимда банд этади.
- в) Материални илмий ва мантикий изчилликда баен этилади.
- г) Ўқувчилар асосий маълумотларни кайд этиб беришлари лозим. Демак, билимларни ўқитувчи томонидан оғзаки баен этиш усуллари ранг-баранг булиб, қайси синфда, қандай материални урганиш харақтерига караб танлаб олинаверади.

Иккинчи гуруҳ таълим усуллари. Таълимнинг амалий усуллари. Билим, куника ва малакаларни эгаллаб олиш учун ўқувчилар бевосита иштирок этишлари талаб этилади. Ўқув предметларининг узига хос хусусиятларидан келиб чиқиб амалий усулардан фойдаланилади. Булар куйидаги куринишда булиши мумкин:

- а) Машгулотларда бажариладиган барча езма, оғзаки ва амалий ишлар;
- б) Лаборатория ва тажриба участкаларида бажариладиган ишлар;
- в) Ўқув устахонаси бажариладиган амалий ишлар;
- г) Ўқувчиларнинг ижодий харақтердаги ишлари, конструкторлар, ижодкорлик;

д) Машгулотларда фойдаланиладиган дидактик уйинлар (кувнок, стартлар, бошкотирмалар, топишмоқлар, билимдонлар ва чакконлар мусобакаси вахоказолар).

Таълимнинг амалий усулларида фойдаланилганда техника хавфсизлиги, узини эхтиёт килиш коидаларига доим риоя этишга эътибор бериш лозим.

Учинчи гуруҳ таълим усулари. Таълимнинг курсатмалари усуллари нарса ва ходисаларни бевосита идрок килишга асосланади. Курсатмали усулларга куйидагилар киради:

а) Кузатиш усули

б) Демонстрация (тажрибаларда намойиш килиш усули).

в) Иллюстрация (ўқув материаллари мазмунини расм схема, деограммалар оркали намойиш килиш).

г) Экскурсия усули ва бошқалар.

Машгулотларда курсатмалилик ва ўқитувчи нутки оркали тушунтириш муаммоларини тугри хал килиш лозим. Академик Л.В.Заньков таджикотларида суз ва курсатмалик алокасининг бир канча вариантларини ишлаб чиккан.

Демак, таълим усуллари ранг-баранг булиб, улардан тугри фойдаланиш лозим.

Таълим воситалари. Таълим жараёнида хилма-хил таълим воситаларидан фойдаланилади. Уларни фойдаланиш мақсади нуткаи назаридан бир канча гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Курсатмалик куроллар

2. Таълим ашелари (дафтар, ручка, парта, доска, бур ва хоказо).

3. Таълимнинг техник воситалари (аудио, видео универсал хам овозли хам тасвирли).

4. Ўқув кабинетлари.

Таълим усул ва воситаларини танлаш меъерлари.

Ўқитувчи таълимнинг усул ва воситалари арсеналидан уз фаолиятида самара берадиганларидан фойдаланилади, албатта. Бунинг учун у таълим жараёнининг кўп киррали ва ўқитаётган предметининг узига хос томонларини хисобга олиши лозим. Шу билан бирга усул ва воситаларни самарали танлаш ва фойдаланишнинг услубий шарт-шароитлари, меъерларига амал килган холда фаолият курсатади.

1. Ҳар бир дарсда кулланиладиган таълим усули ва воситаси уша предметнинг асоси фаннинг таджикоти усулларида келиб танланади.

2. Машгулотларда усул ва воситалар мажмуидан фойдаланилади.

3. Ўқувчиларнинг еш ва билиш имкониятларини мос тушадиган усул ва воситаларидан фойдаланилади.

4. Ўқитувчининг педагогик махорати, тажрибалик даражасига боғлиқ.

### Таянч иборалар:

Таълим усули, таълим воситаси, диологик ва монологик таълим, таълим меъерлари.

### Савол ва топшириқлар:

1. Таълим усуллари қандай изоҳлайсиз?
2. Таълим воситалари қандай изоҳлайсиз?
3. Таълим усуллари гуруҳларга ажратишда нималарга риоя этилади?
4. Таълим усуллари бир-бири билан таккосланг.
5. Уз предметингиз бўйича фойдаланиладиган самарли таълим усуллари аниқланг?

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" 1997.
2. Ю.К.Бабанский "Педагогика"... 22 боб.
3. И.Ф.Харламов "Педагогика"... 10 боб.
4. Ю.К.Бабанский "Хозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари" Т. 1989 йил.

## 17 Мавзу: Таълим жараёнининг ташкилий шакллари.

### РЕЖА :

1. Таълимнинг ташкилий шакллари тугрисида тушунча. Синф - дарс системаси.
2. Дарс типлари ва унинг тузилиши.
3. Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши.
4. Таянч сигналлар.

Муаммоли савол:

1. Замонавий дарс қандай талабларга жавоб бериши керак?
2. Замонавий педагогик технологияларга сизнинг муносабатингиз?

Муаммоли вазият:

Ўқитишнинг ташкилий шакллари ижтимоий тарраккиётининг бориши бирга узгаради. Улар таълим ва тарбиянинг умумий шарт шароити билан белгиланади, ўқитиш мазмуни ва усуллари билан узбий боғланган. Қадимги дунеда ва урта асрларда ўқитиш индивидуал булган. Буюк Чех педагоги Ян Амос Коменский ўқитишнинг синф-дарс системасини назарий жихатдан асослаб берди. Прогрессив рус педагоги К.Д.Ушинский бу системани ривожланиши учун кўп ишлар килди. Синф-дарс системаси уч юз йилдан кўпроқ вақтдан бери давом этиб келмокда. Я.А.Коменский ўқитишни йиллар буйича чегараланишини, ҳар бир йил учун алоҳида программа беришни, ўқувчиларни ешига караб синфларга булишни, кун давомида ўқитишни соат буйича олиб боришни таклиф килган эди. Ҳар бир дарс, Коменскийнинг фикрича, машгулотни ташкил этиш ва уларни мазмуни жихатдан яхлит нарса булиши керак.

Жамиятни ривожланиши кўпроқ савотли кишиларни талаб килди, натижада ўқитишни синф-дарс системаси вужудга келди. Ўқитувчи синф деб аталадиган ўқувчилар группаси билан машгулот утказганлиги учун у ўқитишнинг синф системаси деб аталган ўқув жараёни аниқ белгиланган вақт давомида утказилганлиги учун дарс системаси дейилади.

Коменский дарсининг сифати уқитувчининг махоратига боғлиқ деб такидлаган эди. Кейинги 20-30 йилда жараёнини умумий жадаллаштиришни кузлаган педагогик тадқиқот ва амалиёт сезиларли даражада тезлашди. Дидактик уйинлар, муаммоли таълим назарияси, оптималлаштириш ва программалаштириш, автоматлаштирилган таълим системаси кабиларнинг ривожланиши ва бошқа янгиликлар билан дарс компонентлари, уни функцияси, дарс самарадорлигини баҳолаш мезонлари узгармокда. Табиийки, дидактиканинг энг муҳим категорияси сифатида дарсининг назарияси ва илмийлигини янада чуқурроқ изланишга эҳтиёж тугилади.

Муаммоли савол:



Бугунги дарс қандай? Н.И.Верзилинанинг образли килиб таърифлашича дарс-бу куешдир, ушбу планета атрофида ўқув машгулотларининг бошқа формалари айланадилар.

Дарсинг асосий мақсади нима? Улар бир бутун таълим жараёни мақсадидан келиб чиқади:

- а) техникавий ва илмий билимлар, назарий ва амалий фаолият куникмаларни системасини шакиллантириш;
- б) ўқувчиларни мустақил билишларини тарбиялаш;
- в) ўқувчиларни ижодий лаекатларини ва диалектик фикрлашларини шакиллантириш;
- г) уларни илмий дуне карашларини, тугри баҳолай олишларини, ижтимоий муносабатни ва ўқувчиларнинг актив ҳаёт позицияларини шакиллантириш ва ҳокозолар.

Ҳозир мактабларимизда қулланилаётган синф дарс системаси асосан куйидаги ташкилий шакилларда олиб борилади:

1. Ҳар қайси синф еши ва билимига кура бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруппасига эга булади.
2. Дарс машгулоти 45 минутга мулжалланган булиб, жадвал асосида олиб борилади.
3. Дарс уқувчи ва ўқувчининг фаол фаолиятига асосланган булиб, ўқитувчининг раҳбарлигида коллектив ва индивидуал шакилларда олиб борилади.
4. Дарс утилаётган материал мазмунига караб турли усуллар билан олиб борилади.

Таълим ташкил этиш шакиллари асосан икки турда олиб борилади: 1 тур: Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машгулотлар.

2 тур: Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машгулотлар.

### Дарс типлари ва унинг тузилиши.

Бир соатга мулжалланган дастур материалларининг мазмунини баен килиш, дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишта ташкил килинган машгулот тури - дарс типи деб юритилади.

Бошқача килиб айтганда, билим, куникма ва малакалар билан куруллантиришда машгулотнинг асосий кисмини ташкил килган таълим шаклидир.

1980 йилларгача мактабларда энг кўп қулланиладиган дарсларни куйидаги типларга ажратишган:

1. Янги билимларни баен килиш дарси.
2. Утилган матерриалларни мустхкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, куникма ва малакалари текшириш дарси.
4. Такрорий умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс.

Дарс типининг тузилишига унинг кисмлари деб юритилади.

Дарс кисмининг биридан иккичисига утиши ва бу оркали дарснинг шакли ва услубларини узгари дарс этапи дейилади. Аралаш дарс типининг кисмлари:

- а) уй вазифаларини сураш, текшириб куриш;
- б) янги материалларни баён килиш;
- в) янги материалларни мустахкамлаш;
- г) уйга вазифа беришни уз ичига олади.

Кейинги 15 йил ичида ўқувчилар мустакил булишининг ривожланиш тажрибаси пайдо булиб, замонавий дидактика мазмунини ташкил килган таълим назариясида янги назариялар вужудга келди. М.И.Мухмутов, С.Г.Шапаваленко, В.Ф.Паламарчук, В.В.Гавидов, М.Н. Сикаткин, Ю.К.Бабанский каби олимлар педагогикада ўқитишнинг мантикий услубларини ишлаб чиқишди.

Дарснинг типларга ажратиш масалаларига жуда кўп татқиқотлар багишладилар. Улар хозирги пайтда дарсларни куйидаги типларга ажратадилар:

1. Кириш дарслари.
2. Янги материаллар билан дастлабки таништириш дарси.
3. Янги материалларни уздлаштириш дарси.
4. Эгалаган билимларни амалда куллаши.
5. Куникма тарбиялаш дарси.
6. Такрорлаш ва умумлаштириш дарси.
7. Назорат дарси.
8. Омухта дарслар.

Бу дарсларнинг учта типи материалларни узлаштириш, колганлари куникма ва малака хосил килиш ва мустахкамлаш билан боглик. Дарснинг асосий дидактик мақсадига кура уч гуруҳга булиш мумкин:

1. Янги материални урганиш дарси.
2. Ўқувчилар билимлари, куникмалари ва малакаларини такомиллаштириш дарси.
3. Ўқувчилар ишлари натижаларини, тушунчалар системаларини узлаштиришлик даражасини аниқлайдиган назорат дарслари.

Куриниб турибдики, дарс турлари жуда хилма хил, уларни утиш усуллари ниҳоятда мураккаб.

Бу мураккаб жараённи оқилдона бошқариш осон эмас ўқитувчи дарсга ҳар томонлама пухта таергарлик курмаса мақсадга эриша олмайди.

### **Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши.**

Ўқитувчи қайси дарс утишидан катий назар, куйидагича таергарлик курса, мақсадга мувофиқ булади:

1. Ўқув дастурини атрофлича тахлил килиб, шу мавзунини урганишдан кузланган махсад ва вазифани билиши, бу мавзудан олдинги ва бундан кейинги утиладиган мавзу хақида аниқ тасаввур хосил килиниши керак.

2. Мавзуни урганиш натижасида ўқувчилар қайси асосий тушунчаларни конунларни, назарияни билишлари нималарни хал кила олишлари кераклигини билиши керак.

3. Услужий адабиетларни урганиб дарсликдан мавзуни атрофлича утиш режасини тузиш.

4. Дастурда назарда тутилган предметлараро алокани уйлаб топиш маскур дарснинг вазифаларини ва мазмунини ривожлантириш.

5. Мавзуни утишда фойнанададиган техника воситалари созлигига курсатиладиган тажрибваларни аниқ килиб куриб, тугрилилигига ишонч хосил килгандан кейин дарсга мақсад куйилади.

6. Уқиш ўқитиш услубларининг оптималь бирикмасини танлайди.

7. Ўқувчиларнинг дарсларда умумсинф гуруҳий ва индивидуал ўқув ишларини уюштириш шакиллари роционал бирикмасини танлаб, мустикал фикрлашга кайта этибор беради:

а) дарс мавзуси;

б) дарс мақсади;

в) дарс структураси, аниқ нималар килиш белгиланади;

г) тажрибалар ва дарс учун кургазмали куролларни қайси пайитда курсатилиши белгиланади;

д) дарсни ҳар бир этапига вақт белгиланади;

е) дарсни утиш учун барча жихозлар езилади.

8. Ўқитишнинг танланган варианты самарадорлигини баҳолайди.

Биз бир соатлик дарсга ўқитувчини таергарлиги хакида гапирдик. Шундай дарслар борки, уларга алохида ва жиддий таергарлик куриш керак. Бундай дарслардан бири - муаммоли дарслардир.

Муаммонинг ечими:

Тажрибалар шуни курсатадики, ўқитувчи муаммоли дарсларга илмий асосланган холда таергарлик куриши лозим. Бунинг учун у узи утадиган дарсни ҳар томонлама чукур тахлили килиши керак.

1. Ўқув материалларини тушунчали тахлили. Бунда ўқитувчи таъриф, тушунча, конунларни мазмунига караб мақсад ва вазифаларни белгилайди. Янги материал хажмини белгилайди, утган материал билан алокасини тиклайди, ҳамда дидактик мақсад куяди. Ўқувчилар узлаштириши зарур булган материалларни асосий ва иккинчи даражалилигига ажратади. Янги тушунчаларни мохияти, ечиш йулларини белгилаб, билимлар кетма-кетлигини тузади. Дарста хулосалар, таърифлар, шеърлар, тез айтишлар, конун ва шу кабиларни тавсифлаш вариантларини таерлайди. Бу тахлилида ўқувчилар нимани билиши, нимани такрорлаши ва нимани урганиши керак деган саволларга жавоб топади.

2. Мантикий тахлил. Ўқитувчи янги билимларини баен килишда тушунчалар, мулохазалар, хулосалардан фойдаланади. Хамда ўқувчиларни мустакил фикрлаш билан куроллантиради. Ўқитувчи куйидаги коидага риоя килиши керак.

- дастлаб бошклар билан боғланмаган материал баен килинади;

- Бошкларини билмастан туриб, узлаштириб булмайдиган материал кейин баен килинади.

Фараз килиш пайтида вужудга келадиган гипотезани уртага ташлаб, топкирлик муаммосини хал килади.

3. Психологик тахлил. Бу маълум даражада мантикий тахлилининг аниқлаштиради. Ўқувчиларни мустакил фикрлатиш даражасини рухий белгилаш учун зарур. Дарсни режалаштиришда куйидагиларни хисобга олиш даркор:

- муаммоли вазият йуллари;

- муаммоли вазият типларини ўқувчилар томонидан мустакил ечилиши ва таълимни индивидуаллаштириш учун ўқувчи томонидан асосий ва қушимча муаммоларни куйилиши;

- материялдаги якинликни кучайтириш воситаси, мавзуга кизикиш уйғотиш, ўқувчилар фикрини, кайфиятини узгартириш учун таъсир этиш йуллари.

Бу тахлилда машгулотларга, муаян синф, аниқ ўқувчи билан ўқитувчини таергарлик даражаси курилади.

4. Ўқув материаллининг тарбиявий ахамиятини тахлили. Бунда ўқувчи:

а) ўқувчиларни илмий дуне карашини шакиллантириш эстетик, гоъвий, сиесий, ватанпарварлик, ота-боболаримиз кадириятлари, ахлоқ одоб нормалари, меҳнат тарбиясига мос келадиган тушинча ва тасаввурларни ажратади;

б) ўқув материалларини ўқитувчи ва ўқувчи хулосаларини мустакил Республика хаетидаги воқеалар ва тарихи фактларини, хамда буюк алломалар хаетидаги фактлар билан тулдиради, яъни муаммоли таълисм жараёни тушинчаларини илмий йул билан шакиллантиришни таминлайди.

5. Материалларни дидактик тахлил килиш. Юкоридаги тахлил натижаларини хулосалаб пелагогик нуктаи назардан дидактик мақсадни аниқлайди.

Ўқувчилар қайси тушунчаларни узлаштириш ва қандай ҳаракат усулларини шакиллантириш кераклигини белгилайди. Ўқитувчи ва ўқувчини дарс жараёндаги дидактик масалани хал килишдаги фаолияти аниқланади. Материални хажми белгиланади, зарур булганда дарслик тулдирилади. Мантикий уз аро боғланувчи кисмларга ажратилади ва уларни урганиш вақти белгиланади.

Дарс структурасини белгилаб, муаммоларни хал килиш усулларини танлайди. Илгари олинган билимларни такрорлаш ва янги билимларни узлаштириш учун мустакил ишлаб системасини танлайди. Фан тарихидан янги тушинчаларни ўқувчи узлаштириб олишини текширади.

Ўқувчилар қандай факт ва ракамларни мустакил топа олишларини ва улардан дарс жараёнида фойдаланишни аниқлайди.

Дидактик материаллар ва таълимнинг техник воситаларини таерлайди. Билимларни баҳолаш индивидуаллаштариш учун ўқувчилар руйхатини тузади.

Предметлараро алокаларнинг ҳаёт билан алоканинг услубий йул ва усулларини, муаммоли вазият яратиш усулларини, шу жумладан ердамчи саволлар карточкаси, кургазмали куроллар ёки мустакил ишларни белгилайди. Узлаштирилган билимларни кулланилиши, куникма ва малакаларни шакиллантириш ҳамда ўқувчилар билимини баҳолаш учун топширик ва машк танлайди. Уз вазифаси учун материал таерлайди ва унинг ҳарактерини белгилайди.

Муаммони хулоса:

Юкорида санаб утилган фикрларни ўқитувчи аниқ материалларда тез ва осон камраб олиши, материални билишига, касб махоратига богликдир. Демак, ўқитувчи ҳар бир дарсга, айникса, муаммоли дарсга жуда катта таергарлик куради.

Ўқитувчининг мана шундай таергарлигини кадирлай билиш керак. Афсуски, кўп вақт унинг ишига етарли эътибор берилмай, дарс тахлил килиш баҳонасида унинг асабига тегилади, айрим нотугри, эскирган фикрга асосланиб дарсдан фақат камчилик исталади.

Дарс тахлилига етарли эътибор берилмаслиги натижасида уқувчининг ишдан кунгли совийди. Хозирги кунда мактабга юкори ташкилотдан келган уртоклар фақат камчилик топувчи шахсга айланмокда. Давр ўқитувчига услубий ердам бериш, унинг меҳнати кадрига етиш, тоифасини тугри белгилаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни илмий ташкиллашни талаб килмокда. Бунда асосий курсаткичлардан биттаси дарсдир. Хозиргача дарс тахлил буйича жуда кўп услубий адабиетлар булсада, хали дарс тахлил килишнинг замонавий илмий услубий тартиби ишлаб чикилмаган.

Таянч сигналлар. Украинанинг Донецк шахридан ўқитувчи А.Ф.Шаталов кўп йилдан бери физика, математика ўқитишда таянч сигналларидан фойдаланиб келмокда. Таянч сигнал дейилганда бирор бир ахборот маъноси ифода килувчи белги тушунилади. Бундай белги суз, атама, ибора, схема, ракам ва бошка шаклда ифодаланади.

Таянч конспект - бир дарсга мулжалланган ўқув материални узаро боглик холда таянч сигналлар ердамида ифода килинишидир. Таянч жадвал одатта таянч конспекти катта когозга рангли килиб ишлаганидир. Бундай жадвал дарс давомида доскага илиб куйилади.

Таянч сигналлардан тасвир шунда, блок системасида, афтоном тушунарли, рангли ифодаланади. Нима учун (аниқ фанларни ўқитишда) биология, физика, математика каби дарслардан таянч сигналларга катта ахамият берилмокда, деган савол тугилади. Чунки таянч сигналлар:

1. ўқитувчи мавзу мазмунини тушинтираетганда курсатмали курол вазифасини утайди;
2. ўқувчи дарсга таергарлигини, мавзуни узлаштиришни соддалаштиради, тезлаштиради,

3. дарсда урганилаётган ўқув материали хажмини оширишга инком беради.

Таянч конспект тузиш аввало ўқув программасини маълум текст мазмуни урганилиши, унинг асосий атамалари, сабаб, оқибат боғлиқлиги олимларнинг оти, уларнинг фанга қушган хиссаси ёки кашфиети аниқланади. Шу билан биргаликда дарслик тексти ва кургазмаларни ҳам яхши ббилиш керак. Сунг урганилмоқечи ўқув материални маъноси мантик жихатдан тугалланган булимларга ажратилади. Ҳар булим блокнинг асосий атамалари аниқлаб чиқилади. Сигнал конспекти тўлиқ тузиб чиқилади ва дарс жараёнида ундан фойдаланилади.

Таянч иборалар:

1. Синф - дарс системаси.
2. Дарс тарифи.
3. Дарс типлари.
4. Дарснинг мақсади.
5. Таълимнинг асосий ташкилий шакллари.
6. Дарснинг ташкилий шакллари.
7. Таянч иборалар.

Савол ва топшириқлар:

1. Таълимнинг синф-дарс системасидан бошқа системалар.
2. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг ташкилий шакллари.
3. Дарс тузилиши, режаси ва матни.
4. Дарс тахлили.

Адабиетлар:

1. А.К.Мунавваров. "Педагогика" Т. "Ўқитувчи" 1996 йил.
2. И.Ҳарламов. "Педагогика" М. 1990 г.
3. И.Й.Турсунов, У.Н.Нишиналиев "Педагогика курси" Т. "Ўқитувчи" 1997 йил.
4. Х.А. Абдуллаев. "Педагогика" ФарДУ 1995 йил.

18 Мавзу: Таълим жараёнида ўқувчилар билиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш усул ва воситалари. Янги педагогик технологиялар.

#### Р Е Ж А :

1. Ўзбекистонда таълим самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришда педагогик технологияни ахамияти.
2. Ўқув жараёнини технологиялаштиришда дидактик масалаларни белгилash қонуниятлари.
3. Дидактик жараён педагогик технология асоси сифатида.
4. Хулоса.

Муаммоли савол:

1. Ўзбек миллий моделини яратилиш давр талаби эканини изоҳланг?

Бугунги таълим тизимида Давлат дастури - миллий дастур асосида такомилланмоқда. Таълим соҳасида бир қатор долзарб муаммолар ҳал этилмоқда:

Муаммоли вазият:

1. Илмий техника таракқиети таълим мазмунини такомиллаштиришни талаб этмоқда;
2. Маънавий-маърифий янгиланиш таълим соҳасига таъсир қурсатмоқда;
3. Ўқув режалари, дастурлари, дарсликлари такомиллаштирилмоқда;
4. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ешлар ҳаётига кўпроқ таъсир этмоқда;
5. Таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий усул ва воситаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда;
6. Табақали ва муаммоли таълим, индивидуал ва сара таълимга ҳам эътибор қучаймоқда ва хоказо.

Ўзбекистонда таълим самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришда педагогик технологияларнинг ахамияти. Педагогика фанида таълим жараёнининг икки томонлама хусусиятга (ҳарактерига) эга эканлиги ўқувчи томонидан бажариладиган ўқув фаолияти ва ўқитувчининг ургатувчанлик фаолияти йиғиндиси дидактик (таълим) жараёни эканлиги асослаб берилган.

Президентимиз И.А.Каримов "Таълим Ўзбекистон халқ маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Усиб келатган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоян булади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, қатта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади ва еш авлод утади" - деб, таълим тушунчасини миллий нуқтаи назардан таърифлайди.

Юртбошимиз томонидан таълимнинг янги моделига асос солинди ва унинг келажак истикболари илмий асослаб беради. Таълимнинг янги моделини амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технология билан боғлиқдир. Жумладан ҳозирги кунда барча соҳаларда янги технологияларни жорий этилишини ҳаётнинг

узи, илмий-техникавий тараккиет талаб этмоқда. Шунинг учун "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида" "Ўқув - тарбиявий жараёни илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш" унинг 2 ва 3 босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Табиий савол тугилади. Нима учун бугунгикунда педагогик технологиянинг назорат асосини яратиш ва амалиётга тадбик этиш зарурати тугилди?

Бу омил мамлакатимизнинг ижтимоий сиесатини белгилаб берганлиги туфйли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан моделни амалга ошириш билан жамиятимиз хаетида руй бериш кутилаётган "Портлаш эффекти" ижобий натижалар руй рост курсатиб берилди:

- ижтимоий-сиесий иклимга ижобий таъсир килади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд мухит бутунлай узгаради;

- инсоннинг хаetidан уз урнини топиш жараёни тезлашади;

- жамиятда мустакил фикрловчи эркин Шахсинг шаклланишига олиб келади;

- жамиятимизнинг потенциал кучларини руетба чикаришда жуда катта ахамият касб этади;

- фукаролик жамияти куришни таъминлайди, модел воситасида дунеда муносиб урин олишга, узбек номини янада ейиб тараннум этишга эришилади (2).

Муаммони ечими:

Президентимиз томонидан курсатиб берган "Портлаш эффекти" сари шижоат билан кадам ташлаш, у йулда учрайдиган кийнчиликларни босқичма-босқич ва изчил хал этиш масалари нафакат педагогик назариети ва амалиётларини жунбушга келтиради, балки, жамиятимизни тулкин педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чикаради. Демак, жамиятимизнинг хар бир фукаросини тарбияшунослик асослери билан таништириш, еш авлодни баркамол инсон килиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик "курол" ва воситалар билан таъминлаш давр такозосидир.

Педагогик технологи (ПТ)-шундай билимлар сохасики, улар ердамида XXI асрда давлатимизда таълим сохасида туб бурилишлар юз беради, ўкитувчи фаолияти янгиланади, талаба- ешларда хурфикрлилик, билимга чанкоклик, Ватанга меҳр-мухаббат, инсонпарварлик туйгулари тизимли равишта шакилланади. Маълумотлилик асосида етувчи бош гоя хам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган, афторетар ва сохта таффакурлаш усулидан вос кечган сабр бардошли, каноатли, узгалар фикрини хурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний кадриятлар каби шахс сифатларини шакллантиришни кузда тутган инсонпарварлик хисобланади. Бу масаланинг ечими қайси даражада таълимни технологиялаштириш билан боглик. "Технология" тушунчаси техникавий тарккиет билан боглик холда фанга 1872 йилда кириб келди ваюнонча икки суздан-"технос" (technt)-санъат-хунар ва "логос"(logos)-



фан, таълимот сузларидан ташкил топиб "хунар фани" маъносини англатади. Бирок бу ифода замонавий технологик жараёнини тўлиқ тавсифлаб бера олмайди. Технологик жараён ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган холда амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кузда тутати. Янада аниқроқ айтадиган булсак, технологик жараён бу меҳнат куруллари билан меҳнат объектларига босқичма босқич таъсир этиш натижасида махсулот яратиш борасидаги ишчининг фаолиятидир. Яни бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия)арга муайян шароитда таъсир курсатиш ва бу фаолият махсули сифатида улардан олдин белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Хозирги кундаги педагогик нашрларда (техноогия) атамасини хилма-хил талкин этилиши ҳолатини кузатишимиз мумкин: "ўқитиш технологияси", "маълумот технологияси", "ўқув жараёни технологиси", "тарбия технологияси" ва ҳоказо. Ўқитиш технологияси ПТ га яқин тушунча булсада айнан ухшаш маънони англатади, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материалларини узлаштириш йулини муайян технология атрофида ифода этади. У кўпроқ хусусий методика билан бир жинслидир.

ПТ эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва "ўқитувчи-педагогика жараён-ўқитувчи (талаба)". Функционал тизим қонуниятларга тегишли билимлар асосида курилади.

Баъзан, методикани технологиядан ажрата олмайдиган, улар бир нарса деб эътироф этадиган амалиётчи ўқитувчилар учраб туради. Методика-ўқув жараёнини ташкил этиш ва утказиш буйича тавсиялар мажмуасидан иборат десак, ПТ- ўқитувчининг касбий фаолиятини яқунловчи ва таълимда яқуний натижани қафолатлайдиган муолажа йигиндисидир. Маълум вақт давомида ПТ ўқув жараёнини техник воситалари ердамида амалга ошириш деб қараб келинган эди. 70 йиллардан бошлаб эса педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти анча кенг талкин этила бошланади. Япония олими Т. Саквмоги томонидан "ўқитиш технологияси- бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йул-йуриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси" деб изоҳланади. Рус олими Н.Ф. Гализина технологияси "Белгиланган ўқув мақсадга эришишнинг оқилона усулларини аниқлашдан иборат" деб тушунтирди. И.Я. Лернернинг фикрича ПТ- ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинмайдиган ва аниқланадиган мақсадни ифодалашни тақозо этади". Куришиб турибдики, ПТ- белгиланган бошланғич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойихалаш сифатида талкин этилган. Бу бир жихатдан тугри булса, чуқурроқ таҳлил этилса, бир екламалик аниқланади ёки бундай ендашувда ўқувчи шахси эътибордан четда қолмоқда. Бу ҳолатни ёки қамчилиқни академик В.П. Беспалко аниқлади ва "ПТ- бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ булмаган холда педагогик мувоффақиятни қафолатлай оладиган уқвчи шахсни шакллантириш жараёнининг лойихасидир"- деб таърифлади. Бу таъриф асосида қуйидаги илмий тамойилларни курсатиш мумкин:

- ПТ ўқувчи (талаба) ларда маълум ижтимоий таъриба элементларини шакллантириш учун ойихаланади;
- лойихаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўқитувчисидан катта махорат талаб этмайди;
- якуний натижа, албатта кафолатланади.

ПТ мохиятини аниқлашга каратилган таърифларнинг хилма-хиллиги ривожланган мамлакатларда бу масалани у ёки бу даражада хал этилганлигини курсатса, иккинчи томонидан ПТ ни амалиетга жорий этишга булган уринишлар натижасини ифодаланг.

ПТ тугрисидаги тушунчаларни ривожлантириш тарихи нуқтаи назаридан каралган, ПТ назарияси ва амалиетни бир-бирига боглик булмаган холда талкин этилганлигини курамыз. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиришга каратилган у ёки бу илгор методикалар технология даражасига кутарила олмай аста сёкинлик билан уз мавкеини йукотиб педагогик назариясидан узоклашиб борган. Масалан: 60 йилларда катнашувга сабаб булган "Дастурли таълим" ёки 70-80 йиллардаги "Шаталовчилик ҳаракати" кабилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик соҳа мутахассисларининг илмий салоҳияти ПТ мохиятини очиб беришга етади. ПТ ни педагогик фанининг алоҳида тармоги сифатида ёки факат таълим амалиетини макбуллаштиришга йуналтирилган таълим йуналиши деб караш ҳам маъкул эмас. ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни аск эттиради.

ПТ га "Янги" сузнинг кушиб кулланилиши бу таълим тарбия жараёнини лойихалашга эскича ешдашиш мумкин эмаслигини курсатади. Демак, савол тугилади "янги ПТ" нимани англатади? шахсни шакиллантириш мақсадида аниқ, белгилаб олади ва шунга мос холда маълум педагогик тизим (мактаб, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд булади. Бу тизмга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма уз таъсирини утказати ва таълим тарбия мақсадини умумий холда белгилаб беради. "Мақсад" эса уз навбатида педагогик тизимнинг колган элементларини англаш заруриятини келтириб чикаради.

Кадрлар таерлашнинг миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йуналишга буради, яъни "Утмишдан колган мавкуравий карашлар ва саркитлардан тула халос булган, ривожланган демократик давлат даражасида юксак маънавий ва аклокий талабларга жавоб берадиган юкори малакали кадрлар таерлаш" - деб белгиланди. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бунунлай янгиланади, унга мос холда мазмунхам, педагогик жараён ҳам яигиланиш руй бермокда. Булган янги технологиялар кириб келмокда. Эндиликда, "ургатиш"нинг бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш ромига сигмай, ўқитувчининг индивидуал кобилиятларига мос келмай колди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас кисмига айланиб

бораетгани ва унга узининг маълум ххусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли полиграфик, аудиовизуал воситалар мавжудки, улар янги ПТни реал вокейликка айлантиради.

ПТ мохият жихатидан бошка технологиялар билан бир сафар туради, чунки улар ҳам бошкалар катори уз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эга, маълум "материал" билан иш куради. Бирок ПТ инсон онги билан боглик билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва хаммага тушунарли булмаган педагогик жараённи ифода этиш билан ишлаб чиқариш, биологик хатто ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг узига хос томонлари тарбия компонентларини мужасамлаштиргандир. ПТ бошка соҳаларидаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир курсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Афсуски бу жараён hozirги таълим тизимида жуда кийин кечяпти, хакикий компьютерли ПТ узининг илмий ишламасини кутяпти: "компьютерларнинг шу кундаги кулланиш экстенсивлик холос: анъанавий ўқув курслари шундаки эркин мониторингга жойлаштириляпти". Шу ерда ПТ ва ахборот технологияси уртасидаги узаро муносабатни ойдинлаштириш лозим булади. Кейинги вақтларда баъзи бир олимлар (информатика соҳаси вакиллари) ПТ ни ахборотлаштиришга кушиш ёки тенглаштириш баъзан устун куйишни екламоқдалар. Бу уринишлар тугри йул.

Ўқув тарбия жараёнини такомиллаштириш тарихий (айниқса XX аср иккинчи ярмидан бошлаб) вокеалик ва жараёндир. Ахборотлаштириш ва жараёндаги инкилобий сурилиш унинг мухим босқичидир. Содда килиб айтилса, таълимда ахборот технологияси бу "ўқувчи компьютер" уртасидага мулокатдир.

Ахборотли технология ПТ нинг таркибий кисми, техник воситаларининг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида кулланила бошланди. Келажакда иктисодий муаммолар хал этилиб ўқув юртлари дастурли: "машина" билан етарли даражада таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчи (талаба)ларнинг билими фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имкониятлари тугилади ва у ўқитувчининг якин кумакдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариш мумкин.

Таълимни технологиялаштириш объектив жараён эканлигини замонавийлиги эса илмий техник тараккиет йуналиши билан белгиланишини тан олинган холда. ПТ нинг узига хос томонлари ва якин келажакда ва у билан боглик вазифаларни курсатиб утамиз.

1. Кўп босқичли таълим тизимида ПТ ни урнини асослаш ва зарурий.

2. Замонавий саноат, табиий, иктисодий, экология, агрономия каби технологиялар билан ПТ ларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва таваклаштирилган ендашув асосида уларни самарадорлик мезонларини аниқлаш.

3. Истикболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган холда илгор ПТ ларни лойихалаш, амалиетга жорий этиш, амаллаштириш ва самарасини аниқлаш.

4. Тегишли бошқарув органлари (таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги ПТларни тадбиқ этиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш.

5. Педагог ўқувчиларни илгор педагогик ва ахборот технологиялар буйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш.

6. Булажак ўқитувчиларга ПТ назарияси ва амалиети буйича махсус курс ташкил этилиш ва ўқитилиши.

7. Илгор ўқувчилар иш тажрибалари ва усулларини урганиб бориш, улар яратган янги методикаларини янги педагогик технология даражасига кутариш борасидаги ишларни амалга ошириш.

8. Ўқитувчи фаолиятини педагогик технология, қонуниятларига мослаштириш муаммолари ва бошқалар.

1. Ўқув жараёнини технологиялаштиришда дидактик масалаларини белгилаш қонуниятлари.

Эркин шахсни шакллантириш муаммоси таълим муассасаларида ўқув тарбиявий ишларни педагогик технология "рельс"ига утказиш такозо этади. Бу жараён осон кечмайди. Чунки: бутун ихтиерий қурилатган ва жорий этилаётган ўқитиш тизимини қатъий илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш керак. Аслида ҳам ижтимоий тажриба элементлари билан қуниқма ижодий фаолияти объектив борлиққа муносабатлар эстетик жараён махсулидир ва маълум педагогик тизим доирасида шакллантиради. Педагогик технология эса амалиётга жорий этилаётган педагогик тизим лойихасидир. Унда педагогик тизим нима? Унинг таркиби қандай? Бу саволларга жавобни мавжуд педагогик наشرлардан топиш мумкин.

Н.В.Кузьмина педагогик тизим узида таълим ва тарбия мақсадига буйсиндирилган узаро боғлиқ таркибни элементлардан ташкил топишини уқтиради, улар: педагогик мақсад; ўқув ва илмий ахборот; педагогик алоқа воситалари; ўқувчилар ва педагоглар. В.П.Беспальконинг таърифига қура "Педагогик тизим маълум шахс сифатларини шакллантиришга тартибли, аниқ мақсадни қузлаб ва олдиндан уйлаб педагогик таъсир этишни вужудга келтириш учун зарур бўлган узаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнлар йигиндисидир. Ҳар жамиятда шу жамият мавқурасига хос шахсни шакллантириш мақсади ва унга мос педагогик тизим мавжуд бўлади. Агар мақсад узгарса мавжуд тизим ҳам узгаради".

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият, давлат ва оила олдида уз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб қуйди. Демак, Миллий дастур таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюрмаси ҳисобланиб миллий мафқуранинг таркибий қисмини ташкил этади. Фақат ижтимоий (давлат) буюртмасигина таълим тарбияни белгилаб беради ёки олий (урта махсус, касбхунар) таълим учун педагогик тизимининг мавжудлик шартларини қафолатлайди.

Куйида барча таълим турлари учун умумий булган педагогик тизим лойихаси келтирилган. Профессор Н.Саидахмедовнинг тадқиқот этишича ҳар қандай педагогик тизим узаро боғлиқ булган куйидаги инфарматив элементларидан ташкил топади: 1 - ўқувчилар (талаба); 2- таълим (тарбия) мақсадлари; 3 - таълим тарбия мазмуни; 4-дидактик жараёнлар; 5- ташкилий шакллар; 6-педагогик ёки ўқитишнинг техник воситалари (УТВ).

Юкоридаги шаклдан иккита тушунча изохлаш мумкин: дидактик масалалар ва уларни амалга оширишнинг педагогик технологиялари ПТ Дидактик масалалар педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт-шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар (мазмун) булиши керак.

Эса тутинг:

Дидактик масалаларни ҳал этиш мақсади шахснинг маълум сифатлари шакллантириш зарурияти булса, шарт-шароитлар - ўқувчи (талаба) ларнинг бошлангич сифат курсатгичлари, ахборот эса ўқув предметининг мазмуни ёки тарбиявий таъсиридир.

Ҳар бир дидактик масала педагогик тизимда узига мос келадиган ПТ элементлари билан ҳал қилинади, улар: дидактик жараён, ўқитишнинг ташкилий шакллари ҳамда педагог ёки ўқитишнинг техник воситалари (УТВ). Юкорида шакл ижтимоий буюртма йуналиши дидактик масалаларига қаратилган ва бу бежиз эмас, чунки таълим ҳар доим жамият талабларини қондиришга хизмат қилади ва у онгли равишда ёки индуктив тарзда тез, балки сёкинлик билан бу талабларга мос ҳолда тузила боради. ХХI аср бусагасида таълим тараккиетининг ҳаракатлантирувчи кучи, ҳаққоний двигатели - бу узида дидактик масалалар ва ПТ ни муҳассамлантирилган педагогик тизим ҳисобланади. ПТ нинг мувофақиятли лойихаланиши ва якуний натижанинг қафолатланиши ўқитувчининг дидактик масалалар моҳиятини англаб этиш даражасига ва дарсда уларни тугри белгилаб олишига боғлиқдир. У вазифа ҳозирга қадар ўқитувчилар томонидан англашилмай келиняпти, қатор ҳолларда эса улар методикани технологиядан фарқлай олмаяптилар.

Шу боисдан куйида ПТнинг лойихаланиши учун зарурий шартлардан бири - дидактик масалалар тугрисида фикр юритилади. Чунки ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолиятга қиришишдан олдин ҳал этилиши лозим булган педагогик масалаларни етарлича аниқ тасаввур этиши ва ифодаланиши, айна пайтда уз ўқувчиларига ҳам тушунтира олиши керак.

Муаммонинг ҳулоса:

Бугун ҳар қадамда ва ҳар қандай таълим муассасасининг ўқитувчиси фаолиятида тасодифий ўқувчи (талаба) лар гуруҳининг аниқ урнатилмаган мақсадга эришиш учунг ихтиерий танланган таълим мазмуни узлаштиришга оид ҳаракатларнинг бошқараетганлигини қузатиш мумкин. Бу ҳолатни изохлашга ҳаракат қиламиз:

## Гетроген гуруҳ.

Нима учун "тасодифий ўқувчилар гуруҳи" деяпмиз? Маълумки ўқув юртларига (мактаб, касб-хунар коллежи, олийгоҳ ва бошқалар) ўқувчиларни қабул қилиш, асосан, икки омил воситасида амалга ошириляпти, яъни: узлаштириш даражасига ёки ешларнинг тенглиги (яқинлиги) га қараб. Айни пайтда абитуриентларнинг шахс сифатлари, тугма истедод нишонлари, қобилияти, фаолиятга қизиқишлари ва бошқа яққалик хусусиятлари ҳисобга олинмаяпти. Натижада ўқув гуруҳлари тасодифий таркиби N та ўқувчилар сонидан таркиб топади. Яъни "гетроген" гуруҳ тузилади. "Бозор маъмурияти" устига бу гуруҳ ўқувчиларига бир хил ўқув фани шароитида ягона таълим мақсадига эришиш зарурлигини уқтирилади. Бунга эса амалиётда эришиб бўлмайди. 6 ойлик сессия натижаларини куз олдингида гавдалантиринг, хайратдан ека ушлайсиз! Ахир ўқувчилар тест ердамида имтихон топшириб уқишга қирган-ку? Нима учун имтихон натижалари емон? Сабаби нима экан?

Сабаби эса биз юқорида тилга олган омиллар: талабада қобилият нишонлари йук ёки танлаган фаолият турига қизикмайди. Шу боисдан, хатто, битирувчи босқич талабалари ҳам қўпинча келажакда қайси мутахассис эгаси бўлаётганлигини ёки бўлажак иш фаолиятини тўлиқ тасаввур этишолмайди. Республикада Халқ Таълими Вазирлиги тасаруфидаги "Истеъдод" Марказ маълум даражада бу масалага ижодий ендашмоқда. Марказ ўқувчиларнинг қобилиятларини ва узлаштириш даражаларини психологик тестлар ердамида аниқлаб, керакли илмий тавсиялар ишлаб чиқаяпти ва улар академик лицейларга танлов утқизишда қул келмоқда.

## Ташхисланувчи мақсад.

Нима учун "аниқ ургатилмаган мақсад" деяпмиз? Чунки таълим мақсадини предмет ёки мавзулар буйича аниқ урнатиш учун у ташхисланувчан ҳолда бўлиши керак. Ташхисланувчан деганда ўқувчиларда шаклланаётган маълум сифат ёки хусусиятларни улчаш ва баҳолаш тушунилади. Мақсад ташхисланувчан тарзда урнатилиши мумкин, агар:

- шаклланаётган билим, қуникма ва шахс сифатлари етарли даражада аниқ ва равшан ифода этилиши ва тафсиқланиши керакки, натижада уларни, бошқа ҳар қандай ижтимоий тажриба элементларидан хатосиз фарқлаш мумкин бўлса (Иф);
- ташхисланаётган шахс сифатларининг шаклланганлик даражасини аниқлаб оладиган усул, "қурол" мавжуд бўлса ва улчаш амалга оширилса (Уш);
- улчаш натижаларига таяна оладиган сифатларни баҳолаш мезони мавжуд бўлса (Бм).

Шундай килиб ташхисланувчанликнинг рамзий формуласи куйидагича езиш мумкин:

$$T_{ш} = Иф + Уш + Бм$$

Олий ва урта мактаблар ривожини хозирги босқичида юкорида кайд этилган талабларни майян педагогик тизимнинг умумий (асосий) мақсадлари хам, алохида ўқув предметларини урганишнинг хусусий мақсадлари хам каноатлантирмайди.

Ҳар бир дасрда таълим мақсадининг аниқ урнатилиши ўқитиш технологиясини лойихалашда мухим шартларидан бири саналади.

Таянч иборалар:

1. Педагогик технология;
2. "Портлаш эффекти" ва унинг ижобий натижалари;
3. ПТ нинг узига хос томонлари ва якин келажақда у билан боглик вазифалар;
4. Гетроген гуруҳи.

Савол ва топшириклар:

1. Ўқув жараёнини технологиялаштиришда дидактик масалаларни белгилаш конуниятлари.
2. Ташхисланувчи мақсад; Ўқув элементи; Абстракция погоналари; Узлаштириш даражаси; Узлаштириш коэффиценти.
3. Таълим мазмуни ва дарслик.
4. Ташкилий шакллар.

Адабиетлар:

1. И.А.Каримов."Ўзбёкistonнинг уз истиклол ва тараккиет йули". Т. "Ўзбёкiston" 1992 йил.
2. И.А.Каримов."Жамиятимиз мафкураси халк миллатни миллат килишга хизмат килсин". Т."Ўзбёкiston" 1998 йил.
3. Н.С.Сайдахмедов, А.Очилов."Янги педагогик технология мохияти ва замонавий лойихаси". Т. 54 бет.
4. Н.С.Сайдахмедов."Педагогик технология тахлил, таъриф, мулохаза". Маърифат "24.06.98 й.Ўқитувчи фаолиятини технологияланувчанлиги."Маърифат" 19.06.99 йил.
5. Н.С.Сайдахмедов."Педагогик технология мохияти" халк таълими 1999 йил 3-4 сон.
6. В.П.Беспалько "Слагаемые педагогической технологии" М."Педагогика" 1989 г. 192-срт.

## 19.Мавзу: Таълим жараёнида рейтинг тизимидан фойдаланиш.

### Р Е Ж А :

1. Ўқувчилар ўқув-билиш фаолияти натижаларини текширик ва баҳолашнинг ахамияти.
2. Текшириш ва баҳолашнинг турлари ва улчамлари.
3. Текшириш ва баҳолашнинг рейтинг тизими..
4. Рейтинг тизимидан фойдаланишга нисбатан куйиладиган дидактик талаблар.

#### Муаммоли савол:

1. Совет давридаги баҳолаш тизими билан хозирги рейтинг тизимини фарқини ва моҳиятини аниқланг?

Педагогик дараеннинг узига хос, бошка фаолият турларидан фарқловчи томонларидан бирои, унинг натижасини педагог томонидан баҳолашдир. Унинг холисона ва тугри баҳолашиши бир катор таълим-тарбиявий муамоларни хал этиш имкониятини беради.

Жумладан:

а) Педагог уз меҳнатининг натижаларини (ўқувчининг билим, куникма ва малакаларини) бевосита ёки билвосита куради ва баҳолайди (коникиш ёки норозилик кайфиятини тугдирида);

б) Ўқувчилар уз билиш қобилияти ва имкониятларидан қандай фойдаланаётганларини куради ва узлари баҳолаш имкониятига эга буладилар.

в) Уз вақтида утказилган назорат ва баҳолаш хам ўқитувчи ва хам ўқувчи учун уз фаолияти натижаларини тузатиш (корркция) имкониятини беради.

г) Педагог меҳнат фаолиятига баҳо беришнинг бош улчами ўқувчиларда шакллантирилган билим, куникма ва малакалар даражалари билан белгиланади.

Мактаб ва ўқув юртларида давлат таълим стандартлари талабларини ўқувчилар томонидан қандай ва қайси даражада эгаллаб олаётганларини назорат этиш ва баҳолаш турлари, шакллари хилма-хилдир. Булар: оғзаки, езма, амалий, хамда уларни баҳолаш меъерлари Аъло, Яхши, Урта, Кониқарсиз деб ифодаланади. Бу жараён ута мураккаб,социал-педагогик воқелик булиб, агар ўқитувчи ўқувчилар билимини холисона баҳоласа, улар билимларни эгаллашга кизикиш ва интилиш билан ҳаракат киладилар. Акс холда, ўқувчилар билими нохолисона баҳоланса, уларда илм эгаллашга кизикиш ва интилишлар сусаяди, ўқув-билиш қобилиятлари суниб боради.

Муаммоли вазият:

Текшириш ва баҳолашнинг рейтинг тизими.



Ривожланган мамлакатларда ўқувчилар билими, куникма ва малакаларини текшириш ва баҳолаш рейтинг тизимида амалга оширилади.

Рейтинг - ўқувчилар билими, куникма ва малакаларини назорат этиш ва баҳолашнинг балл тўплаш усули билан хал этишдир. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида барча турдаги таълим муассасаларида ўқувчилар билимини назорат этиш ва баҳолашнинг Рейтинг тизимидан фойдаланишга утиш вазифаси куйилган. Уни бир канча босқичларда амалга оширилади.

Биринчи босқич: Ҳар бир предмет ўқитувчиси ажратилган соатлар миқдорига келиб чикиб рейтинг сонини белгилайди. Ўқув юртларида ўқув предмети учун ажратилган соатлар миқдори рейтинг балли миқдорини белгиласа, умумий таълим мактаблари, лицейларда ажратилган соатлар миқдоридан катъий назар ҳар чорак учун 100 балл олинади.

Иккинчи босқич. Белгиланган балларни тўплаш имкониятларини аниқлаш омилларини белгилаш. (Дарсларда, мустақил билим олишда, манбаларни урганиш ва конспектлаштириш, амалий машгулотларда).

Учинчи босқич. Рейтинг тизимида билимларни назорат қилиш босқичларини белгилаш ва балларни таксимлаш. Амалда назоратнинг:

а) Кундалик (жорий) назорат.

б) Мавзулар бўйича (оралик) назорат.

в) Умумлаштирувчи (якуний) назорат босқичлари бор. Тўпланадиган балларнинг 25-30% кундалик, 55-60% оралик, 15-20% якуний босқичда тўплайдилар.

Туртинчи босқичда. Рейтинг утказишнинг шаклларини белгилаш амалга оширади. Бунда ўқув предметининг узига хослигидан келиб чикиб, кундалик назорат - оғзаки, тест, амалий иш шаклида; оралик назорат - оғзаки, тест, езма, амалий; якуний назорат эса- езма, тест, амалий шаклда утказилиши мумкин.

Бешинчи босқич. Рейтинг натижаларини кайд этиш. Кундалик ва мавзулараро рейтинг натижаларини синф, гуруҳ журналларида, якуний назорат натижалари кайдномаларга акс эттирилади.

Тўпланган балларнинг 55,1% утиш балли; 55,1 - 70% коникарли; 70,1 - 85% яхши; 85,1 - 100% аъло даражада деб белгиланади.

Таълим жараёнида рейтинг тизимидан фойдаланишга қуйидаги дидактик шарт-шароитларни ҳисобга олиш лозим:

Муаммонинг ечими:

1. Рейтинг тизими ўқувчиларни нима булса ҳам балл тўплашга эмас, балки уларни мунтазам билим олишга ургатишдир.

2. Ҳар бир ўқувчи учун балл тўплашнинг реал имкониятлари аниқ ва мос булиши лозим.

3. Балларнинг асосий қисми давлат таълим стандартлари талабларини пухта ва мустахкам эгаллаб олишларини назорат этиш жараёнида тўплашни кузда тутади.

4. Рейтинг мунтазам, уз вақтида утказилиши ва расмийлаштирилиши шарт.

5. Рейтинг тизимида утказилган езма, амалий ишлар натижаси (яқунловчи босқичида) маълум вақтгача сақланади.

#### Таянч иборалар:

1. Таълим натижаси
2. Назорат
3. Текшириш ва баҳолаш
4. Рейтинг тизими.

#### Савол ва топшириқлар:

1. Таълим жараёни натижаси деганда нимани тушунаси?
2. Таълим натижаларини назорат этиш қандай усул ва ашқларда амалга оширилади?
3. Таълим натижаларини текшириш ва баҳолашнинг педагогик ахамияти нимада?
4. Текшириш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини қандай афзалликлари бор?
5. Рейтинг тизими қандай босқичларда амалга оширилади?

#### Адабиетлар:

1. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". Т. 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус Таълим вазирлигининг "Талабалар билимини текшириш ва баҳолашда рейтинг тизимини куллаш хақида курсатмалари".
3. Ш.А.Амонашвили. "Воспитательная и образовательная функция оценки знаний школьников". М. 1984 год.

20. Мавзу: Жамият ҳаётини эркинлаштириш ва демократиялаш шароитида тарбия ишларини ташкил этиш муаммолари.

Р Е Ж А :

1. Жамият ҳаётини эркинлаштириш ва демократиялаштиришнинг ёшлар маънавий ҳаётига таъсири.
2. Ўқувчи ёшлар тарбиясини ташкил этиш.
3. Ўқувчи ёшлар тарбиясининг йуналишлари.
4. Таълим, тарбия жараёнини демократиялаштириш ва инсонийлаштириш.

Муаммоли савол:

1. Мустақиллик сузининг мазмуни ва моҳиятини изоҳланг?
2. Фуқаролик жамиятининг приципларини изоҳланг?

Демократиялаштириш - мактабни бошқаришдан тортиб бутун ички тузилиши ва фаолиятни уз ичига олади. У мактабни ҳар қандай юкори ва маҳаллий буйрукбозликдан, айрим шахс ва жамоат катламларидан шахсий фикр ҳамда тазийклардан халос этади.

Узаро бир-бирини тугри тушуниш, ишонч ва дустона ҳамкорлик асосида мактабга миллий, ижодий мустақиллик бериш билан ўқув-тарбия ишларининг шакллари, услублари, услубларини тубдан яхшилаш, уларни эркин ташлаш моҳиятини ташкил этади.

Муаммоли вазият:

Демократия таянган ўқитувчининг фаолият доираси кенгайди. Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг дустона ҳамкорлиги ўқув-тарбия ишининг мазмунини бойитади.

Мактабни бошқаришни демократиялаштириш - бу халқ таълими кенгашлари, мактаб кенгашлари имкониятларини жамоатчилик ҳамкорлиги асосида, уз-узини бошқариш ташкилотига айланиши ва кенг йул очади. Мақсад-юкоридан-пастгача бугинларда функция ва ваколатларни кайта таксимлаш, уларнинг ҳуқуқ ва бурч, маъсулиятларини оширади.

Мактабни бошқарувчи раҳбар ва синф раҳбарлари энг тажрибали, билимдон, танобускор, илгор ўқитувчилардан эркин танлаб олишни таъминлайди.

Дарс ва дарсдан ташқари машгулотларни демократик принциплар асосида ташкил этиш, ўқувчиларни уз-узини бошқаришга ургатадиган ижобий натижаларни беради. Бу уринда мактаб матбуоти, радиокзел, ўқувчилар кумитаси, ўқувчилар ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва уларга педагогик раҳбарлик, синф тарбиявий соатлари, турли кеча, учрашув, уткир зехнлилар баҳс-мунозалари, конференциялар ва фан ҳафталиги, байрам ва

тарихий кунларни нишонлаш каби турли тарбиявий тадбирлардан самарали фойдаланиш зарур.

Айниқса, дарс жараёнини демократлаштириш зарур. Бунда ўқитувчи уз фаолиятини ўқувчилар фаоллигини оширишга, уларнинг ўқув-тарбия ишларини хал этишга қаратади. Яъни синф жамоасига таяниб иш куради.

Ўқитувчи-ўқувчи-ота-она эркин мулоқатига алоҳида эътибор берилади, эркин муносабатлар шакллантирилади. Узаро муносабатлар бир-бирига ишончга, узига ва узгаларга ҳалол, адолатли, ҳақиқат кузи билан қарашга, маъсулиятга асосланади.

Инсонпарварлик эса мактабнинг бутун фаолиятини ўқитувчи ва ўқувчига қаратиш, унинг шахсиятини ҳурмат қилиш, кадрлаш, ишонч билдириш. Мактабни инсонпарварлаштириш янгича педагогик фикрлаш.

Муаммони ҳулосаси:

Мактабни инсонпарварлаштириш фақат болага муносабатни моҳияти ва таснифини узгартиришдан иборат бўлмасдан, шахсни инсонийликка кадр-қиммат, ҳужаққонлилиқ, раҳмдиллиқка тарбиялашдир. Инсонпарварлаштириш асосан дарс, синф тарбиявий соати ва дарсдан ташқари тадбирларини уз ичига олади.

Таянч иборалар:

1. Демократлаштириш
2. Инсонпарварлик
3. Таълим ва тарбияни демократлаштириш ва инсонийлаштириш
4. Мактабни бошқаришни демократлаштириш.

Савол ва топшириқлар:

1. Мактаб ҳаётини демократлаштириш.
2. Таълим ва тарбия мазмунини инсонпарварлаштириш.
3. Мактабни бошқаришни демократлаштириш.

Адабиётлар:

1. А.К.Мунавваров. "Педагогика" Т."Ўқитувчи" 1996 йил.
2. И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиев."Педагогика курси" Т."Ўқитувчи" 1997 йил.
3. А.Жураев. "Тарбиявий дарсларни ташкил этиш" Т."Ўқитувчи"1995й.

21. Мавзу: Хозирги замон ўқувчи-ешларини тарбиялаш усул ва воситалари.

РЕЖА :

1. Педагогикада тарбия усул ва воситалари муаммоси.
2. Тарбия усулларига тавсиф.
3. Тарбия воситаларига тавсиф.
4. Тарбия усул ва воситаларини самарали танлаш.

Муаммоли савол:

1. Тарбиянинг ҳамма усуллари натижа берадими?
2. Тарбия воситаларини курсатиб утинг?

Тарбия усуллари (методлари) деганда тарбияланувчиларда ижтимоий талаб ва эҳтиёжга мос сифат, хислат, фазилатларни таркиб топтириш, тарбия учун эҳтиёж хиссини уйғотиш, узини тута билиш куникмаларини узлаштириш йулларига айтилади.

Тарбия воситалари деганда шахсни камол топтирувчи фаолият тури тушунилади. Бунга меҳнат, муомила-муносабат, уйин, жисмоний маданият, унумли, ижтимоий меҳнат, спрот каби фаолият турлари киради.

Тарбия гоятда мураккаб жараён булиб ҳар даврнинг ижтимоийсиесий ҳаётини узида акс эттиради. Минтака, миллат, элатнинг хусусиятларига мос булади. Унинг усуллари восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб, такомиллашади, узини оклаган урф-одатлар анъанага айланади.

Муаммоли вазият:

Тарбия ҳар бир халқнинг уз удуми, усули тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунекараши тарбия воситаси булади. Шунинг учун тарбия миллий ва тарихий заминидан узилмаслиги керак.

Тарбия усуллари урганиш, тахлил учун куйидаги гуруҳга ажратиб оламиз:

1. Ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар (маъруза, тушунтириш, суҳбат, хикоя, нумуна).
2. Фаолият жараёнида ижтимоий хулқ ва тажрибаларни шакллантириш усуллари (машқ ва урганиш усуллари: топшириклар, пед.талаб).
3. Уз-узини тарбиялаш усуллари (уз-узини тахлил килиш, уз-узини баҳолаш).
4. Жазолаш ва рағбатлантириш усуллари (ишонч билдириш,макташ, эсдалик совга,мактов ерлиги бериш, стипендия бериш,хурмат тахтасига фото епиштириш,куллаб-кувватлаш,миннатдорчилик, газета ва радиода эълон килиш).

Муаммонинг ечими:

Халқ педагогикасидан куйидаги тарбия усуллари курсатиг мумкин:

1. Тушунтириш (ургатиш, одатлантириш, машқ килдириш).

2. Намуна (маслахат бериш, узр сураш, урناق булиш, яхшилик хакида сузлаш).
3. Насихат бериш, угит (ундаш, кундириш, илтимос килиш, елвориш, тилак-истак билдириш, макуллаш, рахмат айтиш, дуо килиш,ок йул тилаш....).
4. Коралаш ва жазо (такиклаш, тана, танбех бериш, мажбур этиш, койиш, айблаш, уялтириш,кўкитиш, нафратланиш,онт-касам ичириш, уриш, калтаклаш ва хоказо).

Эсда тутинг:

Ишонтириш тарбия усули сифатида.

Таянч иборалар:

1. Тарбия усуллари.
2. Тарбия воситалари.
3. Уз-узини тарбиялаш.
4. Намуна.
5. Насихат.
6. Жазолаш усули.
7. Рағбатлантириш.
8. Тушунтириш.
9. Ишонтириш.
10. Машк килдириш.

Савол ва топшириклар:

1. Тарбия усуллари гурuhlаниши.
2. Халк педагогикасида тарбия усуллари.
3. тарбия усулларига куйиладиган педагогик талаблар.

Адабиетлар:

1. А.К.Мунавваров. "Педагогика" Т."Ўқитувчи" 1996 йил.
2. И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиев."Педагогика курси" Т."Ўқитувчи" 1997 йил.

## 22.Мавзу: Илмий дунёкарашни таркиб топтириш.

### Р Е Ж А :

1. Дунёкарашнинг мохияти.
2. Мустакиллик дунёкараши ва онгилилик.
3. Дунёкарашнинг таркибий қисмлари.
4. Илмий дунёкарашни таркиб топтириш масалалари.

Муаммоли савол:

1. Диний дунёкараш ва илмий дунёкарашнинг фарқи нимада?
2. Мустакиллик давридаги ёшларни дунёкарашини шакллантиришига тусик бўлётган муаммолар нималардан иборат?

Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Ўз истиклол ва тараккиёт йулини танлаб олган Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий мустакилликка интилиб, маънавий мустакилликни ҳам таъминлашга интиломда.

Ўзбекистон мустакил тараккиёт йулига қадам қуйиши натижасида маънавият борасида совет тузуми даврида қайта қуриш деб аталадиган даврда шаклланган маънавий инкироз, парокандалик таъсирида маълум қийинчиликларга дуч келинди. Хусусан катагонлик йилларида тургунлик йилларида, маънавиятимизда, инсоний кадр-қимматимизга дарз кетди. Бировларнинг ноҳуя хатти-ҳаракатларини қуриб қурмасликка олинди, елар тарбиясига бепарво қаралди. Шунинг учун ҳам Президентимиз адабиёт, санъат ходимлари, зиелларимиз билан ўқитувларда мафқурага ва маънавият масалаларига жиддий эътибор беришга чақирган эди. Ўзбек халқи ўзининг маънавий меросига эга. Бу ўтмишнинг ютуғидир. Президентимизнинг "Миллатимиз чуқур илдизга эга: Бу бизнинг бойлигимиз",- деган сузлари халқимизнинг минг йиллик маънавий илдизини қузда тутди. Маънавий меросни тула, одилонга эгаллаш ва ривожлантириш ҳозирги авлодларнинг вазифасидир. Халқимизнинг маънавий маданиятимизнинг ва дунёкарашини, маънавий эҳтиёжсиз маънавий кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Булар, Халқ оғзаки ижоди, дуневий илм соҳиблари ва қамоли илм соҳиблари мероси қабилардир.

Ҳозирги замон ёшларининг маънавий маданиятни ва кадрларимизни эъзозлаш руҳини таркиб топтиришнинг аҳамияти катта.

Муаммонинг ечими:

Дунёкараш икки суздан, яъни "дунё" ва унга "қараш" сузларининг бирикшидан ташкил топади.

Дунёкараш - бу бир қиши, ижтимоий гуруҳ, синф ёки бир бутун жамият йуналишини белгилаб берувчи қарашлар, эътиқодлар принципларининг

йигиндисидир. Дунекараш кўп киррали жараён булиши билан бирга маънавий ва кадриятларимизга асосан шаклланади.

Дунекарашнинг фалсафий, мафкуравий, сиесий, табиий-ижтимоий, педагогик психологик каби узаро боглик томонлари ёки йуналишлари мавжуд. Биз дункарашнинг педагогик йуналишига асосли эътиборни каратмокчимиз. Бунда дунекарашнинг шаклланишига таъсир этадиган омиллар шунингдек, ешлар дунекарашда маънавий маданият ва маънавий кадриятларимизни ахамияти тугрисида фикр юритмокчимиз.

Мустакиллик дунекараши коммунистик дунекарашидан талайгина мохийат белгилари билан фарк килади ёки фарки мавжуд:

1. Мустакиллик дунекараши вокеликка ватарихий жараёнларга тор синфий ёки фиркавий нуктаи назардан ендашмайди.

2. У эклектик ҳарактер касбэтиши мумкин эмас, яъни у бир-бирини инкор этувчи тамойиллар, ижтимоий баҳолар, ижтимоий мулжаллар ва идеалларнинг механик йигиндиси булиб колмаслиги лозим. У ахамиятнинг аксарият кисмида Ўзбёкистон тараккиети, келажаги, курилаётган жамият арконлари тугрисида аниқ тасаввур хосил килиши, жамият аъзоларини уларни амалга ошириш йулида жипслаштириш лозим.

3. Мустакиллик дунекараши демократик ва инсонпарварлик гоюларига асосланиши лозим. Шахс манфаатларини жамоат ва давлат манфаатларига курбон килиш мумкин эмас, балки уларни чинакам уйгунлаштириши ҳар қандай ижтимоий фаолияти инсон камолотига хизмат эттириш ва инсонни эркин ривожланиши таъминлашни асосий мақсадга айланттириш керак.

4. Бу дунекараш миллий негизини хам, миллий махдудликни хам инкор килиши, миллатчиликдан хам, миллий камситиш туйгусидан хам холи булиши керак, лёкин хакикий миллий ифтихор ва гурур билан йугрилган ватанпарварликка асосланиши зарур.

Уз-уздан маълумки мустакиллик дунекараши коммунистча тарбиявийлик ва синфийлик каби ута нохолислик, бир еклама мушохада килиш, оламни факат "ок-кора" буюклардан иборат деб карашдан холи булади.

Умумхалк, умумиллат манфаатларини хисобга олмай, факат синфий манфаатларни еклаш ва шу асосда миллатни бой-камбагалга ажратиб караш охир-окибатда тарихни нотугри талкин килишга, маданий меросни еппасига рад этишга асос булади.

Бугунги Ўзбёкистон мулкчиликнинг турли шакллари тенг хукуклигини тан олиш ва хукукий кафолатлаш асосида янги жамият курмокда.

Турли мулк шаклига асосланган жамиятда ҳар хил ижтимоий гуруҳлар, табака ва синфлар булиши табиий. Уларнинг уз иктисодий ва сиесий манфаатлари булиши хам табиий. Бинобарин жамиятда маълум даражада синфийлашган дунекараш хам карор топади. Аммо бу холат миллатни булиб юбормаслиги керак. Бунинг учун эса миллатни бирлаштирадиган ягона умуммиллий гою зарур. Бундай гою бугунги кунда Ўзбёкистонни мустакиллигини



сиесий, иктисодий, ижтимоий, маънавий жихатдан мустахкамлаш, буюк келажакни барпо этиш, юксак тараккий этган мамлакатлар даражасига этиш, жахон хамжамиятига тенг ҳуқуқли субъект сифатида интеграциялашишдир.

Мустакиллик дунекарашининг мазмуни-умуммиллий гоёлар, умуммиллий ва умуминсоний меъерлар, кадриятлардан иборатдир.

Янгича дунекараш сиесий, мафкуравий плюрализм - фикрлар хилма-хиллигига ҳурмат билан қараш тамойили, миллий келишув, ижтимоий ранг-баранглилик ва тенг ҳуқуқлилик, инсонни фаолиятига қараб кадрлаш каби хусусиятлар ривожланиб бормокда.

Дунекараш кишиларнинг яшаш тажрибаси, уларнинг илмий тайёргарлиги сифати ва ҳарактерига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам дунекарашни икки йуналишга бўлиш мумкин.

а) яшаш тарзи билан боғлиқ дунекараш;

б) илмий дунекараш;

Яшаш тарзи билан боғлиқ дунекараш илмий дунекарашга нисбатан тор доирадаги дунекарашдир. Халқимизнинг бой оғзаки ижодида мисол: "Бир девона бир савол билан кўпчиликни бошини қотирибди, яъни нега одамлар бир томонга қараб юрмайдилар? - деб сурабди. Чунки бир одам бозорга, иккинчиси ишга ва хоказо ҳар хил юмуш билан улар ҳар томонга қараб юрадиларда деб жавоб беришибди, девонага. Аммо девона қайсарлик билан олинган жавобдан қоникмабди. Шунда, девонага тушунтира олмаган суҳбатдошлар бир девонани топиб қилиб рупара қилишибди. Биринчи девона иккинчи девонага - нега одамлар бир томонга юрмайдилар? - деб мурожат қилибди. Чунки деб жавоб қайтарибди иккинчи девона - ер юзи кемадур, агар одамлар бир томонга юрсалар, кема ағдарилиб, одамлар сувга гарк буладилар-да деб жавоб берибди. Бу жавобдан биринчи девона қониккиш ҳосил қилиб уз йулига равона бўлибди".

Ривоят қилишларича, файласуфлардан бири учта қулга бир хил савол бериб мурожат қилибди, яъни, қурилишда тош ташиётган қуларга: "Эй қул бу тошларни нега ташимоқдасан?" - деган саволга биринчи қул "Бу тошларни хужайин таши дегани учун ташияман"- деб қилаётган меҳнатидан нафратланиб жавоб бермокда.

Иккинчи қул - "Бу тошларни ташиб, бир бурда нон оламан ва болачақаларимни боқаман" дебжавоб берибди.

Учинчи қул - "Шу ерда бир гузал қаср барпо этилади, шунинг учун бу жойлардаги тошларни ташимоқдаман" - деб фахр билан жавоб берибди.

Бир саволга уч хил жавобдан, уч қулдаги уч хил эстетик дунекараш, меҳнатга уч хил эстетик муносабат қурилиб турибди. Демак, ижтимоий муҳит, ижтимоий шарт-шароитлар, олинган билим ва тарбия, кишининг еш ва психологик хусусиятлари, ҳаётининг аниқ шароити, қурилиши, дунекарашнинг шаклланиш ҳарактерини ва мазмунини белгилаб беради.

Илмий денукараш - бу табиат ва жамиятни, киши ҳулқ атвори ва онгининг моҳиятини илмий анализ қилишга асосланган қарашлар тизимидир. Илмий

дунекараш кишига атроф хаетдаги вокеа ва ходисаларни тугри тушуниг, уларга объектив илмий баҳо бериш имконини берди.

Ешларда илмий дунекарашни таркиб топтиришда асосий вазифа уларни онгли ва ижобий феъл-атворли килиб тарбиялашга каратилади. Илмий дунекараш болалик чоғидан таркиб топа бошлайди, мактабдаги укиш жараёнида бу фаолиятда гоятда тез содир булади. Шу сабабли. кишиларнинг онглилик даражаси мактабдаги ўқув-тарбиявий ишларнинг йуналиши ва сифатига кўп жихатдан боғлиқдир. Ешларда илмий дунекарашни таркиб топишида умумий дунекарашни муҳим функцияси куйидагилар:

- а) йуналтирувчи;
- б) ахборотларни акс эттириши;
- в) баҳолаш.

Дунекараш деб езади ушбу соҳанинг таниқли тадқиқотчиси Э.И.Монасзон, - бу инсонни атроф-теваракдаги табиат ва ижтимоий муҳитга муносабатини акс эттирувчи идеаллар, эътиқодлар ва карашларнинг синалган тизимидир. Н.К.Гончаров дунекарашни анча кенгрок маънода таърифлайди, яъни: "дунекараш - деганда инсоннинг ихтисослашган онглилик шаклини тушуниш керак, бу тизим инсонни табиат ва жамият тараккиетига муносабатини, кишини хаетни турли соҳасида узини тутишни, ахлокий-эстетик, ижтимоий-сиесий нуткаи назарини аниқловчи билими, карашлари, эътиқоди ва шакллантирилган идеаллари тизимидир".

Демак, дунекарашнинг энг муҳим таркибий қисмларига куйидагилар киради:

- а) илмий билимлар тизими;
- б) иймон-эътиқодлар;
- в) таркиб топган карашлар.
- г) инсонларнинг шаклланган идеаллари.

Юқоридаги дунекарашнинг таркибий қисмлари уз ҳарактерига кура икки гуруҳга булинади: объектив (илмий билимлар) ва субъектив (иймон эътиқод, карашлар ва идеаллар). Ешлар дунекарашининг энг муҳим босқичи мактаб ва ўқув юртларида, ўқув дастурида белгиланган билимларни мустаҳкам узлаштиришдир. Бунда ешларни билим ва фикрлаш фаолиятларини фаоллаштиришга шароит яратмасдан туриб таълим тарбия ишида мақсадга эришиб булмайди. Айниқса ешларда билимларни эгаллаб олишга булган эҳтиежни шакллантириш, билим олишни рағбатлантириб бориш катта аҳамиятга эга. Инсон кизикадиган интиладиган ва эришадиган фазилатларнинг энг улканларидан бири - илмдир. Чунки киши у билим шон-шарафга эришади. Масалан: Кайковус "Кобуснома" номли асарида шундай деб езади: "Билимларни эгалламок учун меҳнат килиш, баданини дангасаликдан кутқариш фойдалидир". Ана шу асарнинг 6-бобида (36-37 бетлар) "Билимни ошириш ва узини юқори олмаслик". Хамма хунарлар тугрисида суз ва яхши хунарлар тугрисида фикр

юритади. Кайковус ешларни камтар, шарм-хаели булишга чакиради, магрурлик, такобурликни коралайди. У ешларга мирожат килиб, "Эй фарзанд, ҳар канча доно булсанг ҳам, узингни халқдан донорок хисоблама, чунки сен узингни нодон хисобласанг доно буласан дейди". (39 бет). Куръони Каримнинг аввалги юборилган ояти илмга тарғиб килинадиган "Уки" китоби билан бошланади ва бошқа кўпгина оятларда ҳам илм олиш, уни урганишга даъват килинади. Дунекарашдаги асосий таркибий хисобланган илмни эгаллаш тугрисида хадисларда ҳам жуда кўп ажойиб, ибратли фикрлар олга сурилади:

- Ким дуне истаса - савдо билан шугуллансин охират деганлар
- таркеи дуне килсин. Иккаласига эришмокчи булганлар лим ургансин.
- Бир соатгина илм урганиш бир канчалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рузасидан афзалдир.
- илм урганиш ҳар бир мумин учун фарздир.
- Тугилганингдек то умрингни охиригача, сунги кунингача илм урган.
- Илм урганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир, яъни шартдир. Доналар уз хаётий тажрибалари асосида илм тугрисида кўп хикматли сузларни колдирганлар. Мисъаб ибн Зубайин уз угилларига: "илм урган агар бадавлат урганган илмининг сенга бир хусн булади. Мобода молинг булмаса у бемалол молининг урнини боса олади" - дейди. Донолардан яна бири айтади: "Илм урган, у сенинг ешлик пайтларинда тугри юришингни таъминлайди. Катта булганинга эса сени буюк кишига айланишингда асосий сабаблардан бири булади. Илм доимо сенинг хамрохинг булиб, адашишгдан ва кокилишингдан саклайди. Душманларингни мағлуб килади".

Алишер Навои "Махбубул-кулуб" асарида "Билмаганин сураб урганган олим ва орланиб сурамаган узига золим"- деб езади.

Юсуф Хос Хожиб "Кутадгу Билиг" асарида ("Кутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим" ва уни урганиш тугрисида бой маънавий мерос колдирган булиб, жумладан шундай дейди: "Ўқув кут беради, билим шон-шараф", "Билимдан бошланар донолик йули" кабилар.

Абу Райхон Беруний кишиларга баҳо бергани, албатта унинг билим даражасини, дунекарашини асосий мезон деб хисоблайди. Маърифатда узини бошқалардае ортик деб билган, кеккайган, калби нопок, бахл кишиларни коралайди. Саводсизлик, билимсизлик кишининг энг емон ва биринчи душмани деб билади. Улуг олим ешларни кунт билан билим олишга касб-хунар эгаллашга, мехнат килишга чакиради. Шунинг хам айтиш жоиздурки, илмнинг узи билангина мақсадга эришиб булмайди. Яъни, амалсиз илмни хеч фойдаси булмайди. Масалан: шайтон канчалик олим эди. Хатто фаришталарга ҳам дарс берар эди. Лекин у илмга амал килмаганлиги учун дунегаги энг ифлос махлукка айланди "- дейилади ислом таълимотида. Шунинг учун хам "Илмга амал

килмаган олим устига гуёки китоб ортилган эшакка ухшайди"- дейилади.  
Алишер Навоий:

Илм ўқув килмогон амал макбул,  
Доно сочиб кутармади максул. деб езади.

Немис шоири Иогенн Гете езадики "Мен ниманики билсанг, буни ҳар қандай киши ҳам билиши мумкин, лекин мен езган нарсани езолмайдики, сабаби бундай калб факат мендадур". Демак, дунекараш факатгина илмгагина боғлиқ эмас экан. Ешларимиз дунекарашидан намуна була оладиган алломаларимиз, шоирларимиз жуда кўп. Бунга хозирги кунимизнинг етук кишиларидан ва кадриятларимиз сифатида эъозланаётган мутафаккир - алломаларни мисол қилиб олишимиз мумкин. Аждодларимиз маънавияти ва кадрияти қай даражада бойлиги, улардан бугунги кунда кўпроқ бахраманд булишга ешларимизга катта имкониятлар яратмоқда. Масалан: Ахмад Ал-Фаргоний, Ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Бурхониддин Маргилоний, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Хожа Ахрор, Баҳовуддин Накшбандий, Мирзо Улугбек, Али Кушчи каби алломаларни ва шунингдек Лутфий, Хусайн Байкарор, Бобур, Фуркат, Завкий, Гулханий каби донишмандларни, Бехзод, Шох Музаффар каби донишмандлар, муйкалам сохибларини, Амир Темур каби адолат саркардаларини куриш мумкин. Булар ва шуларнинг асарлари кабилар маънавий маданиятимиз сарчашмалари булиб, уларнинг эътиқоди, иродаси, идеаллари, карашлари ешлар дунекарашини таркиб топтиришда катта ахамиятга эга.

Муаммонинг хулосаси:

Шахс дунекарашининг муҳим таркибий қисмларидан бири, эътиқод, иймондир.

Эътиқод - инсоннинг гоёвий йуналишлари таъсирида вужудга келади. Кишининг у ёки бу гоёга ишонишини англатади. Иймон сузи арабча булиб, узбекчага ишониш маъносини англатади.

Эътиқод, иймон - англаб етилган ва хис қиолинган, шахснинг мустақил ҳаёт йуналишлари, муносабатлари, фаолияти ва хулқининг узига ҳос томонларини ифодаловчи гоёлар йигиндисидир. Шунинг учун ҳам - эътиқод, иймон киши билими, хиссиети, ҳаётий тажрибалари натижасида вужудга келади. Унинг фаолияти, ҳатти-ҳаракатларини бажарувчи ички куч. Эътиқоднинг мустақамлиги шахснинг муҳим маънавий бойлиги хисобланади. Халқимизда иймон-эътиқод тугрисида ибратли хикматлар кўп. "Ватанни севмок иймондандур", "Иймонни сотмок муртадликдир", "Дуненинг устун иймондур" ва хоказо.

Улкамиз педагогик меросида иймон-этикоднинг уч хил даражаси белгиланган.

1. Таҳкикий иймон - бу энг олий даражадаги этикод, иймон булиб, уз ишончига этикодли, садокатли одамлар иймони;
2. Далилли иймон-этикод-ишонган нарсасига аклий ёки ҳозирий далиллар келтира оладиган кишилар иймони;
3. Таклидий иймон - ота-оналарга, тарбияга таҳлид нарса ва ходисаларга ишонувчилар иймони.

Таянч иболалар:

1. Дунекараш.
2. Мустакиллик дунекараши.
3. Онг.
4. Тафаккур.
5. Илмий дунекараш.
6. Этикод.
7. Иймон.
8. Идеал.

Савол ва топшириқлар:

1. Дунекарашнинг моҳияти нима?
2. Мустакиллик дунекарашининг узига ҳос томонлари.
3. Дунекарашнинг функцияси ва таркибий қисмлари.
4. Дунекарашни таркиб топтиришнинг дидактик, тарбиявий шартшароитлари.

Адабиетлар:

1. А.Қ.Мунавваров "Педагогика" Т. "Ўқитувчи" 1996 йил. 132-136 бетлар.
2. И.Й.Турсунов... "Педагогика курси" Т. "Ўқитувчи" 1997 йил 26-37 бетлар.
3. "Тафаккур", "Мулоқот", журналлари.

## 23 Мавзу: Одоб ахлоқ тарбияси.

### РЕЖА :

1. Одоб-ахлоқ шахс фаолиятининг беазаги сифатида.
2. Одоб-ахлоқ тарбияси моҳияти.
3. Одоб-ахлоқ тарбияси йуналишлари.
4. Мактабда ахлоқий тарбияни амалга ошириш йуллари.

Муаммоли савол

1. “Одобни одобсиздан урган” иборасини изоҳланг?

Муаммоли вазият:

Ахлоқ-одоб - бу жамиятда, кишилар уртасида кундалик турмушда зарур булган хатти-ҳаракатлар, урф-одатлар нормалари, коидаларидир. Барча норма ва коидаларини кишилар томонидан адо этилишини назорат этиш ва тартибга солиш ижтимоий, юридик асосда таъминланади. Ахлоқ - одоб коидалари ва нормалари ҳар бир халқнинг кадриятларида муҳим урин эгалайди. Унда уша халқнинг турмуш тарзи маданий савияси, анъаналари гуруҳи, дини ифодаланади, акс этади. Шунинг учун ахлоқ-одоб коидалари ва нормалари уша халқнинг битмас тугалмас маънавий бойлиги ҳисобланади ва миллат даражасида шаклланганлик даражаси деб қаралади. Ахлоқ-одоб норма ва коидалари жамият таракқиети билан ривожланиб, узгариб боради. Бунда қардош халқлар, минтақада яшовчи халқлар, миллатлар урф-одатлари бир-бирига таъсир қурсатади. Илғор, қулай урф-одатлар, анъаналарга, анъаналар эса кадриятлар даражасига қутарилади.

Бугунги кунда ешларни юксак маънавий гоё ва миллий урф одат, анъаналар асосида тарбиялаш долзарб малалага айланган. Юксак маънавий гоё ва урф-одатлар қулами ниҳоятда кенг ва серқирра булиб, улардан энг муҳимлари: иймонлилик, ватанни севиш, инсонпарварлик, дустлик, уртоклик, биродарлик, онгли интизом, ижтимоий фаоллик, ҳалол меҳнат, оила, давлат ва жамият олдидаги бурчни англаш, тинч тотув яшаш учун қурашиш, ҳурфикрлилик қабилар.

Муаммонинг ечими:

Ахлоқ-одобни бир биридан ажратиб булмайдиган уч тартибий қисми булиб, улар бир бутунликни ташқил этади.

Гоёвий - ахлоқий онг - ижтимоий ҳаётнинг шахс тасаввурлари, қарашлари ва эътиқодларига акс эттиши ва ифодаланишидир. У шахс фаолиятида қулланиладиган ҳаётий тамойиллар булиб, у ёки бу муаммони ҳал этиш, хатти-ҳаракат ҳулқ коидаларини танлашда намоён булади.

Гоёвий - ахлоқий кадр қиммат - шахснинг у ёки бу хатти-ҳаракат ва урф-одатларига муносабати ва уларни яхши ёмонга ажратиб баҳолашда

ифодаланади. Бунда шахснинг бутун хаёти давомида интилишлар, хаёт мазмунини белгилаб берадиган идеаллари муҳим роль уйнайди.

Ахлокий хиссиётлар эса шахснинг узига, бошқаларга ижтимоий ходисаларга муносабатида ифодаланади. Шахснинг ахлокий хиссиётлари гурури, ор-номус, виждод, уят, нафрат, худбинлик, магурлик каби шаклларда намоен булади.

Ватанпарварлик ва байналминаллик ахлокий тарбияда алоҳида урин тутади. Ходису Шарифда Ватанни севмон иймондандир, деб бежиз айтилмаган.

Тарбияси ва ўқитувчи болаларда ватанга муҳаббат, фахрланиш, халк ва мамлакат ютуқларидан қувониш, уни душманларига нафрат туйғуларини тарбиялайди. Болаларни Ватан равнақи йулида ва фидокорона меҳнат қилишга тайёрлайди.

Байналминаллик ахлокий қоида сифатида ватанпарварликни бойитади, уз миллий қобилигига урғилиб қилишга йул бермайди. Барча халқлар билан дуст бўлиб, тинчлик ва таракқиёт учун курашга чорлайди.

Ўқувчиларни ватанпарварлик ва байналминаллик руҳида тарбиялаш уларда инсонпарварлик хиссини улғайтиради, турли миллат ва элатлар билан дуст-иннок яшашга ургатади.

Эса тутинг:

Меҳнат ахлокий муносабатни тарбиялаш - шахснинг бутун маънавий йуналишини белгилайди, чунки ишламай, курашмай яшаш мумкин эмас. Меҳнат - яшаш манбаи.

Бу ахлокий муносабат шахснинг меҳнат жараёнида намоен буладиган юксак онгида, меҳнатнинг хаётдаги ролини англашида, хусусий ва жамоа меҳнатида тайёрлик, меҳнатни хурмат қилиш ва меҳнатсеварликда ифодаланади.

Ўқувчилар меҳнат жабҳаларида иштирок этишлари орқали узро ердан, муваффақиятдан қувониш, узи ва уртоғи меҳнатини адолатли баҳолаш фазилятларини шакллантиради.

Атрофдаги қишиларга ахлокий муносабат-шахснинг жамоатчилиқ, қўпчилиқ манфаатидан устун қуйишдир.

Жамоатчилиқ уқучида инсонпарварлик, меҳнатга муносабат, онгли интизомни шакллантиришда ердан беради.

Шахснинг узига, уз хулқига ахлокий муносабатни тарбиялашни - бу ўқувчини уз-узини онгли интизом руҳида тарбиялашга ургатишдан иборатдир. Интизом ахлокий норма бўлиб, шахснинг фуқаролик қиёфасини белгилайди.

Мақтаб ўқувчиларини қуйидаги интизом нормаларига қуниқтириш керак:

1. Кабул қилинган интизом қоидаларига уқишда, меҳнатда, буш вақтларида риоя қилишга эҳтиёж сезиш;
2. Уз-узини назорат қилиш ва уз хулқини идора қилиш;
3. Жамоада тартиб бузаётган, интизомсизлик қилаётган болаларга қарши фаол курашиш.

Интизом асосида онг этади, уни ирода бошқаради. Онгли интизомни таъминлайдиган катъийлик, ташаббускорлик, мустакиллик, узини тута билиш, уюшқоклик иродавий сифатлардир. Онгли интизом виждон ва ростгуйлик билан боғлиқ.

Ахлокий муносабатлар даставвал оилада шаклланади. Сунг оиладаги муносабатлар ясли ва болалар боғчаларида, мактаб ва олий ўқув юртлирида, жамоа жойларида такомиллашади. "... тарбияни, - дейди Абдулла Авлоний - тугилган кундан бошласак, вужудимизни кувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлокимизни гузалландурмак, зехнимизни равшандурмак лозим экан. Тарбияни кимлар килур? Қандай килинур? Бу саволга "биринчи уй тарбияси" деб жавоб бермак лозим". Демак, адиб хам оила тарбиясига ахамият беряпти.

Муаммонинг хулосаси:

Мактабда ахлокий тарбия беришга хилма-хил усуллар кулланилади. Куйида шу усуллардан намуналар келтирамыз:

1. Ахлокий тарбия ўқитиш жараёни билан кушиб олиб борилади. Буюк немис педагоги А.В.Дстерверг айтганидек, яхши ўқита билган ўқитувчи яхши тарбиялайди хам.

2. Ахлокий тарбия жараёнининг муваффақиятли ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ. Бунинг учун жамоа ахил ва инок болалар интизомли булиши керак.

3.Тарбиявий ишларнинг режали булиши ва хамжихатлик билан амалга оширилиши ахлокий тарбиянинг мувоффақиятини таъминлайди. А.С.Макаренконинг "10 та юкори малакали, уз холича ишлайдиган ўқитувчидан малакаси паст, бир екадан бош чикарадиган 5 та ўқитувчи афзал" деганини унитмаслик керак.

4. Мактабда ижобий эмоционал шарт-шароит яратиш ахлокий тарбия жараёнига фойдали таъсир этади. Масалан: Республика мустакиллиги куни, "Навруз" байрами .

5. Барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий ва ягона тартиб койдага риоя килишларига эришиш;

6. Ахлокий тарбияда онгни, тушунчаларини шакллантиришда тушунтириш, уктириш, сухбат, мунозара, лекция, рағбатлантириш, жазолаш усулларидан фойдаланиш;

7. Ахлокий одобни шакллантиришда машк, болаларни турли фаолиятини уюштириш;

8. Тарбиявий соатлар, (одобнома) дарсларини савиясини ошириш;

9. Мехнат илгори, илм-фан ходимлари, механт ва уруш фахрийлари, кўп болалали оналар, иймонли кариялар, хожилар билан ўқувчилар учрашувларини уюштириб бориш;



10. Мактабда турли-туман тадбирлар, адабий кечалар, байрам, олимпиада, фестивал, мусобакалар утказиш, кинотеатр, телевидение курсатувларидан, жумладан, "Оталар сузи-акилнинг кузи", "Маърифатнома" эшиттиришларидан янги ташкил этилган "Маънавият ва маърифат" маркази тавсияларидан фойдаланиш;

11. Дарс жараёни, синфдан ва мактабдан ташкари машгулотларда Шарк кадриятлари ва миллий анъаналари акс этган Куръони Карим, Хадис, "Хатамнома", "Одобнома", "Хикматнома", "Бозорнома", Кайковуснинг "Кобуснома", Юсух Хос Хожибнинг "Кутадгу Билиг", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Ибн Синонинг "Донишнома", Саддийнинг "Гулистон", "Бустон", А.Навоийнинг "Махбубул кулуб", Бобурнинг "Бобурнома", А.Авлонийнинг "Туркий гулистон ехуд ахлоқ", шунингдек, Хамза, Фитрат, М.Исмоилий, Х.Тухтабоев асарларини укиб урганиш лозим.

Таянч иборалар:

1. Ахлоқ-одобнинг лугавий маъноси.
2. Ахлокий тарбия
3. Ватанпарварлик
4. Байналминаллик

Савол ва топшириқлар:

1. Шахснинг ахлокий хислатлари.
2. Ахлокий тарбия мазмуни.
3. Ахлоқ тарбияси усуллари.
4. Мактабдаги "Одобнома" дарсларининг ахамияти.

Адабиётлар:

1. А.К.Мунавваров "Педагогика" Т."Ўқитувчи" 1996 йил.
2. И.Й.Турсунов. "Педлагогика курси" Т. "Ўқитувчи" 1997 йил.
3. У.Махкамов "Ахлоқ одоб сабоқлари" Т. "Фан" 1994 йил.
4. А.Авлоний "Туркий Гулистон ехуд ахлоқ" Т.1993 йил.

24.Мавзу: Таълим тарбияда педагогик ҳамкорликни ташкил этиш.

Р Е Ж А :

1. Педагогик ҳамкорлининг моҳияти.
2. Оила, маҳалла, жамоатчилик ҳамкорлиги.
3. Болалар ва усмирлар уюшмалари мактабдан ташкари муассасалари.
4. Синф раҳбарининг урни.

Инсонни табиат яратади, жамият тарбиялайди.  
Шунинг учун жамиятдаги тарбия ниҳоятда  
окилона мақсадга қаратилган бўлиши даркор.

Ўқувчи-ешлар шахсини шакллантириш ва ривожлантириш кўп омилли, киррали социал-педагогик жараён бўлиб, мактаб, маҳалла, ўқув юртлири, оила, ва ишлаб чиқариш жамоалари иштирок этади. Тарбиявий омилларнинг таъсири мослаштириш, бошқариш ва уларнинг умумий мақсад ва вазифаларини ҳал этишга, йуналтириш педагогик жамоаларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Педагогик ҳамкорлик ота-она ва ўқитувчи тарбиячиларни биргаликда, ҳамкорликда ҳал этадиган муаммоларини аниқ билишлари талаб этилади. Мактаб ва оила ҳамкорлигининг муҳим йуналишларидан бири таълим тарбия ишлари, мақсад ва вазифаларини ҳал қилиш. Буларга:

- а) фан асосларини чуқур ва пухта эгаллаб олиш.
- б) ўқувчи-ешларни жисмонан бақувват, юксак маънавий сифат ва нафосат дидларини устириш.
- в) ижодий қобилият ва истеъдодни устириш.
- г) меҳнатсеварлик ишалб чиқариш қасбларга қизиқишларини тарбиялаш.

Мактаб, оила ҳамкорлигининг муҳим томони фарзандларнинг уз шахсий сифатларини тарқиб топтиришга қаратилган ишлардир. Таҷриба шунини курсатадики, қайси оилада узаро ҳурмат, ишонч вазиятлари ҳукмрон бўлса уша оилада фарзандлар талабчан бўлибусадилар. Ота-онанинг билимдонлиги, талабчанлиги юксак маданиятлиги фарзандлар тарбиясида ижобий ис қолдиради. Бозор иқтисодиети вақтида фарзандларни пул топиш орқасидан қувишга ургатмоқдалар шунинг учун оилада фарзандларни тарбиялашда қуйидаги шарт-шароитларга риоя қилиш талаб этилади:

- оила ҳаётида ота-онанинг уз урнига ва уз вазифаларини сидқи дилдан бажарилиши;
- узаро ишонч, самимийлик, ҳалолик муносабатлари ҳукмронлик қилиши;
- ота-она фарзанд тарбиясига уз иши деб эмас, балқи жамият олдидаги фуқаролик бурқи деб қараши;
- оила ҳаётида узаро талабчанлик болага ҳурмат. баъзи оилаларда фарзанд орзуси истаклари билан ҳисоблашмайдилар.
- оилада меҳнат қилиш ва меҳнатсеварлик кадрланиши қерак.
- фарзандлари фаолияти устидан окилона назоратда бўлиши қерак.

Бундан ташкари, оиланинг куйидаги вазифалари бор. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тугрисидаги Қонун"даги ота-онанинг бурчи, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган;

- болани соғлом устириш, кийинтириш, овқатлантириш;
- билим олиш ва муассасага мунтазам катнашишини таъминлаш;
- вақтида дам олиш, меҳнат килиш, уйнаш фаолиятини ташкиллаш.

#### Мактабнинг вазифалари:

- ўқувчи ешларга пухта билим бериш;
- жамият кузда тутган сифатларни тарбиялашни таъминлаш;
- узининг ўқув-тарбиявий вазифаларидан оилани хабардор қилиб туриш;

Юқоридагилардан ташкари ота-оналар билан ташкилий ишлари мавжуд бўлиб, булар:

1. Ота-оналар йигилишлари ва анжуманлари; Бунда жуда кўп муаммолар ечилади. Масалан: "Болаларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш" "Болалар тарбиясида ота-онанинг обриси", "Болани оилада жисмоний ва аклий жихатдан тарбиялаш йуллари".

2. Ота-оналар кенгашлари.
3. Ота-оналарнинг педагогик саводхонлагини ошириш.
4. Айрим ота-оналар биллаш ишлаш.
5. Ота-оналарни мактаб ишларига жалб этиш.

#### Маҳалланинг вазифалари:

1. Оила билан мунтазам алоқада бўлиш.
2. Маҳаллада яшайдиган фуқароларнинг моддий шароитларини урганиб чиқиш, моддий ердамлар уюштириш.
3. Байрамларни ташкилотлар билан бирга уюштириш.
4. Намунавий оилаларни, носоғлом оилаларни, жинойтга майилли болаларни бор оилаларни ҳисобга олиш ва улар билан ишлаш.
5. Жинойтни утаб келган кишиларни ишга жойлаштириш.
6. Қария ва қаровсиз болаларга гамхурлик қилиш.
7. Маҳалла аҳолисини дам олиши учун турли масканлар қуриш.

Жамоат ташкилотлари ва ишлаб чиқариш қорхоналарининг вазифаси.

1. Мактаб ва оилаларга гамхурлик қилиш.
2. Моддий жихатдан таъминлашга ердам бериш.
3. Мактабларнинг ремонтга ердамлашиш, жиҳозлашни таъминлаш.
4. Йигилишларга уз вақилларини жунатиб туриш.
5. Уз қул остидаги ишчиларни болалари ҳаётдан хабардор бўлиш.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий-иқтисодий ва маънавий мустақиллиги мактаб ва ўқув юртларида болалар ва ўқувчи-ешлар уюшмалари

фаолиятига ҳар томонлама таъсир этади.Эндиликда "Ўзбекистон болалар-усмирлар уюшмаси" ва "Камолот ешлар ижтимоий ҳаракати" вужудга келди. Уз фаолиятини янги тамойиллар мазмуни асосида курди. Болалар ва ўқувчи-ешларни оммавий уюшмалари ихтиерий демократик тамойиллари асосида ташкил этилган булиб, асосий мақсади - болалар, усмирлар ва ўқувчи-ешлар ижтимоий эркинликларини хукукларини химоя килиш, ижтимоий ривожланишдаги эхтиежларини кондириш оркали Ўзбекистон келажаги булган акл-заковатли, билимдон, иймонли, меҳнатсевар комил инсонларни етиштириш. Ўзбекистон болалар ва усмирлар уюшмаси Низомида таъкидлаганидек, уюшмаган 10 ешдан ошган болалар аъзо буладилар. Уюшманинг бошлангич жамоалари қошида 6-7 ешдан 10 ешгача булган болалар гуруҳи тузилади. Низомда уюшма вазифалари сифатида куйидагилар курсатилади:

- болалар ва усмирлар ташкилотлари билан ҳамкорлик килиш;
- чет эл болалари ташкилотлари уртасида алоқаларни ривожлантириш;
- жисмоний ва маънавий соғлом ижтимоий фаол шахсларни шакллантириш;
- Республика тарихи, маданияти, иктисодиетини урганиш оркали уз ватанига мухаббатини шакллантириш;
- Эркин фикрлашни, атрофдагиларга хурмат билан карашни шакллантириш; Уларнинг шиори "Ватан, дустлик ва адолат учун" хисобланади. Низомда курсатилганидек уюшма аъзолари куйидаги асосий коидаларга амал киладилар:
- Суз ва иш бирлиги;
- Дуст ва уртокли;
- Бурч ва виждон;
- Катталарга анъаналарга садокат.

Болалар ва усмирлар уюшмаси фаолиятида таълим тарбия йуналишлари уч йуналишда амалга оширилади.

Биринчи йуналиш: Болалар ва усмирларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш. Мактаб ва маҳалладаги ижтимоий фойдали ишларга жалб этиш: кукаламзорлаштириш, метал, коғоз парчаларини йигиш, табиатни асраш, тежамкорлик ишларига жалб этиш оркали бозор иктисодиетига тайёрланади.

Иккинчи йуналиш: Ўзбекистон Ешлар иттифокига тайёрлаш, авлодлар занжирини тиклаш, сиесий кишиларни тарбиялаш.

Учинчи йуналиш: Таълим тарбия ишларининг мазмуни ва шакли келажаги унинг вазифаларидан келиб чиқади.

Болалар ва усмирларда Ўзбекистон Давлатининг келажаги буюклигига ишонч, эътиқодини тарбиялаш. Бунинг учун:

1. Халкимизнинг тарихий намоендалари истиклол учун курашганларини ҳаётини урганиш - Амир Темур, Файзулло Хужаев, Акмал Икромов, Шароф Рашидов каби шахслар ҳаётини урганиш; - халкимизни маданият тарихи намоендалари, алломалари Мусо Хоразмий, Ал-Фаргоний, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навои, Бобур меросини урганиш;

- Иктисодиетга оид суҳбатлар утказиш;

- табиатни саклашга, меросни асрашга ургатиш.

2. Билим олишга кизиктириш, устириш.

- Онгли интизомни тарбиялаш;

- Тугаракларга жалб этиш.

- Радио ва телевиденияни куриб бориш ва газета укиш.

3. Мехнат тарбияси сохасида:

- Оталик ташкилотлар билан таништириш.

- Махаллаларда ободомлаштириш ишларига катнашиш.

4. Одаб ахлоқ сохасида:

- Ногиронлар, қариялардан, болалар уйларида хабар олиб тури.

- Уртоклик, дустлик ҳақида суҳбатлар утказиш;

- Утил ва кизлар соғлом дустлигини тарбиялаш.

- Кекса авлодлар билан учрашувлар утказиш.

5. Нафосат тарбияси:

- Музей, театрларга бориш;

- Китоблар муҳокамасига катнашиш;

- Театр, адабиёт ҳафталиги утказиш;

- Кушиқчилик, рақс талантларини топиш;

6. Жисмоний тарбия сохасида:

- Эрталабки гимнастикани уюштириш;

- Ўзбекистон шонли армияси тарихи ва келажаги ҳақида суҳбатлар.

- Спорт мусобақаларига жалб этиш;

- Спорт байрамларини уюштириш;

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи фаолияти таълим тарбия масалалари. Ўқувчи ешларнинг оммавий уюшмаси - Ўзбекистон ешлар иттифоқи булиб, бу ташкилот 1994 йил 1 апрелдан узининг ҳаракат дастурини белгилаб олди.

- Ешлар ихтисослашган бирлашмаларини тузиш орқали, ўқувчи-ешларни, ишбилармонлик илмий англаш ташаббускорликни шакллантиришга кумаклашиш.

- Халқ таълимини ривожлантиришга хисса қушиш;

- Истеъдодли ўқувчи ва талабаларни чет элларда таълим олиш учун юбориш.

- Маънавий ва миллий тикланиш;

- Еш истеъдодларни топиш, устириш "Улугбек", "Истеъдод", "Қамолот" жамғармалари фаолиятига ердамлашиш;

- Таълим ва тарбия сохасида;

- Уз фаолияти ва хатти -ҳаракати билан Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи обрусини мустаҳкамлаш;

- Ешларда мамлакат Конституцияси Давлат Герби, Мадхияси, Байрогига Президент ва ҳукуматнинг ешларга оид сиесатини кучайтириш шахсан намуна курсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси яхлитлигини ва мустақиллигини химоя қилиш, ҳуқуқ тарғибот, жинойтчиликни олдини олишга уз хиссасини қушиш;

- Миллатлараро тотувлик, маданиятларини урганиш;

- Ўзбекистон ешлар иттифоқи фаолияти таълим тарбия ишлари йуналишлари.

Билимларни пухта эгаллаб олиш ва ўқув ишига жавобгарликни ошириш.

- Билимни пухта эгаллаш меросини урганиш;

- Илмий техникага жалб этиш;

- Гоявий маънавий сифатларини тарбиялаш;

- Ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятига жалб этиш;

- уз-узига хизмат, таъмирлаш ишларига жалб этиш, кабинетларни жихозлаш, давлат хужалигини ишларида катнашиш, майдончалар қуриш;

- Экосанга аъзо бўлиш;

#### Уюшмаларга раҳбарлик:

- Мактаб ва дам олиш уйлари етакчилар билан таъминлаш;

- Болалар ва усмирлар уюшмаларига етакчилар тайёрлаш;

- Болалар ва усмир фаоллари билан ишлаш;

- Болалар уюшмаларига киришга тайёрлаш;

Юкоридаги ишларга педагогик жамоалар, синф раҳбарлари, гуруҳ раҳбарлари бошчилик қилади ва йул-йуриқлар курсатади. Бундан ташқари ўқувчилар уюшмалари фаолиятлари курсатади.

Мактаб ташқри ўқувчилар уюшмалари фаолият курсатади. Ешларни комил инсон бўлиб етишлари учун оила ва мактабдан ташқари ердамчи таълим-тарбия муассасалари мавжуд. Булар каторига;

1. Мустқа мактаблари.

2. Спорт мактаблари.

3. Ўзбекистон болалар ва усмирлар уюшмаси уйлари.

4. Еш табиатшунослар уйлари.

5. Дам олиш лагерлари ва масканлари.

6. Мохир куллар ва техника уйлари.

#### Синф раҳбарлари урни.

Умумтаълим мактабларининг юкори синфларида тажрибали ўқитувчиларидан сиф раҳбари тайинланади. Чунки, бу синфларда ҳар бир предмет алоҳида ўқитилади. Шунинг учун предмет ўқитувчиларнинг фаолиятини бошқариш ва умумлаштириш лозим.

### Синф рахбари фаолиятининг асосий йуналишлари:

1. Синфларда ишлаётган ўқитувчилар ва ота-оналар билан ҳамкорликда ўқитувчиларни тарбиялаш.
2. Синф жамоасининг жипслаштириш.
3. Ўқитувчиларни билишга кизиқиш ва қобилиятини устириш.
4. Ўқитувчи саломатлигини химоя қилиш.
5. Ўқитиш ешлар уюшмаларига синфда рахбарлик қилиш.

### Таянч иборалар ва тушунчалар:

1. Педагогик ҳамкорлик.
2. Оила ва мактаб ҳамкорлиги асослари.
3. Махалланинг тарбиявий функциялари.
4. Болалар ва усмирлар ташкилотлари.
5. Синф рахбари- тарбиячи.

### Саволлар:

1. Педагогик ҳамкорлик нима?
2. Ҳамкорликда оиланинг урнинималардан иборат?
3. Махалланинг ҳамкорликдаги вазифаси нималардани иборат?
4. Болалар ва усмирларни қандай ташкилотлари бор?

### Адабиетлар:

1. Ш.Курбонов ва бошқалар "Баркамол авлод орзуси" "Шарк" Т.1999й.
2. И.Ф.Ҳармалов "Педагогика" М. "Олий таълим" 1990 йил.
3. С.Р.Ражабов "Педагогика" Т. "Ўқитувчи" 1981 йил.
4. В.А.Сухомлинский "Болаларга жоним фидо" "Ўқитувчи" Т.1984 йил.
5. А.К.Мунавваров "Оила педагогикаси" Т.

## 25 Мавзу: Педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқариш.

### Р Е Ж А :

1. Бозор иктисодиети муносабатига утиш шароитида таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва бошқариш.
2. Ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш ва бошқаришда мактаб директори ва унинг уринбосарлари ишлари.
3. Ўқув-тарбия ишларини режалаштириш.
4. Ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш ва бошқаришда фан ютуқлари, илгор тажрибаларидан фойдаланиш.
5. Илмий-услубий ишлар педагогик жараённи йулга қуйишнинг муҳим омили эканлиги.

"Бизга битирувчилар эмас мактаб таълими ва тарбиясини қурган шахслар керак".

И.А.Каримов.

Шукурки, халқимиз озодликка эришди. Мустақиллик йулидан шахдан қадамлар билан кетаётган Ўзбекистонимиз уз таракқиети мезонларини белгилаб олди. 5 тамойил асосида бозор муносабатларига утиш даврида барқарорликни сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг хал қилувчи шартлари жамиятимизнинг сиесий, иктисодий ҳаётини, ижтимоий соҳаларини чуқур ислох қилиш ва янгилаш жараёнларини жадал амалга оширишдан иборат эканлиги аён бўлди.

Маълуми, ижтимоий таракқиет масалаларига ҳар қандай жамиятда алоҳида этибор берилган, унга доимо давлат томонидан ердам қилинган, бу омиллар шахсий камол топиш жараёнига таъсир қилиб турган. Ваҳоланки, борлоқ келажагимиз учун "Битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини қурган шахслар керак".

Шу боис бозор иктисодиети муносабатларига утилатган бир пайитда мамлакатимиз иктисодий - ижтимоий таракқиетида, ҳаётида қўплаб ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирларда еш авлодга бўлган муносабат етакчи уринда туради.

Призидентимиз И.А.Каримов Олий мажлисининг IX -сессиясида таълим тизимининг жаҳон андозалари даражасига етқизиш, яъни уни тубдан ислох қилиш масаласини устивор сиесат даражасига олиб чиқди. Албатта, ешлар таълим тарбиясининг амалий ва маънавий жихатларига доир илгари сурилган муаммоларда ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш, уни тугри бошқариш етакчи уринлардан бирида туради.



Таълим Ўзбекистон маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Усиб келатган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намаен булади, касбкори, махорати узликсиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва еш авлодга утади.

Шунинг учун бугунги кунда таълим-тарбия ишларига алохида эътибор қаратилмоқда. Бу албатда, эртамиз ташвиши, уни яратиш ва шу яратишимизни яшнатиш билан боғлиқ. Давлатимиз юкори сифатли таълим учун шароитлар яратмоқда X-XII ва XIV-XV асрларда Мовароуннахр маданияти гуллаган даврда кўплаб шаҳарларда олий ўқув юртлари булиб, илмий марказлар ҳисобланар эди. Хозирги вақтда бу кутлуг анъана тикланмоқда. Бугун ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш ҳақида тинмай изланар эканмиз, истикболимизнинг бош тамойили вазифаларидан энг мухими сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамлашда асосий омиллардан бири комил инсонни тарбиялаш муаммоси куйилган. Чунки, маҳсадимизга эришишимиз, янги жамият қуришимиз, сиесатда, иқтисодда ҳам манавият соҳасида барча ислохотларнинг тақдири усиб келатган еш авлодга ва унинг биз беришимиз керак бўлган таълим тарбиясига боғлиқ.

Давлат мустақиллигининг вужудга келиши, демократиялаштириш, миллий уз-узини англашнинг юксалиши шароитида таълим олдида турган муаммоларнинг туб моҳияти таълим структураси, мазмуни, иқтисодидаги туб узгаришларнинг амалга оширилишини таъминловчи чора тадбирлар ва воситаларни аниқлашдан ҳамда маскур тизимини бошқариш усулларида жамиятда содир булаётган узгаришларга мос келувчи қайта қуришдан иборат.

Аммо ўқув-тарбия жараёнлари олдида шундай муаммолар қадқурадики, энди таълим жараёнини узгартириш шарт булиб қолди. Ўқувчиларнинг онгли равишда уз ҳаёт йулларини танлаб олишда қийналатганликларига, шахсий мулоҳазаларини лунда, мустақил ифода эта олмасликлари, ешларнинг касб-хунарсиз қолиб, мустақил меҳнат фаолиятига тайёргарлик қура олмай қолишлари, муаммоларни янада қигаллашувига олиб қелди.

11 йиллик умумий урта таълимнинг илмий жихатдан асослаб берилмаганлиги, шунингдек умумий урта таълимдаги ўқув жараёнининг уртамиена ўқувчилар билимига мос йуналтирилганлиги юкоридаги муаммолар ечимини қийинлаштирди. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда "Таълим тугрисида Қонун" ва "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди. 1997 йилда бу ислохотлар бошланиб, юкоридаги ҳужжатлар ҳаётга тадбиқ қилинди, қилинмоқда.

Мақтабнинг янги дастурига утиши, педагогик жараёнларнинг сифати оширилатган даврда олдимизда умумий урта таълимни, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга, ўқитиш ишларининг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашга ердам берадиган барча омиллардан тула фойдаланиш вазифаси туриши тамойила қонунийдир. Бу омиллар орасида мақтаб директори ва

уринбосарларининг мактаб ичидаги ишларга рахбарлик килишини яхшилаш гоят мухим роль уйнайди.

Мактаб рахбари зиммасига еш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини, инсон шахсини камол топтиришдек улут ишни бажариш вазифаси юкланган. Бу бошқаришга доир қарорлар ишлаб чиқариш, уларни амалга ошириш, уларнинг бажарилишини назорат қилиб - буларнинг бари директор вазифаларига қиради. Директор фақат педагог-ташқилотчигина эмас, энг яхши ўқитувчи ва бош тарбиячи ҳамдир. Лекин рахбарлик жуда кўп кишиларнинг тўплаган тажрибаси ва билимига, омманинг, ижодий ташаббуси ва активлик муяниб иш тутилган тақдирдагина муваффақиятли булиши мумкин, шунинг учун директор ишга ижобий муносабатда бўлмаса, ҳаёт талабани сезмаса, янгилик қуртакларидан, илғор тажрибалардан фойдаланмаса, мактаб жамоасининг ташаббуслари ва бошланган ижодий ишларни қўллаб-қувватламаса, асл рахбар ҳисоблаймайди.

Таълим-тарбия вазифаларининг хилма-хиллиги ва мураккаблиги мактаб рахбарлардан ўқитувчи ва синф рахбарларининг гоёвий-назарий савиясини оширишга, ота-оналарнинг умумий педагогик маданиятини юксалтиришга эътибор беришни талаб қилади. Таълим-тарбия ишидаги энг хавfli нарса-расмиятчилик деб биламан. Агар директор мактабга расмиятчилик йули билан рахбарлик қилса, ўқитувчилар уз ишларига ижодий ендашмайдилар, ташаббускорлик орқага кетади. Йук, рахбар хужакурсинлик учун юзаки ишламайди. Айниқса, бугунги утиш даври учун бу бутунлай ев нарсадир.

Мактаб директорининг вазифаси 5та булиб, булар қуйидагилра:

1. Мактабни етук, мутахассис кадрлар билан таъминлаш.
2. Мактаб микрорайонидаги ўқув ешидаги болаларни тўлиқ мактабга тортиш.
3. Ўқув-тарбия жараёнини ташқил этиш.
4. Ота-оналар ва жамоатчиликнинг мактаб билан алоқасини ривожлантириш.
5. Мактабни моддий-техника базасини яратиш.

Мактаб директорининг асосий вазифасидан бири таълим-тарбия ишига рахбарлик қилишнинг мунтазам системасини яратишдирки, бу система мактаб жамоаси фаолияти, ўқувчиларнинг маънавий етук, қомил инсон-шахс даражасигача ўқитиш ва тарбиялашга ердам берадиган тарзда йулга қуйишни таъминлаши керак.

Хозирги пайтда ўқитувчилар моддий аҳволини яхшилаш ишлари йулга қуйилмоқда. Лекин ўқитувчилар узи ҳам бу эътиборга лойиқ булиши керак. Бунинг учун мактаб директори дарсларга қириши, ўқитувчилар билан суҳбатлашиб туриши, уз малақаларини оширишни, амалий иш билан қандай боғлаб олиб бораётганликларига эътибор бериши, мухим ишларда уларга айниқса, эътиборга муҳтож бўлган еш педагогларга - ердам қилиш керак. Ахир мактаб ичидаги назоратни амалга оширишгана таълим-тарбия жараёнининг асардорлигини оширади-ку тугрими? Аммо шуни таъкидлаш жоизки, директор ўқитувчилар ва синф рахбарлари ишининг самарадорлигини фақат уз

кузатишлари натижасига караб эмас, бошка йуллар билан ҳам анийлайди. Масалан: вақти-вақти билан ўқувчиларнинг дафтарлари ва кундаликларини олиб куради, ота-оналари билан суҳбатлашади.

Айни пайтда тажрибали мактаб рахбари ўқувчилар ва синф рахбари фаолиятини, уларнинг касбдошлари иш тажрибасини юзаки равишда эмас, балки яхши англаб ижодий суратда узлаштирадиган, уни уз синфларидаги болаларнинг эътиборига олиб кулланадиган қилиб ташкил этади. Таълим-тарбия жараёнига рахбарлик қилишда директорга унинг таълим-тарбия иши бўйича уринбосари ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкilotчиси ердам беради. Директорнинг таълим-тарбия иши бўйича уринбосари, одатда ўқитувчиларнинг дарс жараёнидаги тарбиявий ишларини йуналтиради ва назорат қилади. Ташкilotчи эса мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда бевосита иштирок қилиш билан бирга, синф рахбари актив ва талантли ўқувчилар уртасида методик иш ҳам олиб боради.

Тарбиявий иш билан шугулланувчи педагогларга йул-йурик беришда мактаб директори билан бир каторда унинг таълим-тарбия иши бўйича уринбосари, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкilotчиси ҳам иштирок этади.

Шундай қилиб директор қуйидаги вазифаларни бажаради: яъни ўқув йилида ўқувчиларни тарбиялашнинг асосий масалалари муҳокама қилинадиган пед кенгаш утказиш, ўқув йили охирида бу муҳокамалар юзасидан қилинадиган ишлар натижасини яқунлаш, энг катта тадбирларни анализ қилиш, назарий масалаларни муҳокамага қуйиш каби.

Директорнинг таълим-тарбия иши бўйича уринбосари эса синфдан ташқари машгулотларни олиб борадиган ва бу машгулотлар орқали уз тарбиявий вазифаларини амалга оширадиган ўқитувчиларга йул-йурик беради. Уларнинг ишини назорат қилиб туради, синфдан ташқари машгулотлар жадвалини тузади.

Синфдан ташқари тарбиявий иш ташкilotчиси мактаб ўқувчиларни орасида тарбиявий иш олиб боровчи асосий кишидир. У мактабнинг дарсдан ташқари вақтда олиб борадиган ҳамма ишларни бир-бирига мувофиқлаштириб, тарбия жараёни учун зарур қулай шароитларни яратади: синфдан ташқари баъзи машгулотларни узи ташкил қилади ва утказиши.

Хозирги пайтда таълим соҳасида булаётган ҳар бир янгиликдан, биринчи навбатда, мактаб директори ва унинг уринбосарлари баробар булишлари жоиз. Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси мактаб рахбарлари олига тобора кўпроқ талабларни қуйилаётганлигини курсатади.

Бошқарув меҳнатни инсоннинг бошқарув вазифаларини амалга ошириш жааренида бажариладиган ҳаракат ва жараёнларда узининг аниқ ифодасини топади. Бошқарув вазифалари ердамида эса система (педагогик жараён) нинг ҳаракати, ривожланиши ва такомиллашуви, унинг барқарорлиги ва ҳаётчанлиги таъминланади. Қуйидаги бошқарув вазифаларини ажратиш курсатиш мумкин: қарорларнинг бажарилиш жараёнини педагогик таҳлил қилиш, режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ватартибга солиш туриш. Педагогик жараённинг

самарадорлиги мактаб рахбарининг барча бошқарув вазифаларини сифатли бажаришлари, уларнинг фаол ва уйғун ҳамкорлиги билан баб-баравар белгиланади, улардан бирининг ахамиятини пасайтириб юбориш муқаррар равишда бутун система бирлигини бузулишига олиб келади.

Режалаштириш илмий бошқариш ва рахбарликнинг марказий бугини ва асосидир. Режа ҳар қандай жамоага фаолиятининг аниқ мақсадларга ҳамда вазифаларини ва унга эришиш воситаларини белгилаб беради. Режанинг ахамияти шундан ҳам иборатки, у пировард натижада фақат нимага эришиш кераклигини эмас, балки буни қандай уддалаш режани бажаришнинг қандай воситалари борлиги ҳамда унинг бажарилиши вақт ва маконда ривожланиши кераклигини курсатиб бермоғи лозим. Режалаштиришнинг асосий мақсади педагогик фаолиятнинг энг мақбул марраларини белгилаш, ўқитувчиларнинг ижодий куч-гайратларини таълим ва тарбия жараёнларини узлуксиз такомиллаштира боришга, унда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларидан фойдаланишга оид ишларни дастурлаштиришга, ақлий меҳнат, ахлокий, жисмоний ва эстетик тарбиянинг узаро сингиб кетишини таъминлашга сафарбар қилишдир.

Таълим-тарбия ишларини ягона режа асосида ташкил қилиш ва олиб бориш тугри бошқарув услубининг ажралмас қисмидир. Бу бошқарув пухта тузилган режа билан бевосита боғлиқдир. Режа эса мактаб жамоаси билан биргаликда, ҳам фикрликда тузилади.

Умумий таълим мактаблари учун шартли равишда қабул қилинган иш режалар мавжуд:

Вақт бўйича (беш йиллик, ўқув йили, ярим йиллик, чорак йиллик, ой, ҳафта) тизими бирлигига кура мактабнинг иш режаси, ўқитувчилар, синф раҳбари метод бирлашмаларининг, дарснинг режалари...

Таълим-тарбия фаолиятини режалаштириш режанинг мазмунини системали аниқ белгилаб чиқишни кузда тутуди.

"Таълим-тарбия ишлари" бўлими режада асосий бўлими ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнлари ягона жараён ҳисобланса-да, бироқ улардан ҳар қайсики уз хусусиятига эга бўлиб, алоҳида ендашувни ва алоҳида амалга оширилиш усулларини талаб этади.

Режада мактаб бир мунча қийинчиликлар келтириб чиқарадиган ва ўқитувчилар ҳамда мактаб раҳбарлари эътиборини қаратиш лозим бўлган масалалар алоҳида ажратиб курсатилиши керак. Бу уринда бошланаётган ўқув йилида мактаб олдига қўйиладиган янги вазифаларни ҳисобга олиш мақсуд мактаб утган ўқув йилларида эришга ҳамда бу ўқув йилида эришилмоғи лозим бўлган даражани аниқ белгилаш керак.

Биз яшаётган жаҳмиётда шу жаҳмиёт тараккий этмоғи учун инсоншаҳс юесак интеллектуал потенциалга эга бўлиши керак. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни умуман педагогик жараённи илмий асосда бошқарув зарурати ана шундан келиб чиқади. Бу шаклдаги бошқариш, умумий таълим

мактаблари, халк таълими органлари,хунар-техника билим юртлари,урта махсус ва олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқаришни фан, адабиёт, санъат, маданият сохаларни бошқаришни узичига олади.

Мактабда педагогик фаолиятни илмий асосда ташкил килиш муаммоси кўпинча дарсда вақтдан унумли фойдаланишдан, синфдан ташқари тадбирлардан ва ўқувчи-тарбиячиларнинг ижтимоий топширикларини тартибга солишдан иборат деб каралади. Педагогик жараёни илмий асосда ташкил этиш мазмуни анча кенг булиб, унга аввало, ходимларнинг малакаси, қобилияти ва кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни тугри танлаш ва жой-жойига қуйиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қулланилаётган усуллари тизимини узлуксиз такомиллаштириш ва таълим тарбия жараёнига техника воситаларини жорий этиш масалалари қиради. Унда педагогик иш режасини, мактабнинг кунлар, ҳафталар, ойлар ва чораклар буйича иш тартибини такомиллаштириш, педагоглар кенгаш мажлисларини, илмий-услубий ва педагогик ҳарактердаги конференциялар, йигилишлар каби тадбирларни утказиш ва бу ишни мохирона режалаштириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш назарда тутилади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш: бошқарувчилик, педагогик ва ўқувчилар меҳнатини тартибга солишга, меҳнат қилиш учун қулай шароитларни яратиш ва уларни такомиллаштиришга, шу асосда қучлар, моддий воситаларни ҳамда вақтни мумкин қадар тежаб энг яхши натижаларга эришишга ердам беради. Фан ютуқларини ва илгор тажрибани ўқитувчиларнинг ишга доим сингдириб бориш жараён, ўқитувчи меҳнати самарадорлигини ошириш ҳам педагогик жараёни илмий асосда ташкил этиш ҳисобланади.

Педагогларга илмий-амалий конференцияда чиқиб сузлаш, доклад қилиш, газета, журналлар учун илмий мақолалар тайёрлаш вазифаси топширилади. Агар ҳар бир ўқитувчи ижодкор булса, семинар-дарслар, ролли дарслар, амалий уйинлар, наватор ўқитувчилар билан учрашувлар утказса. Уз ишига жон-дили билан ендашса, унинг ўқувчилари нафакат дарсга, келажакка кизиқишлари, интилишлари ортади, онги тиниклашади. Бу эса педагогик жараёнинг юксалишига олиб келади. Педагогик жараёни тегри йулга қуйишгина президентимиз И.А.Каримов айтган шахсларни қамол топтиради.

Таянч иборалар ва тушунчалар:

1. Бошқариш тизими муаммолари.
2. Бошқариш органларининг масъулиятлари.
3. Илмий-услубий ишларга қуйиладиган ҳозирги замон талаблари.
4. Интеллектуал потенциалга эга булиш.

### Саволлар:

1. Педагогик жараёни бошқаришнинг ҳукукий асослари нималарда акс этган?
2. Бошқариш органларига қайси ташкилотлар киради?
3. Услубий ишларга қандай талаблар қуйилмоқда?
4. Узлуксиз таълим тизимини таърифланг.

### Адабиетлар:

1. И.А.Каримов "Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиетининг пойдевори" "Шарк" Т.1997 йил.
2. П.Т.Фролов "Еш директор мактаби" Т.1991 йил.
3. "Мактабшунослик масалалари" Т. 1978 йил.
4. "Халқ таълими" журнали 1996-97 й сонлари.

26 Мавзу Кадрлар тайёрлашнинг стратегик вазифалари. (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида).

Р Е Ж А:

1. Таълим тизимидаги ютуқлар ва муаммолар.
2. Таълим тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда устувор йуналишлар ва вазифалар.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий коидалари, принциплари, асослари.
4. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.

"Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараккий этган иктисоди билан эмас балки билимдон, маънавий жихатдан етук фарзандлари билан хам жахонни коил қолиш лозим".

И.Каримов

Бугунги кунда Ўзбекистонда исчил, кенг камровли, туб ислохотлар мувафақияти билан амалга оширилатганлиги бутун дуне ахлига, барчамизга маълум. Ислохотларнинг ижодкори, муаллифи сифатида Президентимиз И.А.Каримов томонидан мамлакатимиз хаётининг кўпгина сохаларидаги ислохотларнинг дастури ишлаб чиқилган. Ислохотларнинг асосий максвди, вазифалари, йуналишлари ва мазмуни Президент асарларида, маъруза ва нутқларида назарий жихатдан ҳар томонлама асослаб беради. Сиесат, иктисодиет, маънавийят каби сохалардаги ислохотлар бир-бирини тоқлзл этади.

Утказилаётган ислохотлар, узгаришлар халқимиз томонидан куллаб қувватланмоқда. Шунингдек кўпчилик хорижий мамлакатларда Ма-малакатимизнинг обрү-эътибори ортиб бормоқда.

Бугунги кунда ўқувчилар ва талабаларнинг компьютер саводхонлиги, чет тилларини билиши, умумий савияси, тафаккури ва дунекараши ривожланиб бормоқда.

Мактабгача таълим тизимининг узидаек чет тили, компьютер, Тасвирий санъат ва мусикани ургатувчи 800 дан ортик гуруҳ ташкил этилган.

Академик лицей, иккктидорли ешлар мактаб интернатлари, касб-хунар колледжлари, умумий таълим мактаблари тармоқлари ривожланмоқда. Республикамизда 250 дан ортик лицейлар ва 150 тага яқин гимназиялар фаолият курсатмоқда.

Ракобатбартдош, ҳар томонлама барқамол, етук мутахасислар таерлаш мақсадига қаратилган, мехнат бозорини, энг аввало кишлок жойларида мехнат бозорини шакллантиришнинг худудий хусусиятларини хисобга олган холда

хунар-техника тизими кайта ташкил этилмокда. Призидентимиз ташаббуслари билан 1999 йилда Вилоят марказларида ва ҳар бир раенда касб-хунар колледжлари учун замонавий талабдаги курилишлар бошланади. Бунга 35.5 миллиард атрофида маблаг ажратилди. Хозир 442 ўқув юрти, 209 касб-хунар мактаби, 180 касб-хунар лицейи ва 53 бизнес-мактаби янгича, миллий дастур асосида ривожланмокда.

Республикамизда 197 минг киши таълим олаётган 258 урта касб-хунар таълим ўқув юртлари ишлаб турибди. Ўзбекистон олий мактаби тизимида 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 унверситет ва 42 институтни уз ичига олади, уларда 164 мингдан ортиқ талаба таълим олмокда. 16 унверситетнинг 12 таси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларида ташкил этилган. 1999 йилда Тошкент Ислон унверситетини ташкил этиш тугрисида Президент фармони эълон килинди. Олий таълим тизимида Бавалавр ва Магистр мутахассислари таерлаш амалга оширилмокда.

Абитуриентлар, талабалар ва ўқувчилар билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илгор усуллари жорий этилмокда. Олий малакали ва илмий-педагогик кадрлар таерлаш кенгаймокда. Кўплаб ешлар ривожланган мамлакатларда АКШ, Франция, Германия, Япония каби давлат унверситет ва олий ўқув юртларида тахсил олишга юборилмокда.

Республикамизда кадрлар малакасини ошириш ва кайта таерлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди. Иктидорли болалар ва ўқувчи - ешларни куллаб-куватлаш буйича махсус фондлар ташкил этилган булиб, маълум ютукларга эришилмокда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида давлат сиесати таълим тугрисидаги Конуни ва Кадрлар таерлашнинг миллий дастури асосида изчил амалга оширилмокда. Бу йил янги ички махсулотнинг 8.1% таълимга сарф этилмокда. Дунедаги бирор мамлакатда бундай юкори усиш курсаткичи кайд этилган эмас. Мамлакатимизда эришилган ютуклари янада мустахамлаш, ислохотларни янада чуқурлаштириб истикболли соҳаларда янги ютукларга эришиш мақсадида Президентимиз томонидан Олий Мажлиснинг 1999 йил. XIV сессиясида мамлакатимиз ривожланишининг стратегик уствор йуналишлари белгилаб берилди:

1 - йуналиш Мамлакат сиесий, иктисодий хаетини, давлат ва жамият курулишини янада эркинлаштириш;

2 - йуналиш Жамият маънавиятини янада юксалтириш;

3 - йуналиш Кадрлар тайёрлаш масаласи;

4 - йуналиш Халк турмуш даражасини изчил ва баркарор усиши, аҳолини янада кучли ижтимоий химоя килиниши;

5 - йуналиш Жамиятда баркарорлик, тинчлик, миллатлар ва фукаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз худудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.



Юкоридаги, Президентимиз томонидан олга сурилган беш уствор йуналиш, албатта, бир - бири билан боглик булиб, бирини хал этилиши иккинчисига ва хаказо богликдир. Айникса, учинчи уствор йуналиш - кадрлар масаласи "Биз олдимизга қандай вазифа куймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати тугилмасин, гап охир окибатда, барибир кадрларга ва яна кадрларга булиб такалаверади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, урнимизга ким келшига ёки бошқачарок айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боглик.

Олий Мажлис IX сессиясида кабул килинган Кадрлар тайёрлаш буйича Миллий дастур амалга ошириш, хаетга тадбик этиш, хеч бир муболагасиз, стратегик мақсадларимиз фаровон, кудратли, демократик давлат, эркин фукаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси булмоги зарур". (И.А.Каримов).

Президентимиз томонидан: Мамлакатимиз келажаги учун Олий Мажлиснинг IX сессиясида кабул килинган Кадрлар тайёрлаш буйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши жуда мухим ахамиятга эга эканлиги асослаб берилди. Бу дастурни, яъни стратегик вазифа сифатида кадрлар тайёрлаш масаласида дастурни амалга ошириш учун жавобгар кишилар олдига куйидаги вазифалар куйилди:

1. Янги ўқув йили бошлангунга кадар таълим тизимида мазкур тажриба қандай утаетганини ва уни дастлабки натижаларни чукур тахлил этиб, таълим андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига ислохотларнинг бош мақсадидан келиб чиккан холда, яъни янги авлодни камол топтиришга каратилган зарур тузатишлар киритиш.
2. Янги дарсликларни, педагогива ахборот технологияларини уз вақтида ишлаб чикиш ва жорий этишни таъминлашни алохида назорат остига олиш.
3. Юкори малакали педагоглар кадрлар тайёрлаш ва кайта тайёрлашга алохида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс - фукарони камол топтириш уртача синф хоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабок беришига боглик. Умуман ислохот йилларида биргина урта махсус, касб - хунар таълими учун 86 та янги мухандислик - педагогик йуналишлар буйича 50 мингдан ортик педагог кадрлар тайёрлаш лозим булади.
4. Иктисослашган курулиш треслари тузишни нихоясига етказиш, барча зарур лойха - смета хужжатларни тайёрлаш ва дастурда белгиланган академик лицейлар ва касб хунар коллежларини фойдаланишга топшириш ишларини тула хажмда бажарилиш. Жорий йилда ва 2000 йилда Республиканинг ҳар бир тумани ва шахри замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб хунар коллежи ва 15 та академик лицейни куриб фойдаланишга топшириш лозим. 2006 йилга кадар Республикамизда 1611 та касб хунар коллежи ва 161 та академик лицейдан иборат булган урта махсус ва касб хунар ўқув юртларининг замонавий тармоклари бунед этилиши керак. Бу туккизинчи синфларни битирувчиларни урта махсус, касб хунар таълими мактабларига тула камраб олинишини таъминлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилатган барча ислохотларнинг тақдири кадрлар тайёрлаш билан чанбарчас боғлиқ эканлигини аниқ ва равшан англаб олишимиз зарур эканлигини Президентимиз таъкидлаб: Узини мамлакатимизнинг хақиқий ватанпарвари деб биладиган ҳар бир киши бу дастурни амалга оширишга уз меҳнатини ва уз ҳиссасини қушишга чақирди ва бунга ишонч билдирди.

Таълимнинг умумий, кенг маънодаги стратегик мақсади баркамол авлодни тарбиялаш эканлиги. Президентимиз томонидан асослаб берилган эди. И.А.Каримов баркамол авлод Ўзбекистон тараққиятининг пойдевори - дея баркамол авлодни тарбиялаш гоёсини олга сураб экан, миллий кадриятларимиз, шарқона таълим-тарбия гоёлари билан боғлаб асосладилар. Президентимиз фикрича, мамлакатимиздаги ислохот "модель" лари билан тугридан - тугри такқослаш, қиёслаш ярамайди, чунки Ўзбекистоннинг хусусиятлари, имкониятлари узига ҳосдир. Ҳар қандай халқ ёки миллат уз миллий, маънавий, табиий маданий қаби хусусиятларга эга.

Ҳозирги замон ижтимоий-гуманитар фанлар ютуқлари, олимларнинг илмий-тадқиқотларида асосланишича, маънавий-ахлоқий сифат ва фазилатлар айрим кишиларнинг истак-хихоши билангина ёки уз-узидан таркиб топғна расм-русм ва урф-одатлар таъсирида ҳам эмас, балки шу халқнинг иқтисодий имконияти, турмуш тарзи, табиий муҳити шу халқнинг зарурий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ақлан ва қонунан таркиб топади. Айрим халқлар еввойича турмуш кечиради, уларнинг турмуш тарзи ижтимоий омиллар билан боғлиқ булган, деган гайри-илмий назарияларни илм-фан рад этганлиги бежиз эмас. Чунки маънавий-маърифий эҳтиёжлар ортган сари таълим тарбия жараёнини такомиллаштириш даражасига булган талаб ҳам ортиб боради. Бинобарин, рақобатбардош, етук мутахассиснинг сифат ва фазилатлари уз-узидан шаклланиб қолмас экан. Уларни шакллантириш, таркиб топтиришнинг хақиқий манбалари ва сабабларини ривожлантириш талаб этилади. Президентимиз томонидан Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш вазифалари бизнинг фикримизча асос булади.

Миллий дастурнинг асосий қоидалари нималардан иборат ва улар қандай асосларга эга: Миллий дастурда қузда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун утган йили 103.1 миллиард сум сарфланди. Бу йил бу мақсад учун бюджетдан 143 миллиард сум ажратилган. Шундан 30.5 миллиард сум академик лицей ва қасб ҳунар коллежлари барпо этишга сарфланади. Ўзбекистон таълимга сарф қилинаётган ҳаражатлар буйича жаҳондаги етакчи мамлакатларга яқинлашиб қолганини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин: утган йили Республикаимизда таълимга ялпи ички маҳсулотни 7.6% сарфланган эди. Етакчи мамлакатларда бу қурсатғич қуйидагича: Данияда - 8.4%; Швецияда - 7.8%. Бу йил Ўзбекистонга таълимга кетадиган ҳаражатлар янада ошади ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг 8.1% ташкил этади.

Мустақиллик шароитида (янги шароитда) кадрлар тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантириш учун қайси тамойиллар асос қилиб олинди?

1. Таълимнинг устиворлиги.
2. Таълимнинг узлуксизлиги.
3. Таълим ва тарбия, илм-фан, ишлаб чиқариш ва амалиётни узаро боғлиги.
4. Миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан табиий равишда уйғунлашган, ўзбек халқи маданиятини саклаш ва бойитиш, таълимнинг миллий тараккиятининг муҳим омили эканлигини эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятига ҳурмат билан қарашга асосланган таълимнинг миллий йўналиши.
5. Таълимнинг демократлаштириш таълим ва тарбия усуллари танилашда ўқув юртининг муваққиллигини таъминлаш, таълимни бошқаришда инсон манфаатлари устивор ҳисобланган давлат - жамоат тизимига ўтиш.
6. Таълимнинг инсон манфаатларига бўйсундириш инсоннинг энг олий ижтимоий қадрият даражасига қўтариш, унинг қобилиятларини рўйбга чиқариш ва таълим олишга бўлган эҳтиёжларни қондириш, умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш, инсон ва атроф муҳит, жамият ва табиат уртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш.
7. Таълимни инсон манфаатларига қаратиш ўқувчиларда оламнинг яхлит манзарасини юксак маънавият, маданият ва оламшумул тафаккурни шакллантириш.
8. Таълим босқичларининг давомийлиги ва босқичлиги, шахснинг ўз талаб ва қобилиятларига мос келадиган таълим шакллари, ўқув тарбия масканлари, таълим тарбия усуллари танилаш имконини яратиш, ўқув тарбия жараёнини табақалаштириш ва ҳар бир шахсга мослаш.
9. Оммавий таълимни ҳар бир босқичда сара таълим билан қўшиб олиб бориш, иқтидорли, истеъдодли ешларни аниқлаш, етакчи олий ўқув юртинда, шу жумладан жуда тараккий этган хорижий мамлакатларда мунтазам равишда юксак даражада фундаментал ва махсус билим олиш учун шароит яратиш.

Ўқоридаги тамойилларнинг барчаси Қадрлар тайёрлаш миллий дастуридан олинган бўлиб Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқларида асосланган ва қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур концепциясини ишлаб чиққанлиги ва уни амалга оширганлиги учун "Олий мактаб фанлари халқаро Академиясининг фахрий Академиги этиб сайланди".

Қадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш;
2. Педагог ва илмий-педагог қадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
3. Таълим жараёнини мазмунан ислох қилиш;
4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар;

5. Иктидорли болалар ва истеъдодли ешлар;
6. Таълим тизимини бошқариш;
7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш;
8. Таълим тизимини молиялаш;
9. Моддий - техника таъминоти;
10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш;
11. Таълим хизмати курсатиш бозорини ривожлантириш;
12. Таълим соҳасида ижтимоий қафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан куллаб-қувватлаш;
13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш;
14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш;
15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикасини таълим тизими.

Давлат ва  
нодавлат  
таълим муас-  
сасалари.

Тадқикот  
ишларини бажа-  
рувчи илмий-  
педагогик  
муассасалар.

Таълим соҳасидаги  
бошқарув  
органлари.

### Таянч иборалар:

1. Академик лицей
2. Касб - хунар коллежлари
3. Узлуксиз таълим
4. Ракобатбардошлик
5. Бизнес мактаби
6. Таълим соҳасидаги давлат сиесати
7. Ўзбекистонда таълим тизими.

### Савол ва топшириқлар:

1. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.
2. Кадрлар тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантириш принциплари.
3. Таълим тугрисидаги қонун ва Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этилиши.
4. Узлуксиз таълим тизими ва таълим турлари.

### Адабиетлар:

1. И.А.Каримов. "Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиетининг пойдевори". Т."Ўзбекистон" 1997йил.
2. И.А.Каримов."Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" Т. 1999 йил.
3. И.А.Каримов."Ўзбекистон буюк келажак сари" Т.1999 йил.
4. И.А.Каримов."Баркамол авлод орзуси". Т. 1999 йил.
5. "Халқ таълими", "Тафаккур", "Мулоқот" журналлари, "Маърифат" ружномаси.

27 Мавзу: Педагогик диагностика ва коррекция ишлари.

### РЕЖА :

1. Педагогик фаолиятда диагностика ва коррекция ишлари.

2. Таълим-тарбия ишлари натижаларини урганиш ва таҳлил этишни асосий тамойил-шакллари.
3. Педагогик жараёнда коррекция ишларини амалга ошириш тамойиллари.
4. Педагогик жараёнда каровсизликни олдини олиш йуллари.
5. Буш узлаштирувчи, тарбияси огир ўқувчилар билан ишлаш шакллари.

Ўқувчиларни касб хунарга йуналтириш психологик ва педагогик шахс марказлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 май 1998 йил 203-сонли қарори асосида ташкил этилди. Ўқувчиларни касб хунарга йуналтириш психологик-педагогик ташхис марказлари ҳар бир шаҳар, туман халқ таълими бўлимларида уз ҳудудлари доирасида ўқувчиларнинг касб йуналишлари акли ва касбий қобилиятларини мактаб жамоаси ва психологлари билан биргаликда мунтазам равишда урганиш, назорат этиш, тегишли амалий маслаҳатлар бериш, мактабдан кейинги истикболий ривожланиш йулларини таъминлаш мақсадида тузилади.

Марказ Республика истеъдод Маркази ва у орқали бошқа илмий методик ташкилотларининг раҳбарлигида ўқувчиларнинг касб хунарга лаёқат йуналишлари ва қобилиятлари савиясини аниқлаш (ташхис) ишларини мактабларда мунтазам равишда олиб борилади, ҳар бир ўқувчи ҳақида унинг кизикишлари, интилиш ва лаёқатлари эришга ютук ва камчиликлари, ақлий ва умумий ривожланиши ҳақидаги кўп йиллик педагогик ва психологик ташхис маълумотлари захирасини ташкил этади, тартибга келтиради, махсус дафтар ва дастурларда қайд қилиб боради. Бир неча йиллик ривожланиш курсаткичлардан ҳар бир боланинг ривожланиш жараёнидаги узига ҳослигини аниқлайди, тегишли хунар таълимини олишда психофизиологик талабларга мувофиқлигини белгилайди мактабни битириш арафасида ўқувчига асосли равишда кейинги таълим йуналишини танлашда кумаклашади ва тегишли тавсиялар беради.

Ҳар бир битирувчи тугрисида кўп йиллик таълими жараёнида йигилган маълумотлар захирасини ижодий таҳлил этиб, педагогик касбий ва психологик ташхис натижаларига асосланиб, унинг мактабдан кейинги касбий таълим йуналишини белгилайди ва тегишли хулосаларини махсус ҳужжат сифатида бериладиган тавсияномаларида акс эттиради.

Марказ Республика Истеъдод маркази, Республика илмий методик муассасалари ва чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб илмий тадқиқий илмий методик ишларини бажаришда иштирок этади, янги ташхис методикаларининг яралишда синаб қурилишда тажриба майдончаси вазифасини утайди.

- Мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларида давлат маблағини тежаш тўғрисида аниқлаш, тежамкорлик, мол-мулкни асраш хиссини урганиш, ноҳуш кечинмаларни жамоа елпасига текшириш бўйича тадбирлар

ишлаб чиқиш, миллий гуруҳ, миллатлараро муносабат маданиятини таркиб топтириш мажмуасини ишлаб чиқиш.

- Ўқувчилар, ўқитувчилар, мактаб ходимлари, тадбирларда ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш юзасидан илмий-психологик дастур яратиш ҳамда унинг моддий бойлик ишлаб чиқаришдаги улушини таҳлил қилиш.

Халқ таълими тизимидаги психологнинг вазифаси психологик хизматни муайян қоида, мезонга асосланиб ташкил қилишдан иборат бўлиб еш давр хусусиятларига биноан (болалар, ўқитувчилар, талабалар) психологиясини ривожланиши, шахнинг шаклланиши қонуниятларини амалиётга тадбиқ этиш, ўқувчилар жамоасига болалар, ўқувчилар ва талабалар таълим-тарбиясини индивидуаллаштиришда ердлаштириш, уларнинг қобилияти, майлининг даражасига қараб ўқитувчиларга қоррекция (мунтазам) ишларини амалга оширади ва қурсатмалар беради. Психологик хизматнинг ушбу йуналишида алоҳида аҳамият қасб этадиган нарса бу болалар, ўқувчилар, талабалар ушуда (ривожланишда) қечикиш (орқада қолиш), уларда ҳулқнинг бузилиши, таълимда узлаштиришнинг емонлашуви ҳисобга олинади:

1. Психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг еш хусусиятларини ҳамда жадал ривожланишини ҳисобга олувчи, уларнинг таракқиетига қафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга, ижтимоий ушш талабига жавоб берувчи, умуминсоний, этнопсихологик қонуниятлар муҳитида қамолотга интилувчи шахсни таркиб топтиришни бош мақсад қилиб танлайди.

2. Амалий психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг психик таракқиетидаги ҳулқи ва муомиласидаги нуксонлар ҳамда қамчилиқларни аста-сёқин тузатиш, қоррекция қилиш дастурини ишлаб чиқади ва амалиётга тадбиқ этади. Бунинг учун улар билан маҳсус машғулотлар бузилишини қамайтириш машқларини утқазади, ижодий қобилиятларни устириш мақсадида тренинг олиб боради.

3. Ривожлантирувчи ва психокоррекция ишлар дастури уз ичига психологик ва педагогик муаммоларни қамраб олади. Қоррекция фаолиятнинг қисми мутахассислар томонидан амалга оширилади, мазқур ишнинг педагогик жихатдан эса психологнинг педагоглар, отаоналар билан ҳамқорликда утқазилади ва бутун масъулият унинг зиммасига тушади.

4. Ривожлантирувчи ва психокоррекция ишлар психолог томонидан ҳар ҳил шаклларда, вазиятлар ва ҳолатларда ташкил қилинади:

- а) амалий психологнинг маҳсус иши, машғулоти айрим болалар, ўқувчилар ва талабалар билан алоҳида утқазилгани режалаштиради;
- б) психологларнинг бошқа бир фаолияти маҳсус равишда амалга оширилиб, болалар, ўқувчилар, талабалар гуруҳига тарбиявий таъсир утқазилган йуналтирилган бўлади;
- в) ота-оналар, педагогик жамоа иштирокида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар олиб бориш назарда тутилади.

5. Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар дастурини шундай тузиш керакки, унда коррекцион ишга жалб килинувчилар гуруҳининг кадриятга йуналганлиги, этнопсихологик ва этномаданият хусусиятлари уз аксини топсин: дастурни халк, этнос, миллат, эллат тарихи, анъаналари, расм-русумлари, удуми, одати, стереотипи кабиларни хисобга олган холда тузиш мақсадга мувофикдир.

6. Хунар техника билим юртлари ўқувчилари билан мураббийлар уртасидаги мутаносибликни йукотиш мақсадида махсус машгулотлар утказиш: улардаги укишдан, ижтимоий мухитдан, эгалаган урнидан, мавкеидан коникмаслик хиссини камайтириш учун тренинг, ишчанлик уйинлари, психодраммадан фойдаланиш.

7. Эмоционал зурикишнинг олдини олиш ва камайтириш ниятида махсус хоналар жихозлаш (хона жахон стандартларига жвоб бериши, бошқарув пульти, аудиотренинг, социал тренинг, техник воситаларига, илмий-амалий методикаларга эга булиши лозим).

8. Коррекцион ишлар маълум тартибда, илмий танлов асосида, муайян сеанс буйича утказилиши шарт.

Бунда эмоциянал зурикишга учраган шахс миллати, еши, жинси, индивидуал-типологик хусусияти, таъсирланиш даражаси хисобга олиниши керак: тузатиш ишлари машгулот, фаолият, касб хусусиятига мос, мутаносиб булиши самарадорлигини оширади; унда япон услубларини куллаш хамда зарур маълумотлар тўплаш ва тангликни йукотиш имконини яратади.

Психолог диагностика, коррекцион ишларнинг hozirgi замон илмий ютуқларига асосланган, халк таълими тизимида доимо уз малакасини ошириб бориши керак.

Диагностик ва коррекцион фаолият натижаларини сир сакланиши, олинган маълумотлар синалувчилар шахсиятига зарар келтирмаслиги, уларни куршаб турган мухит аъзолари тахликага тушмаслиги керак. Богчада, мактабда ва олий ўқув юртида утказиладиган тадқиқот мақсади, мохияти, вазифаси ва натижалари юзасидан педагогик кенгаш, илми кенгаш, маъмурият (рахбарият, директор, ректор)га маълумот бериш ва Низом бандларига катъий риоя килиш мақсадга мувофикдир.

Маъмуриятга, педагогик кенгашга ўқитувчи ва талабаларга якка тартибда ендашишни таъминловчи имконият, уларни хал килишнинг психологик шартлари, таълим-тарбиядаги нуксонларнинг олдини олиш омиллари юзасидан ердам курсатиш лозим. Бундан ташқари унинг канча вазифалари, хукуклари ва хизмат босқичлари мавжуддир.

Ўзбекистонимиз бутун жахон тан олаётган бир пайтда еш авлодни тугри тарбиялаш мухим омиллардан бири булиб хисобланади.

"Келажакка қандай ешлар керак? Уларни қандай тарбиялаш лозим?" деган саволлар hozirgi кунда ҳар бир жонкуяр педагогни ташвишга солиб келмокда.

Ҳар бир соҳасининг уз устаси, инженери булиши керак. Инсон калбининг инженерлари психологлар хисобланади. Педагогларнинг якин ердамчиси инсон



рухи калбига ички дунесига йул топа оладиган кишилар - психологлар хозирги кунда таълим-тарбия соҳасига зарур булиб бормокда.

Бу борада халк таълимига амалиетчи психологларнинг кирибкелиши уларни таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасаларида фаолият курсатишлари яхши ишларни бошланишидан далолат бермокда.

Бозор иктисодиети шароитида утишимиз болалар тарбиясига хам уз таъсирини курсатмокда. Тарбияси огир деганда, биз қандай ўқувчиларни назарда тутамиз? Кўп педагогларимиз тарбияси огир болалар устидан шикоят килаётганларини гувоҳи булганмиз.

Бир карашда - тарбияси огир усмир деганда бир тарбия жараёнида педагогик воситаларимизга қаршилик курсатиб унинг хулқида намоен буладиган, узини-узи хоҳлагандай тутмайдиган болаларни тушунамиз. Бу гуруҳга кирувчи ўқувчилар орасида, албатта тиббиет нормаларидан четга чикувчи тугилганидан баъзи бир камчиликларга эга булганлар хам йук эмас. Мактабларда таобияси огир болаларни кўп холларда вояга етмаганлар билан ишлаш назоратчиларида хисобга олинган ёки олинмаганлигини, наркомания ва алкоғолга кизикиши, асоциал ва антисоциал ҳарактерга эга булган гуруҳларга аъзолигини, угирлик ва йул тусарликка кул урган болаларни назарда тутиб гапирилади. Мактаб психологига яна шундай болалар билан ишлаш вазифаси юклатилади.

Ҳар қандай ишни бошлашдан олдин психолог бола тарбиясини бузилиш сабабини аниқлаш зарур.

Усмир ешни тугри тарбиялаш муҳим педагогик муаммо булиб у бир катор объектив асосларга эга:

1. Болалар ва катталарга куядиган талабларни хал хиллиги.
2. Усмирлар организмидаги фиологик узгаришларнинг мураккаблиги.
3. Усмирлик ешда узига хос холатларни тез содир булиши.
4. Болада мустакилликни етарли эмаслиги.
5. Узининг жамиятга мансублигини тула хис этмаслиги.

Бу объектив сабаблардан ташқари психологик текширишлари тарбияси огир болалар билан ишлашда катор ишлар килиш кераклигини аниқлаш даркор. Тарбияси огир усмирларнинг келиб чиқиш сабабларига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Оила аъзоларини носоглом муносабатлари.
2. Мактаб ва оила хамкорлигини узаро боғликлигини йуклиги.
3. Ташқи муҳит таъсири.

Шундай экан, психолог-педагог тегишли тадбирлар асосида иш олиб бориши лозим. Чунончи, уларга оилавий ахволни урганиш, мактаб билан ота-она уртасида узвий алоқа урнатиш, ўқувчини мактабда, уйда тутган урнини аниқлаш, фан ўқитувчилари билан алокани мустахкамлаш, ўқувчи фаолиятини назорат килиш, турли савол-жавоблар утказиб туриш, мактабнинг мажбурий таълим фондидан ердам бериш.

Бундан ташкари буш узлаштирувчи ўқувчилар билан ҳам ишлашда юкорида кулланилган фактларга ендашиш, уларни яхши томонга узгаришлари учун замин яратиш ва шунга мажбур этиш керак.

Психологик-педагогик боланинг тиббий варакаси билан танишиб чиқиши керак. Негаки, унинг психик ривожланишида камчиликлар айна усмирлик шаклланади.

Ўқувчиларнинг билим олишга яроклиги ва лаекатини диагностика килади, уларнинг шахс хислатларини, иродавий сифатларини хис туйгулари, уз-узини бошқариш имкониятлари, интеллектуал (аклий) даражаси ва қобилиятини текширади.

- Ўқувчилар ва талабаларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг кизиқишлари, майил, илк иктидорлиги қабиларни урганади, уларга яққоҳол (индивидуал) муносабат ва ендашишни йулга қуяди, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишга муаян ердам берди, махсус машқ утказди. Мактабгача ешдаги болалар, ўқувчилар, қасб хунар билим юрти тингловчилари янги типдаги мактаб ўқувчилари олий ўқув юрти талабаларида учрайдиган ўқув малакалари ва қуникмаларини эгаллашда нуксонлар, хулқ атвордаги камчиликлар, аклий тараккиет ва шахс фазилатларидаги бузулишлар сабабларини диагностика килади.

- Болаларнинг вояга етган одамлар ва уз тенгқурлари билан муомиласи хусусиятини текширади. Уларнинг этнокиефаси, этномаданияти хусусиятини хисобга олган ҳолда психофизиологик методларни хисобга олган ҳолда муяян шароитга мослаштиради.

- Бошқа соҳанинг мутахассислари билан биргалиқда рухий ривожланишдаги нуксонлар хилма хиллигини хисобга олиб, табақаланган дифференциал диагностикани амалга оширади.

- Девиант (қонунбузарлик) аксил ижтимоий хулқ-атвор сабаблари ва уларнинг шакллари бeлгилайди.

- Чет эл муассасалари билан алоқа қилиш, кадрларнинг малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал потенциалини аниқлаш фан ва техникани ривожлантириш имкониятини олий мактабнинг нуфузи тугрисида материаллар йиғиш, уларни педагогик жихатдан таҳлил қилиш ва маслаҳатлар бериш.

Етокхоналарда ўқувчилар ва талабаларнинг талаби, эҳтиежи, кизиқиши, ижтимоий қарашлари, нуктаи назари (позицияси), маслағи, турмушга нисбатан муносабати тугрисида маълумотлар тўплаш ва уларнинг фаолиятини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

- Ўқувчи, талабаларнинг экологик, иктисодий, сиесий билимлари савиясини ошириш ва мустақиллик урганиш ватанпарварлик хис-туйгуларини шакллантириш мақсадида тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

- Анъанавий таълим ва тарбия методларининг ютуғи ҳамда камчиликларини тадқиқот қилиш, инновацион, фаол услублари самарадорлигини амалиётда синаб

куриш, ўқувчиларнинг уларга нисбатан муносабатини аниқлаш ва ана шуларга асосан ўқитишни индивидуаллаштириш, табакалаштириш буйича ўқув-услубий курсатмалар тавсия қилиш.

- Иқтидорли ўқувчилар, талабалар ижодий фаолиятини кутаришнинг тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг имкониятларини текшириш, касб маҳоратини эгаллаш буйича мусобакалар, мунозаралар ташкил қилиш ва уларнинг махсули тугрисида башорат қилиш.

- Ўқувчилар, талабалар уртасида буш вақтни таксимлаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш муаммосини педагогик нуқтаи назардан текшириш ва буш вақтини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш йуллари ҳамда фойдаланиш имкониятини психологик жихатдан ташкил этиш.

Илмий методик ва оммабоп кулланмалар яратиш ишларини бажаради. Марказлар мактаб тиббий санитария ва психологик хизмат фаолиятларини назорат этади, уларнинг тегишли мутахассислар билан таъминланишида халқ таълим ва соғлиқни сақлаш булимлари, мактаблар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади.

Таълим олишда катта ютуқларга эришаётган болаларнинг ривожланишини мактаб психологлар билан биргаликда назорат қилади, вилоят маркази мутахассислари билан бирга тегишли методик, психологик тадқиқотлардан уткази ва ҳар бир йуналиш соҳасида истеъдодли деб танилган ўқувчи ешларнинг худудий банкини яратади. Улар хақидаги маълумотларни урғанади. Марказлар уз худудлари доирасидаги мактаб ўқувчилари орасидан жисмонан заиф ва аклий ривожланишда нуқсонли булган ўқувчиларни назоратга олади, улар хақида алоҳида маълумотлар тўплайди, таълим тарбияси ва ривожланиши учун зарур булган мутахассисларнинг жалб қилинишига кумак беради, тегишли методик психологик ва тиббий ердам беришни ташкил этади, махсус ўқув муассасаларига йуланмалар беради.

Мактабгача мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда болалар ва ешларнинг касбий тайёргарлиги касбга йуналтирувчи тадбирларнинг утказилишида уларга методик ердам беради.

Олти ва етти ешли болаларнинг мактабга тавсия этиш комиссияларини тузади ва мутахассислар ердамида Республика методик муассасалар тавсия этган методика ва тестлар воситасида болаларни уқишга етуклик даражаси тугри ва илмий аниқлашда мутахассислар ва гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради, тегишли мезон талабларга жавоб берган болаларни мактабларга тавсия этилишини ташкил этади.

Йилда бир марта барча ўқувчиларни тиббий куриқдан ва шаҳар, туман соғлиқни сақлаш булимлари томонидан фаолиятларни мувофиқлаштиради, жисмонан заиф, камалвалд болаларнинг назорати ва уларни соғломлаштириш ишларини мактаб тиббиет ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширади. Марказнинг мутахассислар таркиби худудий имкониятлардан келиб чиқиб врач (терапевт ёки педиатр) психолог (социолог) деолектолог ва педагог

ташкilotчилардан иборат этиб тайинланади. Марказ еш истеъдодларни излаб топишда уларнинг ривожланиши жараёнини назорат этишда, тегишли моддий ва маънавий ердам уюштиришда Республика Истеъдод Маркази, Ўзбекистон Республикаси ешлари "Камолот" жамгармасининг минтакавий булимлари, "Улугбек", "Соғлом авлод учун", "Болалар", "Оила" жамгармалари ва давлат, жамоатчилик ташкilotлари, якка хомийлар билан биргаликда якиндан хамкорлик килади. Педагогик диагностика ишлари мажмуаси, ўқувчиларни мактаб, коллеж ва лицейларда ўқитиш давомида педагогик-психологик жихатдан чуқуррок урганишга йуналтирилган булиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини таълим ва тарбиясидаги нуқсонларнинг сабабини аниқлашга мулжаллангандир. Диагности ишлар гуруҳий ёки якка тартибда утказилади. Бу аснода педагог вазифаларни бажаради.

Еш давр тараккиетининг муайян мезонларига мувофиклигини аниқлаш мақсадида болалар, ўқувчилар, махсус мактаб ва билим юрти ўқувчиларини текширувдан утказди, уларнинг камолот даражаларини белгилайди, ешида уз асоратини курсатади. Бундай болалар билан психологлар мас, балки психиатрлар шугулланиши керак. Аксинча, бола соғлом, яхши ривожланган булсаю, мактаб хамда оиладаги тарбияга буйсунмаса, бу холларда, албатта психолог уз таъсирини утказиши даркор. Даставвал психолог бола билан суҳбатлашиб нима учун узгарганини куча таъсирига берилганини, норасмий гуруҳга булиш сабабларини аниқлаш лозим. Психолог усмир билан суҳбатлашганда унинг узига хос булган мусобатини, хулкига, атрофдаги кишиларга берган баҳосини аниқлайди.

Шуни хам таъкидлаб утиш зарурки, кўп холларда тарбияси огир болаларга кўп танбех берилганини ва унга ўқувчилар диккатини каратилганини учратамиз. Бу танбехларни берилиши болада салбий тасирни уйготиб, унинг хулки, узлаштиришига хам таъсир этади. Бундай холларда психолог педагог ўқитувчи билан суҳбатлашиб кийин болалар билан уни тугри муомила килиш йулларини курсатиши зарур.

Бу борада еш ўқитувчилар билан психолог хамкорлиги жуда яхши натижалар бериши мумкин.

### Таянч иборалар ва тушунчалар:

1. Педагогик диагностика (ташхис).
2. Коррекция усули (тузатиш).
3. Диагностикадан фойдаланиш мезонлари.
4. Коррекциядан фойдаланиш мезонлари.
5. Истеъдодлар маркази.
6. Илмий-методик муассасалар.

### Саволлар:

1. Диагностика нималарни кузда тутди?
2. Педагогик диагностиканинг ижтимоий ахамияти нимадан иборат?
3. Коррекция моҳияти нималардан иборат?
4. Диагностика ва коррекциянинг келажакдаги муаммоларини қандай тасавур қилади?

### Адабиетлар:

1. И.А.Каримов."Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" Т.1999 йил.
2. И.А.Каримов."Ўзбекистон тараккиетининг пойдевори" Т.1997 йил.
3. Ш.Курбонов ва бошқалар."Баркамол авлод орзуси" Т. 1999 йил.
4. А.Мунавваров "Педагогика" Т. 1996 йил.
5. "Халқ таълими" журналі 9-12 сонлар 1995 йил.
6. "Халқ таълими" журналі 3 сон 1998 йил.
7. "Маърифат" газетаси 1998 йил.

## 28 Мавзу: Педагогик фаолиятнинг моҳияти.

### Р Е Ж А :

1. Кириш.
2. Педагогик фаолият таърифи ва йуналишлари.
3. Педагогик шахс ва унга куйиладиган талаблар.
4. Педагог - синф рахбари сифатида.

Уз-узини эл ишига багишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олийжаноб ўқитувчиларни, муътабар муаллимларни бундан буен хам бошимизга кутарасиз.

И.А.Каримов.

1. Президентимиз И.А.Каримов уз асарларида ешларга замонавий билим бериш ва бунинг учун замонавий педагоглар зарурлиги ва улар фаолиятини ошириш тугрисида баен этганлиги хаммага маълум. Етук, савияли ўқитувчиларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш учун чет мамлакатларига укишга жунатиш ва имкониятлар яратиш энг тугри танланган йулдир. Чунки тажриба орттирган муаллимлар баркамол авлодни тарбиялаш учун зарурдир. Педагогларимиз фаолиятининг юкорилиги уларнинг кай даражада савиялилигидадир.

### 2. Педагогик фаолиятнинг таърифи ва йуналишлари.

Педагогик фаолият еш авлодни хаетга, мехнатга тайёрлаш учун халк олдида, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим-тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг мехнат фаолиятидир. Мактаб ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга каратилган. Ҳар бир бола уз хулк атворига, ҳарактерига эга. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу узига хусусиятларини хисобга олиш, урганиш ниҳоятда мураккабдир. Бунда одамлар уртасидаги ижтимоий муносабатларининг мураккаблигини узиди акс эттирувчи махсус усуллардан фойдаланилади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик кураетган ешлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим. Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланади.

Профессиограмма куйидагиларни уз ичига олди:

1. Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари.
2. Ўқитувчининг рухий педагогик тайёргарлигига куйиладиган талаблар.
3. Махсус тайёргарликнинг мазмуни.
4. Ихтисосга усулий тайёргарликнинг мазмуни.

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари: Гоявий соҳада: илмий дунекараш ва эътикод, ижтимоий эҳтиеш ва ахлокий заруриятларни чукур тушуниш, ижтимоий

фукаролик бурчини англаш, ижтимоий сиесий фаоллик. Педагог касби соҳасида: болаларни севиш ва улар билан ишлашга кизиқиш, педагогик ишни севиш; рухий педагогик зийраклик ва кузатувчанлик педагогик такти; педагогик тасаввур; ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, вазминлик, узини тута билиш, касбий лаекатлилиқ. Кенг илмий савия, маънавий ва кизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, педагогик маълумотни оширишга интилиш эса билиш соҳасига қиради. Педагогик фаолиятни самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятни қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбияланиб етишмоғи лозим:

1. Билиш қобилияти - фаннинг тегишли соҳаларига оид қобилиятидир. Бундай фаолиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, уз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша қузатиб боради, материални ипидан игнасиғача билади, унга ниҳоятда кизиқади, оддий тадқиқот ишларини бажаради.

2. Тушунтира олиш қобилияти - ўқув материални ўқувчиларга тушунарли баен эга олиш ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга уйғотиш қобилиятидир.

3. Кузатувчанлик қобилияти - ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунесиға қира олиш қобилияти, ўқувчи шахсини ва унинг рухий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлиғидир. Бу ўқитувчи ўқувчининг руҳиятидаги қуз илғамас узғаришларни ҳам тез фаҳмлаб олади.

4. Нутқ қобилияти - нутқ ердамида, шунингдек, имо-ишоралар воситасида уз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Бу ўқитувчилиқ касби учун жуда муҳимдир.

5. Ташкилотчилик қобилияти - биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жиқслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишға руҳлантириш, иккинчидан, уз ишини тугри уюштиришни назарда тутади. Уз ишини ташкил этиш деганда тугри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади.

6. Обрй орттира олиш қобилияти - ўқувчиларға бевосита эммонал иродавий таъсир қурсатиш ва шу асосда обру қозона олишдир. Обру - ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлиғи, лазоқалилиғи ва ҳоқазолар асосида орттирилади.

7. Тугри муомила қила олиш қобилияти - уз ҳаракатларини оқибатини қура билишға, ўқувчининг қелғусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида тарбияланувчида қандай фазилатларни тараккий эттириш билан ва олдиндан айтиб бера олишни ифодалайди.

3. Педагогик шахс ва унга қуйиладиган талаблар.

Педагогик фаолияти уз мохиятига кура ижодий ҳарактерга эга. Инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж тугилади. Ўқитувчилик фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий мохияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва ҳарактер билан боғлиқ. Ўқитувчи аниқ мақсадни кузлаш, катъийлик, ширин сузлик каби хислатларга эга булиши керак. Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак булса, одамларга нисбатан меҳрибон, саховатли булсагина тез обрӯ хурматга эга булади.

Ўқитувчи болаларга нисбатан талабчан булиши билан бирга уз шахсига танкидий нуқтаи назардан қарай олиш керак. Ўқитувчи педагогик этиканинг нормаларини узалштириб олиши тажрибада куллаш, узининг дунеқарашини ва ахлоқий тажрибасини билан такқослаши лозим. Ўқитувчининг муҳим фазилати кишилар билан тез эл була олиш, кўпчиллика аралаша билиш, улфати жонлик, дилқашлик булиб, бу унда муомила маданиятини юксаклигини ифодалайди. Ижтимоий фаоллик ва фақуролик бурчини англаш ўқитувчилик шахсига хос хусусият, зеро, ҳақиқий педагог тула маънодаги жамоатчи булиб, болаларга ҳаётга ижтимоий фаол туришининг амалий намунасини курсатади. Ўқитувчи дарсларда ўқувчиларга булган талабчанликни болаларга хурмат, зийраклик, педагогик маъке обрусини сақлаган ҳолда ендашишнинг мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориши лозим. Дарсда ўқитувчининг ўқувчиларга мувожазати ҳам фарқсиз эмас, ўқитувчи ўқувчиларни исми шарифлари билан қақирини ва унга ургатиши мақсадга мувофиқдир. Педагог сифатида узлигини намоён этиши талаб қилиш зарур ҳолатларда ўқитувчи томонидан уз хиссиетини ақс эттиришини инқор этмайди.

Ўқитувчи дарсларда зийрак, меҳрибон, қувнок, ҳушер, қунгилчан булибгина қолмай балки жиддий ҳафа ва норозилиги билинган қиефада ҳам керак. Ўқитувчиларнинг педагогик оптимизми унинг ўқувчиларга муносабатидаги ишонч, ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли шаклларидаги дарсда уларнинг ҳамжихатликдаги изланувчанлигини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ишларига ҳаққоний баҳо бериш, уларга доимий зарур ердам курсатишга тайёр туришлик буларнинг барқаси жуда қатта практик ва тарбиявий аҳамиятга эга булади.

Ўқитувчининг белгиланган режани бақариши юзасидан ташкил этадиган ўқув ишлари, тайёрлов ва бақариш босқичларига булинади. Дарсга тайёрланиш давомида ўқитувчи уз имқониятларига қараб қуйидагиларни таъминлайди:

Таълимнинг зарур булган техник воситалари, қурғазмали қуроллар, қуланмаларни, дидактик ва тарқатма материалларни тайёрлайди.

Ҳозирги замон фан ва техника таракқиети ўқитувчининг ижодқор булиши фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларининг ўқувчиларга етқазати олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ижодий фикрлашга таққикот ишларига ургата олишини талаб қилади.

#### 4. Педагог - синф рақбари сифатида.



Ўқитувчининг синф рахбари сифатида ҳам вазифалари кўпдир. Синф рахбарининг асосий вазифаси синфдаги барча тарбиявий таъсирини ташкил қилиш, рағбатлантириш, муофикаштиришдан иборатдир. Синф рахбари синфда дарс берувчи ўқитувчиларнинг ўқув-тарбиявий ишларини камсукумлиқ ва хушмуомилалиқ билан узаро келиштиради, ўқувчилар жамоасини шакллантиради ва унинг ишини йуналтиради.

Ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси биргаликдаги фаолиятини мувофикаштиради, узларининг кучлари ҳам бор четдан барча ўқитувчилар ва мутахассасларнинг жалб қилган холда синфдан ташқари тарбиявий ишларни олиб боради, синфнинг ташқи дуне билан кўп қиррали алоқасини уюштиради ва бошқаради. Синф мураббийси уз тарбияланувчисида дунекарашни фаол ҳаётий нуқтаи назарни шакллантиради, ўқувчиларда билимга, меҳнатга кизикиш уйғотади, уқишга масъулият билан ендашишни ургатади, эстетик ва бадийи дидни уйғотади. Унинг яна алоҳида вазифаси шундаки ота-оналарнинг ҳам педагогик маданиятини ошириб тарбиявий фаолияти мактаб ва оила бирлигига эришади.

Синф рахбари тарбиявий фаолият уюштирувчисидир. Уларнинг вазифалари урат умумтаълим мактабларининг Низомларида белгиланган. Синф рахбари бевосита мактаб директори ва унинг раҳбарлигида иш олиб боради. Улар унга зарил бўлган ташқий педагогик ердам курсатадилар. Синф рахбарининг кўп қиррали фаолияти ундан юқори даражадаги яхши рухий-педагогик талаб қилади.

Замонавий синф рахбари - нозик психологик ва мохир педагог. У назарий билимлари педагогик сезгирлиги воситасида ўқитувчилар ва ўқувчилар билан осон алоқага қиришади, мактабда ва ундан ташқарида биргаликда фаолиятини мохирлик билан уюштиради, ўқувчиларнинг фикри, туйғуси ва иродасини бевосита ва билвосита бошқариш санъатини эгаллаган бўлади.

Синф рахбари уз қалбининг бутун бойлиги ўқувчиларга ҳадъя этади. Синф рахбари шахсининг яхши инсоний ва қасбий сифатлари еш ўқитувчидан унинг олий ўқув юртидаги фаол уқиши ва уз-узини тарбиялаш йули билан мувоффақиятли шаклланади. Синф рахбарининг ишдаги мувоффақиятли кўп жихатдан унинг режалилиги ва мунтазамлилигига боғлиқ. Синф рахбарининг фаолият умумий тарбия жараёнини бир қисмини узида ақс эттиради. Синф рахбарининг ташқий педагогик иши ўқувчиларни доимий урганиб бориш, ўқувчилар дунесини уюштириш ва шакллантириш буйича тадбирлар утқизиш, шунингдек ўқувчиларнинг ота-оналари билан биргаликда иш олиб боришни қамраб олади.

Педагогик назариячилардан фарқли уларок, синф рахбари узининг ўқувчиларини соф амалий мақсадда тарбиялаш учун урганади. Синф рахбари ўқувчиларнинг ақл идроқи, характери, соғлиги ва бошқа хусусиятлари тутрисида объектив маълумотга эга бўлиши қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

Ўқувчини тарбиявий шароити билан биргаликда урганади. Индивидуал ва еш узгаришни доимий хисобга олади, ўқувчи унинг ҳамма намоен булган томонлари билан бир бутун холда урганади ва тарбиялайди.

Илк жамоани вужудга келтириш, бирлаштириш ва бутун фаолиятни ташкил қилишда синф рахбари асосий роль уйнайди. Жамоани, ўқувчиларни жипслаштиришнинг умумий назариясига амал қилган синф рахбари ишни улар фаолиятини ташкил этишдан бошлайди.

Педагог синф олдида ижтимоий ахамиятли ва ўқувчиларни жалб қиладиган мақсадни қуяди. Синф рахбари ўқувчиларнинг турли шаклдаги мулоқатларини ташкил қилади. Узаро қизиқишлари ва бир бирларини маънавий бойитишларига ердам беради. Синф рахбари синф бошига ўқувчилар орасида жамоат топшириқларини таксимлаш, синф ва мактабда навбатчиликни ташкил қилиш, синфнинг навбатдаги йигилишини тайёрлаш ва бошқаларда ердамлашади.

Педагогни асосий вазифаси ўқувчиларни тарбиялашда мактаб ва оилага ягона талабларни урнатишдир. Шу билан бирга синф рахбари ота-оналар билан ҳам алоқада булиши шарт. Асосий йигилишлар ва суҳбатлар утказишдир.

## Х У Л О С А .

Киска қилиб айтганда, бугунги кунимиз ва эртанги ҳаётимиз келажагимизни мустаҳкамлаш ва келажак авлодга таълим-тарбия бериш учун малакали етук кадрлар, билимли уз касбининг мохир устаси замонавий билимларга эга булган педагоглар, устоз, муаллимлар зарурдир. Ешларнинг қай тарзда билим олишлари фикр мулоҳаза юритишлари уларнинг қандай тарбия олишларига боглиқдир. Бунинг учун малакали педагогларимизнинг, мураббийларимизнинг фаолияти жуда муҳим роль уйнайди.

Президентимиз Ислом Каримов уз асарларида малакали кадрлар тайёрлашни йулга қуйиш, таълим ва тарбияни ислох қилиш зарурлиги ҳақида жуда кўп таъкидлаганлар. Таълимнинг янги усули ва услубларини жорий қилиш, таълим ислохотларини амалга ошириш бугунги кунимиз учун энг муҳим масала эканини доимий ўқитмоқдалар.

Таълим ва тарбия тизимини тубдан узгартириш учун аввало педагогларни мураббийларни узлари замонавий билим олишлари шартдир. Бу борада ҳам мамлакатимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчи ва мураббийларни жаҳон стандартларига мос тажриба ва билимга эга булишни таъминлашни мақсад қилган қатор нодавлат ташкилотлари, фондлар, жамгармалар уз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Келажак авлодни барқамол, маънавий етук билимли этиб тарбиялаш педагогларимизни асосий вазифаларидир. Малакали кадрлар тайёрлаш, жаҳон талаби ва тараккиетимизнинг қафолатидир. Мамлакат келажаги, миллат равнақини таъминлашни энг асосий ва муҳим омили ҳам маънавий ҳам жисмоний соғлом авлодни тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам буюк келажакли давлат,

хукукий демократик жамиятнинг пойдеворини мустахкамлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ешларига таянган мамлакат Президенти 2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилди. Бу эса ҳақиқатдан ҳам келажак авлодни уз миллати ва ватанини бутун жаҳонда тан оладиган буюк инсонлар этиб тарбиялаш йулида қуйилган яна бир шахдам одимлар.

Таянч иборалар ва тшунчалар:

1. Педагогик фаолият
2. Фаолият йуналишлари
3. Педагогик маҳорат
4. Педагогик касбини узига хос томонлари
5. Синф раҳбари
6. Синф соати
7. Тарбиявий соат

Саволлар:

1. Педагогик фаолият йуналишларини сананг.
2. Педагогнинг касбий хусусиятлари нималардан иборат?
3. Педагогик маҳоратни оширувчи омиллар нимадан иборат?
4. Педагогнинг ҳуқуқ ва бурчлари нимадан иборат?

Адабиетлар:

1. И.А.Каримов "Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиетининг пойдевори " Т.1997 й.
2. "Халқ таълими Конуни" Т.1997 й.
3. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" Т. 1997 й.
4. Ш.Курбонов ва бошқалар. "Баркамол авлод орзуси" "Шарк" нашриети - матбаа концерни Т.1999 й.
5. Мунавваров А. "Педагогика" Т."Ўқитувчи"1996 й.
6. И.И.Турсунов, У.Н.Нишоналиев "Педагогика курси" Т. "Ўқитувчи" 1996 й.

Р Е Ж А:

1. Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон ривожланшининг ХХІ асрдаги уствор йуналишларини белгилаб берилиши.
2. Бугунги ва эртанги кунимизнинг хал килувчи омиллари.
3. Шахс ва жамият манфаатлари уйгунлиги.
4. Ешлар маънавий-рухий баркамоллиги.

"Аниқ хаеий тақдирларни мухокама килиш бизни педагогик алокаларнинг уйгунлиги муаммосига олиб келади. Менинг назаримда, бу тарбиянинг туб асосий конуниятларидан биридир... Тарбиявий алокалар уртасида унларча, юзларча мингларча богликлик ва шартлар бор. Тарбиянинг самарадорлиги пированд натижада бу боглик ва шартлар хисобга олиниш, аниқроги, амалда рueba чикарилиши билан белгиланади. "

В.А.Сухомлинский.

Инсоният ХХІ аср остонасида турибди. Бундай дамларда утган кунларни сархисоб этиш, истикбол режасини тузиш, мақсадларини белгилаб олиш одамзодга хос хусусият. Янги юз йилликда еш республикамизни қандай истикбол кутяпти? Авлодларимизнинг турмуш даражаси кай даражада фаровонлашди. Мамлакатимиз улуг давлатлар каторидан урин олиш учун нималар килиш керак. Бундай саволлар бугун ҳар бир ватандошимизнинг кунгида туген уриб тургани маълум.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон ХХІ асрга интилмокда" номли рисоласида шу каби кўплаб масалалар батафсил тахлил килинган. Асарда ислохотларни чукурлаштириш, жамиятни эркинлаштириш хамда келажакдаги ривожланишнинг бой йуналишлари аниқ ва равшан очиб берилиб, мамлакатимиз тараккиетининг уствор йуналишларидан бири маънавиятни юксалтириш экани алохида таъкидланган: "Эркин фукаро маънавиятни, озод шахсни шакиллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошкача айтганда, биз уз хакхукуklarини танийдиган, уз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир булаетган вокеа-ходисаларга мустакил муносабат билан ендашадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халк манфаатлари билан уйгун курадиган эркин, ҳар жихатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак."

Асарнинг мухим илмий-амалий кимматини унда, жумладан, манфаатлар уйгунлиги, яъни шахс ва мамлакат манфаатлари муштараклиги гоёси тараккиетимизнинг бугунги ва якин келажакдаги босқичда хал килувчи омил эканига алоҳида аҳамият берилгани билан изоҳланади.

Одамзод бу еруг дунег манфаат аталмиш минглаб ришталар билан боғланган, шу манфаатлар замирида ҳаракат килади, фаолият юритади. Шахс манфаати, жамоа манфаати, мамлакат ҳамда жамият манфаати ҳамиша бир-бирини тулдириб, бир-бирига таъсир этиб туради. Инсон жамият ичида яшар экан, шахсий манфатларини атрофдаги одамлар, халк ва мамлакат манфаатлари билан уйгунлаштириб бориш керак. Шу жараёнда у камолга етади, шахс сифатида шаклланади.

Жамиятнинг равнаки, мамлакатнинг тараккиети фуқаронинг тараккиети фуқаронинг моддий ва маънавий манфаатлари кай даражада ривожлангани ва кай даражада кондирилаётгани билан белгиланади.

Уз кудрати ва салоҳиятини юксалтиришни кузлаган ҳар бир мамлакат фуқароларнинг моддий ҳамда маънавий манфаатларини кондиритиш борасидаги фаолият ва ҳаракатларига кенг имкониятлар яратади, эркинликлар беради, уларни рағбатлантиради. Бунга жавобан фуқаролар ҳам куч-гайратини мамлакат равнаки учун тўлиқ сафарбар этади, такдирини ватан, миллат тақдири билан боғлайди, эл-юрт келажаги учун кайгурувчи ватанпарвар, фидоига айланади. Инчунин, шахс ва жамият, фуқаро ва мамлакат манфаатларининг муштараклиги ижтимоий жараёнлар йуналишини белгиловчи омил сифатида рӯёбга чиқади.

Жаҳон ҳамжамияти манфатлари муштараклиги борасида узига хос тажрибага эга. Масалан, Европанинг ривожланган мамлакатлари ҳамда Япония, Америка Қушмича Шартлари каби йирик давлатларнинг ички сиёсатига назар солсак, уларда фуқароларнинг моддий манфатларини рӯёбга чиқариш йулидаги фаолият кулай шароит яратилганини кураимиз. Ишлаб чиқаришни ташкил этувчи раҳбарларга, мулк эгаларига берилган эркинликлар туфайли улар мамлакатда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлайдилар, турли маънфатларини химоя остига оладилар. Ишчи ёки хизматчининг малакаси, касб хунар маҳорати, билим даражаси корхона манфаати учун улкан аҳамиятга эга. Шу боис ҳам мавжуд имкониятлар уларнинг манфаатларини кондиритишга йуналтиради. Туланадиган иш хаки, курсатиладиган моддий ва маънавий гамхурликлар ишчи ва хизматчининг яшаши учун зарур булган барча эҳтиёжни коплайди. Натижада корхона ва ишчи уртасида мустаҳкам манфаатлар муштараклиги таркиб топади. Шу туфайли фуқароларда "менинг корхонам", "менинг муассам", "корхонамнинг маҳсулоти" деган фахрли туйғу шакилланиб, улар барча имконият ва салоҳиятни шу корхона манфаатлари йулига сафарбар этади. Мамлакат билан унда фаолият еритадиган корхона ва муассасаларнинг манфаатлари узаро муштарак булгани учун фуқаролар манфаати мамлакатнинг иқтисодий тараккиетини белгиловчи омил булиб хизмат килади.

Жамиятда манфаатлар уйгунлигига путир етказувчи омиллар мавжуд булса, яъни фукароларнинг моддий ва маънавий манфаатлар йулидаги фаолияти чекланса, мамлакат манфаати билан фукаролар манфаати уртасида зиддият келиб чикиш мумкин. Бу эса фукароларда норозилик кайфияти уйгонишга, уларнинг ватанпарварлик, халкпарварлик туйгуси суниб, худбинлашиш, маънан ва рухан гариблашишга сабаб булади.

Собик Шуро даврида ҳукумат ва фукаролар уртасидаги манфаатларга раҳна солинди. Шуро сиесати шахснинг моддий-иктисодий эркинликларини бугди. Жамият манфаатлари шахс манфаатларидан устун куйилади. Хусусий мулкка булган табиий тугма эхтиешлар каралади. Шахснинг моддий иктисодий эркин чеклаш жамиятида ташмачилик, угрилик, коррупция каби иллатларни келтириб чиқади. Бу сиесат фукароларни лойкадликка, шижоатсизликка, фаолиятчизликка ургатди. Мамлакат микиесида тўплаган гоят улкан моддий бойлик бир гуруҳ сиесий бошқарувчилар томонидан талон-тарож килина бошлади. Окибати-жамиятда маънавий инкироз кучайиб, унинг иктисодий ҳамда сиесий томонидан емирилишга олиб келади.

Бинобарин, инсоннинг моддий манфаатларини назар-писанд килмаслик эхтиешларини зурлик билан рад этиш шахс эркинлигини чеклайди. Моддий манфаатлари чеклаган шахс маънавий - рухий жихатдан ҳам инкирозга юз тутуди. Уз навбатида шахс ва жамият манфаатлари уртасидаги узаро муштараклик барҳам топади. Бу эса жамият равнакига салбий таъсир курсатиши аен.

Ана шу тарихдан сабок чиқариб мамлакатимизда мустакилликка эришилган кунидан бошлаброк фукаролар мулк туйгусини тарбиялашга катта эътибор берилди. Бугунга келиб эса юртимизда шахс ва жамият манфаатларини уйгунлаштириш борасида узига хос сиесат амалга оширилмоқда. Бу сиесатнинг мақсад - мохияти, бир томондан, фукароларга моддий-иктисодий эркинликлар бериш булса, иккинчи томондан, турмуш тарзимизда маънавий мезонларни барқарорлаштириш, халкимизнинг маънавий-рухий манфаатларини устиришдир. Чунки моддий манфаатлар маънавий манфаатлар билан уйгунлашган холгина ижобий натижасини беради.

Гап шундаки, бизга собик Шуро давридан жиддий маънавий таназул асоратлари билан бирга мамлакат ва фукаролар уртасидаги манфаатларни номутаносиблиги ҳам меро булиб колган эди. Фукароларнинг маънавий-рухий баркамоллигига эришмай туриб уларнинг моддий иктисодий эхтиешларига эрк бериши қандай окибатларга олиб келиши мумкинлигини Америка Кушма Штатларининг машхур ислохотчи президенти Теодор Рузвельт бундан 85 йил мукаддам шундай башорат килган эди: "Назорат йуклиги ва бир ховуч кишиларнинг кулида катта кучнинг тўпланиб колиши натижасида кўпгина евузликлар содир булади. Биз катта корпорациялар узини узи оекка тургизганини тан олишимиз, шу билан бирга катта бизнес кичик бизнес хисобидан имтиезларга эга булмаслиги учун уни назорат килишимиз ва тартибга

солиб туришимиз шарт. Биз устига биз ишлаб топилган фойданинг иш берувчи ва хизматчилар уртасида таксимланишини йулга куйишда ҳамкорлик карор топишини талаб этишимиз лозим. Токи улкан корпорацияларнинг келгусидаги ютуклари уни вужудга келтиришда иштрок этган барча кишилар уртасида адолатли тарзда таксимланси. Бу жум-  
лаларни укиган ҳар бир киши ҳазирги кунда жамиятимиз ҳаетида илгари сурилаётган бошқариладиган бозор тамойилининг шундай евузликларнинг олдини олиш ва адолатни карор топтириш учун кулланаётган оқилона тадбир эканига ишонч ҳосил қилиш шубҳасиз.

Ижтимоий ҳаётга бозор муносабатлари сиесатининг жорий этилиши мулкнинг хусусийлашуви, ишлаб чиқаришдаги рақобат ва бошқалар шахсга моддий эркинликлар бериш, мамлакат ва фуқаролар манфаатларини уйғунлаштириш борасида қилинаётган тадбирнинг дебчасидир. Бунинг самараси эса мамлакат фуқароларнинг маънавий-рухий қамолоти даражаси билан белгиланади. Зеро маънавий-рухий қашоқлик шароитда жорий этилган бозор муносабатлари фуқаролар билан давлат манфаатларини уйғунлаштирамайди, аксинча, улар уртасидаги зиддиятларни янада қиғаллаштиради. Жумладан, истемол молларига оид нарх-навонинг эркинлашуви унинг кескин ушиб кетиши сабаб булади. Натижада аҳолининг ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этувчи қисмнинг бойиб кетишига, унда иштрок этмайдиган қисмнинг эса қамбағаллашувига олиб келади. Бу ҳол фуқаролар орасидаги табақалашувни кескинлаштириб, шахс билан давлат манфаатлари уртасидаги мутаносибликни бузади. Бунинг натижаси уларок жамиятда жинойатчилик авж олади, давлат қонунларини менсимаслик, солиқ ва туловлардан қочиш, қузбуямачилик, алдов ва маъсулиятсизлик илдиз олади. Бу эса халқ манфаатларига ҳам, давлат манфаатларига ҳам путур етказиши ҳамда унинг оқибатда вужудга келадиган маънавий инқироз мамлакатни ривожлантириш учун белгиланган тадбирларни амалга оширишга йул қуймайди.

Дуне мамлакатлари тажрибаси шуни қурсатмоқдаки, бундай ҳолда давлат қуч ишлатиб, зурлик билан фуқаролар манфаатини мамлакат манфатлари билан уйғунлаштира олмайди. Бунга уриниш инсон ҳуқуқларининг топталшига олиб келиб, оқибатда жамиятнинг маънавий-рухий томонидан тубанлашуви руй беради. Бунинг олдини олишнинг бирдан бир тугри йули-тарбия, шахсни маънавий-рухий жиҳатдан қамол топтириш ва жамиятнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш. Қачонки инсон узини шахс сифатида таниса, тарихий илдизларини, маънавий ва миллий қадриятларини анғласа, узиди ватан учун, унинг келажаги учун қайғуриш ҳиссини туйса, шундагина манфаатлар уйғунлиги юзага келади, жамият таракқиети илдамлашади. Шунинг учун ҳам Президентимиз маънавиятни юксалтириш, барқамол авлодни вояга етказишни мамлакат таракқиетининг устувор йуналиши даражасига қутариб, бунга эришиш учун барча имқониятларни сафарбар етмоқда. Юртимизда таълим тарбия тизимининг ислоҳ қилиниши, иқтидорли ешларнинг чет элларда таълим олишга имқониятлар яратилиши,

оилаларга гамхурлик, ахолининг эҳтиёжманд қисми ижтимоий муҳофаза этилиши ва ҳаказолар маънавий баркамол борасида амалга ошириладиган муҳим тадбирларнинг бир булагидир, ҳолос. Бундан ташқари, Президентимиз сиёсатидан фан, маданият, санъат равнақи ҳам алоҳида эътибор берилиб, маърифатга маънавий юксалтирувчи куч сифатида қаралмоқда. Бу эса ахолининг маърифатли катлами зиммасига зур маъсулият юклайди.

"Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, дейилади юқорида зикр этилган асарда, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга ошириладиган ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавийнинг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг урганилиши, аналаримизнинг сакланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир". Демак, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, ахолининг маънавий-руҳий тарбиясини, шунингдек, фуқаро ва мамлакат манфаатларини уйғунлаштириш жараёни ҳам маърифат парвар кучларининг салоҳияти билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, инсоният тажрибасидан маълумки, ҳар қандай жамиятнинг маънавий-руҳий кудратини юксалтиришда зиеллар, шу мамлакатда етишиб чикан маърифатпарвар кишилар халқ қилувчи воқеага эга бўлган. Улар ўзларидаги бор маънавий-руҳий бойликни, маданият ва маърифатни халқ орасидаги ейиш орқали оммани тарбиялаб, жамиятнинг маънавий поқлиғига эришганлар. Бозор муносабатларига ўтиш даврида ахолининг зие тарқатувчи бу қисми етарлича ижтимоий муҳофаза этилмаса, улар тирикчилик ташвиши билан уралашиб қолса, бундай ҳолат жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига салбий таъсир этиш мумкин. Чунки бу катламнинг зие ва маърифат тарқатувчилиги салоҳияти сусайиб, мамлакат маънавий кашоқлик ботқоғига ботиб бораверади. Шу боис, ҳар қанча қийин бўлмасин, ахолининг маърифатли катлами ҳам моддий, ҳам маънавий томондан ҳимоя қилиниши, уларнинг обрў эътибори муносиб жойига қуйилиниши, барча имконият ва салоҳият фуқароларни тарбиялаш, фан, маданият, санъат, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш, шахс ва жамият орасидаги манфаатларни уйғунлаштириш ишларига сафарбар этилмоғи лозим.

Хуллас, мамлакатимизнинг янги юз йилликдаги ривожланиш йўналишига бир назар ташлар эканмиз, унда манфаатлар муштарақлигини таъминлаш нақадар муҳим масала эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Таянч иборалар ва тшунчалар:

1. Манфаатлар уйғунлиги;
2. Эркинлик;
3. Шахс эҳтиёжлари;
4. Миллий гоё;
5. Шахснинг маънавий-руҳий баркамоллиги.

Савол ва топшириқлар:



1. Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда" ва "Баркамол авлод орзуси" асарларида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг уствор йуналишлари ва вазифалари.
2. Шахс, жамият, давлат манфатлари муштараклиги нималарга боглик.
3. Ешларнинг маънавий-рухий баркамоллиги қандай омилларга боглик.
4. ХХІ асрга мактабнинг истикболларига бугунги кунда қандай асос солинмоқда.

#### А Д А Б И Е Т Л А Р:

1. И.А.Каримов."Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда"Т."Ўзбекистон" 1999 й.
2. И.А.Каримов. "Баркамол авлод орзуси" Т."Ўзбекистон" 1999 й.
3. Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиетининг пойдевори. Т."Ўзбекистон" 1997 й.
4. "Халк таълими", "Мулокот", "Тафаккур" журналлари.